

“ЗАРАФШОН” ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИДАН

*Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжса БЕҲБУДИЙ  
таваллудининг 145 йиллигига*



# “ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

*Мақолалар*



“S A H H O F”  
2020

821.512.133(092) Беҳбудий 3 37  
84(5Ў)  
3 37

3 37     “Зарафшон”нинг Беҳбудийси [Матн]: мақолалар /  
Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Акрам Ҳайдаров.  
– Тошкент: “Sahhof” нашриёти, 2020. – 144 б.

ЎЎК: 821.512.133(092) Беҳбудий  
КБК: 84(5Ў)

ISBN 978-9943-6664-7-4

**Таҳрир кенгаши:**

*Фармон Тошев (raus), Ҳўжақул Муҳаммадиев, Галиб Ҳасанов,  
Суюн Каримов, Ҳалим Саидов, Шоҳруҳ Беҳбудий,  
Фарҳод Ализода*

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

*Акрам Ҳайдаров*

Замонасининг таниқли арбоби, жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан чоп этилган ушбу китобдан турли йилларда айнан алломанинг ўзи таъсис этган “Зарафшон” (турли даврларда турлича номланган) газетасида унинг шонли ҳаёт йўли ҳақида босилган мақолалар ўрин олди.

ISBN 978-9943-6664-7-4

© «Зарафшон» газетаси таҳририяти, 2020  
© «SAHHOF», 2020

...2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд қўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжса Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифат-парвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий ҳазинани қанча кўп ўргансак, бугунги қунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшлиаримиз бугунги тинч ва эркин ҳамётининг қадрини англаб етади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Олий Мажлисга Мурожаатномадан  
2020 йил 24 январь



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

### ФАРМОНИ

(Кўчирма)

### МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ



Ватанимиз тарихининг ғоят мураккаб даврида – XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиқололи, ҳалқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган бекиёс ҳиссасини инобатга олиб, қуидагилар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлансин:

**Абдулла Авлоний (марҳум)** – маърифатпарвар адиб, педагог, жамоат арбоби;

**Маҳмудхўжа Беҳбудий (марҳум)** – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири, адиб, педагог ва олим;

**Мунаввар қори Абдурашидхонов (марҳум)** – атоқли маърифатпарвар мураббий, адиб, муҳарир ва жамоат арбоби.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*2020 йил 30 сентябрь*

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## ЭЗГУЛИК ҚАДР ТОПАДИ

Үтган асрнинг бошларида Маҳмудхўжа Беҳбудий юртимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг етакчиларидан бири бўлган. Ўқимишли оиласда туғилиб, тарбия топгани боис кўп билимларни пухта эгаллаган ва чоризм тузумида маҳаллий аҳоли учун илм, маърифат жуда зарур эканини англаб етган.

Марказий Осиёдаги жадидчилик ҳаракатида Маҳмудхўжа Беҳбудий асосий ўринлардан бирини эгаллади. У Туркистон зиёлилари, хориждаги бундай ҳаракат фаоллари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Туркистоннинг бирлиги, мустақиллиги учун курашган. Аникроғи, ўша даврда озодлик учун курашнинг яловбардорига айланган. Шу сабабли совет ҳукумати ҳам, Бухоро автоном республикаси ҳам бу салоҳиятдан чўчиб, унга тазииклар ўтказган. Охир-оқибат Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилда Қарши шаҳрида айрим сафдошлари билан бирга қатл этилган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий том маънода миллат жонкуяри эди. У ўз ҳисобидан янги мактаб қурди, ўқувчилар учун алифбо ва бошқа кўплаб дарсликлар ёзиб, чоп эттириди. Бу ташаббус бошқа жадидлар томонидан давом эттирилди.

Улуғ маърифатпарвар бу инсон Самарқандда миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган, десак, хато бўлмайди. Чор Россияси идоралари томонидан бир неча бор ёпилишига қарамасдан Маҳмудхўжа Беҳбудий ва сафдошлари ўзбек тилидаги газеталарни турли номлар билан чиқаришда давом этди. “Ойина” журналини таъсис қилди. Бундан ташқари, “Падаркуш” драмаси орқали миллий адабиётимизни янги жанр билан бойитди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Парламентимизга йўллаган Мурожаатномасида таваллудига 145 йил тўлиши муносабати билан Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятига муносиб баҳо бериб, “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий ҳазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деб таъкидлади.

2020 йил 30 сентябрь куни Президентимиз фармонига кўра, жадидчилик ҳаракатининг бир қатор намояндадари қаторида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ушбу санага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Беҳбудий бобомиз томонидан бундан 110 йил аввал қурилган, аллома яшаган ва газета чоп этган тарихий бино уй-музейга айлантириляпти. Вилоят мусиқали драма театрида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фаолияти, ижоди ва саҳналаштирган асарлари тарихи акс этган музей ташкил этилди.

Хуллас, юртимизда фидойилик ва ватанпарварлик доимо юксак эъзозланади. Бугун буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий илмий-адабий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилаётган эътибор ҳам бунинг ёрқин далилидир.

**Эркинжон ТУРДИМОВ,**  
*Самарқанд вилояти ҳокими*

## БЕҲБУДИЙ КУТУБХОНАСИДА КИТОБХОНГА ҚАНД ЧОЙ БЕРИЛГАН

**Н**оми китобхонларимизга яхши таниш мөхир публицист, драматург, жамоат арбоби ва жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ноширилик, китобат иши ташкилотчиси ва китоб савдоси билимдони сифатида ҳам улкан ишларни амалга оширган.

Жумладан, 1913 йилда хусусий нашриёт очиб, уни “Нашриёти Беҳбудия” деб номлайди. Китоб дўконлари тармоғини ташкил этиш бўйича катта иш олиб боради. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Кўқон ва Наманган шаҳарларида китоб дўконлари очади. Самарқанддаги китоб дўкони эса унинг ўз уйида жойлашган эди.

Беҳбудий томонидан Самарқандда оммавий кутубхонанинг ташкил этилиши ҳам Туркистон маданий ҳаётида жиддий ҳодиса бўлган. Кутубхона Самарқанднинг ўша пайтда руслар яшайдиган қисмида жойлашган бўлиб, “Кутубхонаи Беҳбудий”, деб аталган.

“Кутубхонаи Беҳбудий” кутубхона вазифаси билан бир қаторда, китоб савдосига доир ишларни ҳам бажарган. Соддароқ қилиб айтганда, бу янги типдаги муассаса – кутубхона-дўкон эди. Мазкур муассасага ташриф буюрган ҳар бир киши ўзига маъқул бўлган китобни кутубхонанинг алоҳида фондидан сотиб олган. Бу фондда жамланган китобларнинг бир қисмини Беҳбудий 1899–1900 йиллардаги ва 1914 йилги ҳаж сафарларидан келтирган. Қолган китоблар эса “Кутубхонаи Беҳбудий” манзилига Петербург, Қозон, Боғчасарой, Боку, Оренбург шаҳарларидан, шунингдек, Эрон,

Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Ливандан юборилар эди. Ўша даврда турли мамлакатлардан бундай китоб савдосини уюштириш осон иш эмасди. Бу кишидан омилкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, кенг халқаро алоқалар ва катта моддий имкониятларни талаб этарди.

“Ойина” журналининг 1913–1915 йилларда чиққан ҳар бир сонида “Кутубхонаи Беҳбудий”да ўқишига тавсия этилган ва кутубхона қошидаги китоб дўқонида сотилган адабиётлар рўйхатида ҳар сафар 70-80 номдаги китоб ва бошқа босма нашрлар номи эълон қилинган. Ҳар бир номдаги босма маҳсулот Беҳбудийга ўнлаб, баъзан эса, юзлаб нусхаларда юборилар эди. “Кутубхонаи Беҳбудий” фонди ва китоб дўқонидаги адабиётларнинг қарийб учдан икки қисмини тарихга оид китоблар ташкил этганлиги Беҳбудийнинг тарихни билишга қанчалик катта эътибор берганлигини кўрсатади. Шунингдек, кутубхонада кенг ва шинам қироатхона ҳам ташкил этилган бўлиб, Беҳбудийнинг невараси Нодим Беҳбудийнинг хотирлашича, китоб ва газета-журналлар ўқиш учун қироатхонага ташриф буюрган ҳар бир кишига, Беҳбудийнинг кўрсатмасига биноан, қайноқ қандли чой берилиган. Беҳбудий қанд ҳар қандай ақлий, илмий меҳнат чоғида мияга ҳамда хотирага қувват бўлади, деб ҳисоблаган. Бу эса Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг нақадар дилкаш, фидойи инсон бўлганини, билим ва маърифатга интигувчи одамларга ҳурмат ва эътибор билан қараганини тасдиқлайди.

**Жамолиддин ИСМОИЛОВ**

“Зарафшон” газетаси,  
2016 йил 19 январь, 9-сон

## МАЪРИФАТ ЯЛОВБАРДОРИ

Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд яқинида-ми Бахшитепа қишлоғида дунёга келган. XX аср бўсағасида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг йирик намояндаси, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургиясининг асосчиси, ношир ва журналист. У Ватан мустақиллиги, эрк ва озодлик, ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш учун курашчи сифатида тарихда ўчмас ном қолдирган.

1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи, Ражабамин қишлоқларида унинг ташаббуси билан янги мактаблар очилди. Беҳбудий мактаблар учун “Рисолай асбоби савод”, “Рисолай жуғрофияи умроний”, “Китоб ул-атфол”, “Амалиёти Ислом”, “Тарихи Ислом” каби дарслик ва рисолалар ёзади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонда миллий матбуот тараққиёти ва янги нашрлар тамал тошини қўйишда ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўрсатди ва катта ҳисса қўшди. Бир асрлик тарихга эга “Зарафшон” газетасининг ташкил этилиши ҳам ана шу маърифатпарвар фаолияти ва табаррук номи билан боғлиқ. 1913 йил 15 апрелда Беҳбудийнинг мастьул муҳаррирлиги остида Самарқанд жадидларининг тўнғич газетаси “Самарқанд” номи билан чиқа бошлади. Икки бетлик газетанинг биринчи бети тепасида бу илк миллий нашрга шундай изоҳ берилган: “Маҳаллий туркий ва форсий ўрта шевада илм-фан, адабиёт, тијорат, ҳунар ва зироатдан, Русия аҳволи ва маданияти, хорижий мамлакатлари ҳолидин,

олами Ислом тириклигидан ёзфувчи маданият мусаввар жаридадир”. Ҳафтада икки марта икки бетлик чиққан бу газета 7-8-сонидан бошлаб тўрт бетлик бўлиб, 400-600 нусхада босилиб туради.

Кейинчалик “Самарқанд”нинг бевосита давом-чиси ва меросхўри сифатида 1917 йил 16 апрелидан чиқа бошлаган “Хуррият”, 1918 йилдан 1922 йилгача чиқиб турган “Меҳнаткашлар товуши” газеталари мустақиллик, илму ирфонга даъват этувчи долзарб мақолалари билан фаол иштирок этди.

Махмудхўжа Беҳбудий тараққийпарварлик, ноширлик фаолиятида фақат газетачилик билан чекланиб қолганий ўйқ. У 1913 йил 20 августидан “Ойна” журналини ҳам чиқара бошлайди. Журнал нафақат Туркистон ўлкаси аҳли-фуқароларини, балки Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Туркиягача тарқалиб, туркий халқларни ўзаро бирлашишга, илму маърифатга чорлайди. “Ойна” журналининг мундарижаси жуда кенг бўлиб, унда миллат ва унинг ҳақ-хуқуқи, тарихи, тил ва адабиёт масалалари, дунёдаги аҳволга доир қизиқарли мақола ва баҳс-мунозаралар берилган.

Беҳбудий миллий матбуотимиз тарихида мақоланавис сифатида алоҳида мавқега эга. Унинг ҳозиргача аниқланган мақолалари сони 300 тага етади. Улар хур фикрлилиги, халқни миллий ўзлигини англаш, илму маърифатга даъват этиш, эрк ва озодлик учун бирлашиб курашишга чорлаши билан қимматлидир.

Беҳбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, биринчи ўзбек драматурги ва театр арбоби ҳамдир. Унинг “Падаркуш” драмаси 1914 йил 15 январда Самарқандда саҳнага қўйилади. Пьесада маърифатсизлик оқибатида вужуд-12

га келган миллий маҳдудлик, жаҳолат ва разолат ботқоғига ботган аянчли тақдирлар, ярамас иллатлар қаламга олинади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда ҳам хур фикрли яловбардорлар сафида бўлди. 1917 йил 27 ноябрда Кўқонда ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи чақирилиши ва мустақил демократик давлат намунаси – Туркистон муҳторияти эълон қилинишида ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий ташкилотчилардан бири эди.

Ватанимизни мустақил, халқимизни маърифатли, эркин ва озод кўриш учун курашган Маҳмудхўжа Беҳбудий орзулари бугун рўёбга чиқди. Унинг илму маърифат, эрк ва озодлик, янги ҳаёт куришга, мустақил миллий давлатчилигимизни тиклаш, уни мустаҳкамлашга чорловчи ғоялари бугун ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Аксинча, бугунги кунда маърифатпарвар бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг маънавий мероси, маърифий ғоялари узлуксиз таълим тизиммининг тегишли бўғинларида тизимли равишда ўрганилмоқда. Вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида унга бюст ўрнатилган. Тингловчилар, институт профессор-ўқитувчилари вақти вақти билан Маҳмудхўжа Беҳбудий амалга оширган ишлар ва унинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида давра сухбатлари, учрашувлар, турли тарбиявий тадбирлар ўтказиб туришади.

**Т. ШОМУРОДОВ,  
А. АБДУМАННОТОВ**

“Зарафшон” газетаси,  
2017 йил 19 январь, 8-сон

## “САМАРҚАНД”НИНГ ИЛҚ МУҲАРРИРИ ЭДИ

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий матбуотимиз шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган маърифатпарвар сиймолардан биридир. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, биринчи ўзбек драматурги ва театр арбоби сифатида ҳам Беҳбудий номи абадийлик касб этган. Унинг “Падаркуш” пьесаси Самарқанд ва Тошкент театрларида саҳналаштирилган.

1875 йилда Самарқанд яқинидаги Бахшите-па қишлоғида туғилган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўқиб-ўрганиш орқали қози, муфти даражасига-ча кўтарилади. Беҳбудий ҳазратлари 1913 йилда “Самарқанд” газетасини ташкил этди ва унга муҳаррирлик қиласди. Кўлингиздаги “Зарафшон” газетасининг тарихи ушбу нашрдан бошланган. Кейинчалик “Ойина” журналига асос солади. Бу журналда миллат ва унинг ҳақ-хуқуқлари, тарихи, тил ва адабиёт масалаларига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Шу боис Маҳмудхўжа Беҳбудий матбуотимиз тарихида мақоланавис сифатида алоҳида мавқега эгадир. Унинг ҳозиргача аниқланган мақолаларининг сони 300 га етади. Хилма-хил мавзуда ёзилган ушбу мақолаларда жадидлар қурган илк демократик давлатчилик намунаси бўлган Туркистон мухториятининг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда ўлка халқларини бирликка чақириш ифодасини топади.

Маънавият ва маърифатимиз яловбардори бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий 1919 йилда вафот

этади. Улуғ бобокалонимиз қолдирган бой ижодий мерос ва ғоя истиқололга эришгачгина эътироф этила бошланди. Юртимизда кўчалар ва мактаблар, маърифат масканларига Беҳбудий номи қўйилган.

### **Абдуғоғир ШЕРХОЛОВ**

*"Зарафшон" газетаси,  
2018 йил 18 январь, 7-сон*

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## ТУРОНЗАМИННИНГ ИККИ Даҳоси ёхуд Садриддин Айний ва Маҳмудхўжа Беҳбудий муносабатлари

**XIX** охири ва XX аср бошларида қадимий Турун заминида маърифат ғоясини кенг тарғиб қилган алломалардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий эди.

Ўша даврда илм-фан, адабиёт майдонига дадил қадам билан кириб келаётган адиб Садриддин Айний сиртдан Беҳбудийга катта ихлос қўйиб, у билан учрашишни орзу қилиб юрган эди. 1922 йил 25 марта “Зарафшон” газетасида чоп этилган “Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим” мақоласида домла Айний ёзади: “1907 йилдан бошлаб Беҳбудий ҳақида дўст ва душманларидан ҳар турлик сўзлар эшита бошлаган эдим. Ушбу йилларда Самарқандда Демуров босмахонасида ишлағувчи бухоролик Қори Абдулвоҳид котибдан унинг тўғрисида маълумот сўрадим.

Қори Абдулвоҳид: “Ора-сирада босмахонага келадир, мутакаббirona вазияти бор. Кўришмакка жасорат қила олмадим. Салом бердим, илтифот қилмади”, деб жавоб берди”.

Таъкидлаш керакки, “мутакаббир” сўзи Беҳбудийга нисбатан ноўриндир, албатта, лекин бошқа манбаларда ёзилганидек, ҳазрат ниҳоят даражада салобатли, маҳобатли киши бўлган. Абдулвоҳиднинг бундай тавсифидан ўйланиб қолган Айний кейинчалик Беҳбудий билан яқиндан танишганда фикрини ўзgartирган эди.

Даврнинг бу икки алломасининг биринчи учрашуви 1908 йилда воқеъ бўлган эди. Бу ҳақда Айний қўйидагича ҳикоя қиласи: “1908 йилда дарс шерикларимдан бўлғон Мирзо Абдулвоҳид билан Бухородан Самарқандга келган эдик. Ушбу саёҳатимизда мулла Абдуқодир Шакурий, мулла Исматулло Раҳматуллозода ва бир қанча Самарқанд маърифатпарварлари оқшом мажлиси учун бизни бир ерга чақирғон эдилар. Мазкур мажлис бўлатурғон кун Мирзо Абдулвоҳид билан бирга янги шаҳарга бораётганимизда чашма йўли билан Абрамов кўчаси орасида ёш бола билан отға мингашиб келаётган маҳобатли бир кимсага учраб, танимасак ҳам, одоби ислом иқтисосинча салом бердик. Бу одам ғоят илтифот билан жавоб қайтариб, ўтиб кетди”.

Ўша одам ҳам мажлисда қатнашган бўлиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий эканлигини Айний билиб олади. Беҳбудий мажлиснинг диққат марказида эди. У кўп муаммолар тўғрисида гапирав, айниқса, илмий муаммолар, еру осмон, ойу юлдузлар ҳақида батафсил сўз юритарди. Хуллас, мен шунгача бу муаммолар тўғрисида билмаган эдим, деб қайд этади Айний. Абдуқодир Шакурий билан Беҳбудийнинг уйига борганлиги ва иккинчи сұхбат бўлганини ёдлаб, домла Айний ёзади: “Икки соат чамаси сұхбат қилдик, музокара мавзуи Туркистон ва Бухоронинг илмий ва ижтимоий аҳволаридан эди”.

Бу сұхбатлар шундан далолат берадики, ҳазрат Беҳбудийнинг диққат эътиборида илму фан, ижтимоий вазифалар салмоқли ўринни эгалларди. Қайд этмоқ лозимки, Беҳбудий асос солган “Ойина” журналида илм-фан масалалари, айниқса,

табиий фанлар ва табиат ҳодисаларини изоҳлашга бағишиланган қарийб 100 та мақола чоп қилинган эди. Мақолаларнинг аксарияти Беҳбудийнинг қаламига мансубдир.

Бу мулоқотлар Айнийнинг Беҳбудий тӯғрисида (юқорида қайд этганимиз) Қори Абдулвоҳид сўзларидан олган дастлабки таассуротлари мөхиятини ўзгартирган эди. Бу ҳақда Айний ёзади: “Беҳбудий ҳазратлари кўринишда ғоят маҳобатли эди. Аҳволиға воқиф бўлмағон кимса (у кишини) мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулойим сухбатлик, такаллуғсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга қўп риоя қиласа ва ижтимоий аҳволимизнинг тузилиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан (деб) билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларға бўлатурғон исрофларни ўзи бутун тарқ қилғон ва сўзиға қулоқ солатурғонларни ҳам тарқ қилдирғон эди”.

Айнийнинг бу ёзганларидан биз Беҳбудийнинг сўзи билан амалининг бир эканлигига амин бўламиз. Нега деганда, ҳазрат ўзининг 1915 йилда ёзган “Бизни кемиргувчи иллатлар” номли мақоласида (мазкур мақола “Зарафшон” газетасида 2015 йил 8 январда чоп этилган), бу иллатлар “тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур”, деб таъкидлайди. Исрофгарчилик натижасида оилалар ҳовлиларини, ерларини сотишга мажбур бўлгани, “халқимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз, дарбадар бўлатурғони маълум ва ошкордир”.

Сўзида давом этиб, Беҳбудий ёзади: “Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру заруратдан ҳавлиларини яхудийларға сотгани учун

маҳаллаға оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди. Масжиди яқинда йўқолур. Тўй ва таъзияға сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз”.

Айний Беҳбудий билан бўлган охирги мулоқотини бундай хотирлайди: “1919 йил феврал ойида (Беҳбудий) Тошкентға бориб қайтди. Мактаб программаси ва Тошкентдағи илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништироқ учун муаллимлар мажлисини чақиришға буюрди. Лекин ўз ҳолатининг хилофинча ушбу мажлисга келмади. Шундан кейин кўчада кўрушуб, мазкур мажлисға нима сабабдан келмағанини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса кела олишини сўрадим. “Хозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман”, – деди.

Мана бу охирги кўришимиз бўлди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас сафарға чиқуб кетганилигини ҳам шул сафарда Қарши шаҳарида шаҳид бўлғонини эшитиб, ҳайрат ва ҳасратда қолдим”.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлимидан олдин дўстлари ва шогирдларига атаб “Васиятнома” ёзади. Унда жумладан, бундай дейилган: “Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қурбий ва Акобир Маҳдум ва ўғлонларим Вадуд Маҳмуд, Абдуқодир Шакурий – сизларга васият қиласман. Маориф йўлида ишлайтурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Бизлар ул чоғда қабримизда тинч ётармиз!”

Чуқур қайғуга ботган Садриддин Айний ҳазрат Беҳбудий руҳига атаб ғоят таъсирчан марсия ёзади.

Кейинги даврда Махмудхўжа Беҳбудийнинг ишини устод Садриддин Айний давом эттириди ва ўзи Туронзаминнинг буюк алломалари қаторидан ўрин эгаллади.

**Нўймон МАҲМУДОВ,**  
*тадқиқотчи*

*“Зарафшон” газетаси,  
2019 йил 13 апрель, 46-сон*

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ КИМ БЎЛГАН? БИЗ УНИ МУНОСИБ ҚАДРЛАЯПМИЗМИ?

Ассалому алайкум, ҳурматли  
Эркинжон Оқбўтаевич!

**С**изни Самарқандда туғилиб-ўсган, айни спайтда Тошкентда фаолият юритаётган оддий тадқиқотчи безовта қиляпти.

Аввало, вақтингизни оладиган, мен каби ақл ўргатувчилар кўплигини ҳам биламан. Ахир, Самарқанднинг дунё тарихида тутган ўрни бекиёс бўлса, мустамлака сабаб унутилган машхур бобокалонлар номини тиклаш, абадийлаштириш бўйича тадқиқотлар кун сайин кўпаяётганидан мурожаатлар сони ошаётган бўлса, ажабланмайман.

Шундай бўлса-да, камина ҳам мурожаат қилишга жазм этдим. Ўйлашимча, бу ҳам жуда жиддий масала – бетакрор ибратли ҳаёти билан бутун Туркистон халқи муҳаббатига сазовор бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомизнинг қадрланиши даражаси ҳақида. Ходимларингиздан бу борада сўрасангиз, Сизга “Беҳбудий муаллим бўлган, шу боис педагоглар малакасини ошириш институти (худудий марказ)да унинг бюсти бор... номи қўйилган... бундан ортиқ нима ҳам қиласардик”, дейишади.

Аслида ана шу ишлар ҳам Самарқанд зиёлила-ри ташаббуси билан амалга ошган... Биз, олимлар фақат даъват қила оламиз, холос. Лекин ҳокими-

ят, хукумат аралашмаса, бош бўлмаса, тадбирлар, дейлик, жорий йил 19 январда бўладиган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллиги ҳам билинмасдан ўтади-кетади...

Яқинда Тошкентда биринчи романнавис адабимиз Абдулла Қодирийнинг 125 йиллик юбилейи Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилиги ва иштирокида кенг нишонланди. Мухташам уй-музейи, салобатли ҳайкали қад ростлади, Абдулла Қодирий ижод мактаби, Тошкентнинг қадим Эски Жўвасида Абдулла Қодирий боғи яратилди.

Эркинжон ака, буларни ҳавас билан, фахр билан айтяпман. Абдулла Қодирий, шаксиз, буюк ёзувчи. Шундай буюк адаб илк пьесасини қандай яратганини ўзи ёзиб қолдирган хотирадан билиб олишимиз мумкин: **“1913 йилда чиққан “Падаркуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз қуёв” деган театр китобини ёзиб юборғонимни ўзим ҳам пайқамай қолдим”,** деганди у 1915 йилда.

Қодирий тилга олган “Падаркуш” пьесаси Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб. Демак, бу эътироф Беҳбудийнинг янги авлод – Фитрату Чўлпон, Авлонию Қодирийларни тарбиялагани, уларга қанот берганлигини кўрсатади. Фурсати ғаниматда “Падаркуш” Ўзбекистон театрининг биринчи асари сифатида тарихга киритилганини таъкидлашни истардим. Аммо у тадқиқотчилар айтаётган “ўқимаган боланинг отасини ўлдириши ҳақида”гина эмас, балки **мол-дунё, ҳокимият васвасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отакушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназзули хусусидаги трагедиядир.**

Педагогик, журналистлик фаолияти билан чекланиб, чуқур таҳлил қилинмаган фактлар унинг сиёсий арбоб сифатидаги сиймосини иккинчи планга суриб қўйди. Беҳбудий, аввало, сиёсий арбоб эди. Тарих саҳифаларида бу сўзниг исботлари қалашиб ётибди. Таржимаи ҳолига батафсил тўхтамасдан, тасаввур учун бир-икки мисол билан кифояланамиз.

### **Беҳбудий ҳаж сафарига нега саккиз ой сарфлади?**

Маҳмудхўжа Беҳбудий иш фаолиятини Кобут волости (буғунги Жомбой, Тойлоқ, Самарқанд туманлари ҳудуди)да мирзоликдан бошлаган. Ўқиб-ўрганишга бўлган иқтидори туфайли ўз даврининг юксак эътиборли лавозими – муфтилик рутбасига эришди. Унга муносиб кўрилган муфтилик мусулмонларда олий лавозимли руҳоний ҳисобланиб, диний-хуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиш борасида ҳал қилувчи хуқуққа эгадир.

Албатта, бундай лавозим соҳиби ўз фаолияти давомида халқнинг барча қатламлари вакиллари билан мулоқотда бўлади, демакки, кичик масалалардан йирик муаммоларгача дуч келади, уларни қиёслаш, холоса чиқариш ва масалаларнинг ечими нимада эканлиги тўғрисида фикрлаш имконига эга эди.

Халқимизда дунёни англаш учун кўп ўқиш ёки жаҳон кезиши кераклиги хусусида нақл бор. Беҳбудий нафақат ўқиди, балки иккисини-да амалга оширди.

“1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоға Кафказ йўли или Истанбул ва Миср ал-Қоҳира

воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди” (*Маҳмудхўжса Беҳбудий. Қасди сафар // “Ойина” журнали, 1914 йил, 31-сон*).

Беҳбудий ҳаёти ва ижодини ўрганган тадқиқотчи-олимлар ана шу даврни юзакироқ ёритадилар, назаримизда. Улар Беҳбудий 3-4 ёшда бўлган тўнгич ўғли нобуд бўлгани учун қайғуга ботиб, биринчидан, қайғусини унутиш, иккинчидан, ҳаж амалини адо этиш мақсади билан 1317 (1899) йилда бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан сафарга чиққанини таъкидлаш билан кифояланадилар.

Аслида унинг сафарига бошқа сабаблар ҳам мавжуд эди. Аввало, 1898 йилги Дукчи эшонномини олган Андижон қўзғолонининг оқибати шу юртнинг зиёлиси сифатида Маҳмудхўжани чуқур қайғуга ботиради. Беҳбудий жараённи ҳар томонлама таҳлил этиб, маҳсус тайёргарликсиз тиштироғигача қуролланган мустамлакачи қўлидан ўттиз йил давомида ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан оч-наҳор қулга айлантирилган авом билан озодликка чиқиши мумкин эмаслигини англаべтиди. Негаки, Беҳбудий айтмоқчи “...Туркистон, билхосса, Самарқанд бутун дунёдан хабарсиз, қоронғу бир зиндан каби эди. Халқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада ғадбир (алдамчи, бераҳм – X.C.) ва золим, майшати бузуқ, ахлоқи фасод... эди”.

Демак, Европа давлатларининг исканжасида қолган бошқа Шарқ давлатлари аҳволидан хабардор бўлиш, уларнинг озодлик йўлидаги ҳаракатларини ўрганиш ва табиийки, ҳажда Аллоҳдан ўз халқига ҳуррият сўраш сафарнинг асосий сабаби эди.

Биз ўша давр газеталари саҳифаларидан фикримизга асос топдик. Муборак ҳаж сафари аҳамияти ҳақида унинг сафдоши Садриддин Айний шундай ёзади: “Хижоз сафари Маҳмудхўжаға кўб билмайтургон нарсаларини ўргатган, кўб ибратлар олғон. Бориш-келишда ҳар синф кишилар билан кўрушган ва фикр олишган. Маҳмудхўжа Хижоз сафаридан сўнгра гўё дунёға янги келгандек бўлуб, Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишлариға бошқа кўз, бошқа бир ўлчак билан қарағон” (*Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимиҳо ҳоли // “Меҳнаткашлар товуши” газетаси, 1920 йил 8 апрель*).

“Хижоз сафаридан сўнгра гўё дунёға янги келгандек” ўхшатиши ҳар бир ҳожига муносиб кўрилиши мумкин, бироқ “Туркистоннинг илмий ва ижтимоий ишлариға бошқа кўз, бошқа бир ўлчак билан қарағон”ини барчага бирдек кўллаб бўлмаслиги кундек аён. Қолаверса, дунёқарашининг кенгайиши ва фикрининг ўзгаришида у кўрган мамлакатлар аҳволи, сафар давомидаги воқеа-ҳодисалар, қўлга киритган маълумотлари, гурунглар, таассуротлар ҳам катта роль ййнаган.

Баъзи тадқиқотчилар эътибор бермаган саккиз ойлик саёҳат даврида Беҳбудий озодлик учун кураш йўлларини қидирди. Дунё тарихини, ўз ўтмишимизни, унинг энг ёрқин саҳифаларини варақлади. Боболаримизнинг дунё илми, маданиятига қўшган ҳиссасидан, улар қуриб кетган мадрасаю миноралардан ҳайратланди. Ўз даврининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларини пухта ўрганди. Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, жумладан, урушлар ва уларнинг сабаби, моҳиятини миллат манфаати нуқтаи назаридан тафаккур

чиғириғидан ўтказди. Шу билан бирга тарихимизнинг таназзул босқичлари, сабабларини тафтиш қилди, бу масалалар борасида Ҳожи Бақо, Ҳўқандбой Абдухолиқ ўғли, соатчи Бадриддин сингари дунёқараши кенг инсонлар билан мунозара ўтказди. Ана шу баҳслар, фикр алмашувлар натижасида хulosалар чиқариб, Чор Россияси даврида Туркистоннинг мустамлакага тушиб қолганлиги сабабини биринчи бўлиб матбуотда чоп эттирида ва Туркистонни озод қилиш бўйича режаларини ишлаб чиқди.

### **“Яшасун Туркистон мухторияти!”**

1917 йил февралда оқпошшо Николай Романов таҳтдан туширилди. Муваққат ҳукумат тузилиб, Россия сиёsatчиларини бирлаштирган партиялар ҳокимият учун курашга киришдилар. Бу тарихий лаҳзаларни Туркистон жадидлари ҳуррият насимлари сифатида қабул қилдилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам енг шимариб, ишга киришди. “Худойи таоло бизга ҳуррият берди. Диний ва миллий ислоҳот ва тараққийимиз учун ҳаракат ва сайъ этмоқға йўл очиқдур” (*Мұхтарам Самарқандийларға холисона арз // “Ҳуррият” газетаси, 1917 йил 13 май*).

“Иттифоқ” жамияти (партияси) фаоли сифатида бу ҳуррият неъматидан унумли фойдаланиш зарурлигини, “қадима иғво ва фасодни” унугтиб, бирлашиб ҳаракат қилмоқ лозимлигини муутазам даъват этиб турди. Муваққат ҳукумат даврида вақтинчалик ҳурриятга эришган халқни пароканда қилишга бўлган фитналар ва унинг келажакдаги фожиаларидан огоҳ этиб, юқорида таъкидланган, шунингдек, “Иттифоқ керак”, “Ба-

ёни ҳақиқат”, “Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат” каби мақолаларини ёзди, сиёсий ишлар, жумладан, сайловларда иштирок этиб, халқни бирлашишига чорлади.

1917 йил ёзида (октябрь тўнтаришигача ҳали тўрт ойча вақт бор) Россия ўз муаммолари билан овора бўлиб турган даврда Беҳбудий Туркистон халқлари келажагини ўйлаб янги таклиф билан чиқади: “Биз истаймизки, бутун Русия мусулмонлари муҳторият (федерация) усули юзасидан тирикчилик қилсунлар... Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яхудий ва бошқалар қўшилган ҳолда... Туркистон ҳукумати таъсис этсақ, ўзимизни мажлиси мушоваратимиз (парламентаризм) бўлсун” (*Баёни ҳақиқат // “Улуғ Туркистон” газетаси, 1917 йил 12 июнь*).

**Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳуқуқлари тенг фуқароли мамлакатнинг қонун чиқарувчи парламенти ва ундаги аъзолар сонидан бошлаб, маҳаллий ва номаҳаллий аъзолар саноғигача ўз фикрига эга эди.**

Парламентдаги ўринлар ҳар бир миллатнинг сонидан келиб чиқиб тақсимланарди. Табиийки, туркистонли бўлмаганлар жуда оз жойни олишарди. Уларнинг орасида, албатта, руслар ҳам бор эди: “Самарқанд шаҳрининг рус ва мусулмон халқидан 60 нафар киши сайланиб балада (*шаҳар – X.C.*) идорасиға иш қиласидилар ва ул нафарлар, албатта, халқнинг нуфус ва ададиға қараб бўлинур. Масалан, нуфусға тақсим қиласидилар мазкур ададларни 15 нафари руслардин, бир неча нафари яхудийлар бўлур. Сабаби шулким, биз кўбдурмиз. Замони ҳозира ваadolat шуни талаб қиласидилар” (*Иттифоқ керак // “Хуррият” газетаси, 1917 йил 3 июнь*).

Бу таклифга биринчи бўлиб чоризмдан қолган “буржуйлар” эмас, “морозовчилар”, яъни бўлғуси шовинист большевиклар қарши чиқадилар. Улар Беҳбудийнинг адолатли ҳисоб-китобидан хато топа олмайдилар. Бироқ унинг таклифларини “шошқалоқларча” берилган, дея эътиroz билдирадилар. Шунингдек, ўзларининг ҳар жиҳатдан устунликларини кўрсатиб, шундай хулоса ясайдилар: “Мусулмонлар ўзларини бошқаришда ҳали руслардан кўп ўрганишлари керак. Думада ишбильармон, уддабурон, меҳнатсевар кишилар ўтиrsa, унда турли жамият ва сиёсий гуруҳ талабларини ёқладиган кишилар бўлса, шаҳарда ишлар яхши кетади. Бундай гуруҳлар русларда кўп бўлади, мусулмонларда эса бўлмайди... Фикримизча, агар мусулмонлар ва маҳаллий яхудийлар сайловчиларнинг ярмини юбориб, иккинchi қисмини маҳаллий бўлмаганларга қўйиб беришса, иш равнақи учун фойда ва ҳаққонийлик бузилмаган бўлади” (*Қаранг: Самарканд 27 июня // газета «Самаркандъ», 30 июня 1917 г.*).

“Морозовчилар”нинг фикрича, мусулмонлар шу замин учун бегона бўлганларга думадаги 50 фоиз жойни ажратиб беришлари керак, акс ҳолда... Мана сизга “чор Россиясининг кирдикорларини, маҳаллий амалдорларнинг халқقا нисбатан адолатсизликларини аёвсиз фош қилган” большевикларнинг шовинистларча чиқарган “адолатли” хуласалари.

**Беҳбудий 72 кун умр кўрган Туркистон мухторияти таркибига кирган сиёсий арбоб бўлганлиги тарих зарварақларида ёзилган. “...1917 йилнинг 26-29 ноябрида Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонлари қурултойи**

чақирилди. Қурултой ўтказиш учун бошланган жой тасодифий эмасди. Бундан анча илгари, 1917 йил март ойида Тошкентда Туркистон мусулмонлари қурултойи ўтказилиб, Туркистон мусулмонлари шўроси миллий марказини сайлаган эди. Унга Ўрта Осиёнинг ҳамма минтақаларидан вакиллар кирганди. Ўша пайтда Туркистон ўлкасининг кўзга кўринган сиёсий арбоблари – Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Носирхон Тўра, Муҳаммад Тинишбоев, Ўроз Сардорлар миллий марказда эдилар” (*Иброҳим Карим. Мадаминбек. – Т.: Ёзувчи*, 1993).

Беҳбудийнинг ўзига мурожаат қиласиз: “З-сизезд ноябр ойида Тошкентда яна “Уламо жамияти” тарафидан барпо бўлди. Бу большевик ҳаракати кўзғолғони эди. Самарқанд ва ҳукумати Туркистон Хўқандда қизғин музокаралар бўлиб, охири каминанинг таклифим ила дума шу қарорни чиқариб “Уламо жамияти”га боратурғон вакилларга ушбу қарорни берди:

“Туркистон ҳукумати большевиклар қўлинда бўлмай, балки халойиқ қўлинда бўлсун. Баъзи мусулмон ва руслардан ҳам солдат-ишчилардан ўттиз нафар, яхудий ва арманидан икки нафар, жамиъ 32 нафар киши Туркистондан сайланиб, Туркистон ҳукуматини идора қилсун ва қонунлар чиқармоққа ҳақли бўлсун” (“Хуррият” газетаси, 1917 йил 19 декабрь).

Эътибор берган бўлсангиз, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонни бошқариш бўйича кутилмаган таклифни илгари суради. Маълумки, у муфтилик, қозилик вазифаларида ишлаган, демак, шариат илмининг билимдони бўлган. Ана шу диндор ин-

сон ўзи орзу қилган озод юртда парламент – Миллат мажлисини ташкил этиш, ҳар бир худуднинг ўзига хослиги инобатга олинган қонунлар тузиш ниятини билдирган.

Озодликка бўлган интилишини, уни кутганлигини “Туркистон мухторияти” сарлавҳали мақоласидаги биргина кўчирмадан билиб олишимиз мумкин: “27 ноябрда Хўқандда Туркистон мухторияти Умумий мусулмон сиездиде эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!” (*“Хуррият” газетаси, 1917 йил 19 декабрь*).

Беҳбудий шу тарихий мажлисда иштирок этганидан фахрланишини айтмоқда. Шу билан бирга хавотирини ҳам ўтиниб тушунтирмоқда:

“...Шундоқ билмоқ керакки, бутун Туркистон ҳалқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Дин ҳам ривож топур. Минг карра доду бедодлик ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этганмиз ва ихтилофимиз сабаби илиа бадбаҳтилиқға дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 милийунлик бир қувват уммонға келурки, шунга ер титрайдур. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсан, ўзимни баҳтли ҳисоблардим” (*Маҳмудхўжса Беҳбудий. Туркистон мухторияти // “Хуррият” газетаси, 1917 йил 22 декабрь*).

Беҳбудий воқеа-ҳодисалар, авомнинг аҳволини билиб, ички келишмовчиликлар натижасида 15 миллион аҳолининг бирикмаслиги бадбаҳтликка олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этаётган донишманд давлат арбоби сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Афсуски, 1918 йилнинг

февралида Туркистон мухториятини қонхўр большевиклар топтаб ташладилар...

Беҳбудий Қўқондаги воқеалардан тушкунликка тушса-да, миллат манфаати йўлида тинмай хизмат қилганини расмий вазифаларда, жумладан, Самарқанд Мусулмон шўъроси Самарқанд маориф комиссарлигига сайланганда жонбозлик кўрсатади. Қийин очарчилик давридан ўтиш учун югур-югур қилиб, таниш сиёsatдонлар билан келишиб, Ҳиндистондан арzon нарҳда ғалла келтиришга муваффақ бўлади.

Мусулмон маориф қурултойи (сьезди) Беҳбудийдан Бутунтуркистон маориф комиссарлигини, бугунги тил билан айтганда, маориф вазирлигини қабул қилишини сўрайди. 1918 йилда большевиклар ундан қутулиш учун Афғонистонга Шўро ҳукумати номидан элчи қилиб юбориш ҳаракатига тушади. Беҳбудий сиёсий ўйинни англаб, эътиroz билдиради, албатта. Бироқ бу унинг Туркистон сиёсий доирасида муносиб ўрни бўлганлигини кўрсатадиган бекиёс далилдир.

Беҳбудий умрининг охиригача озодлик учун курашди. Туркистон большевиклар қўлига ўтиб, уларнинг зулми кучайгач, 1919 йили даврнинг зиёлилари тил бириктириб – Беҳбудий бошчилиgidаги биринчи гурӯҳ Қарши йўли орқали, Мунаввар қори раҳбарлигидаги иккинчи гурӯҳ Оренбург орқали Антанта давлатларидан ёрдам сўраш учун йўлга чиқади. Мунаввар қори гурӯҳи чегарада қўлга олиниб, ортга қайтарилади, Беҳбудий ва ҳамроҳлари эса большевиклар фитнаси билан, тахминларга кўра, Қарши шаҳрида қатл этилади, лекин дафн этилган жойи ҳалигачаномаълумлигича қолмоқда.

Беҳбудийнинг 1919 йили шаҳид бўлганлиги маълум бўлгач, Туркистоннинг фаол ёшлари у ҳақида оташин хотиралар, ашъорлар битиб но-лалар чекишган. Бир қайғули марсияларки, давр матбуоти қатларида мангуга муҳрланган:

*Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди  
Қора, жирканч ўлим кони ерларга.  
Савол бердим: “Йўқотганим қайдада?” деб,  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга...*

(Чўлпон)

\* \* \*

*Сани мундин буён Турон қўролурму, қўролмасму?!  
Санинг мислингни Туркистон тополурму,  
тополмасму?  
...Ватан авлоди ёд этди, сани ҳурмат-ла шод этди,  
Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму?*

(Садриддин Айний)

\* \* \*

Ўзини Беҳбудийнинг маънавий ўғли деб бил-ган самарқандлик жадид Вадуд Маҳмуднинг қол-дирган фикри диққатга сазовордир:

*“Маҳмудхўжса Беҳбудий ким эди... (Аввал ким эди)?*

*Маҳмудхўжса Беҳбудий Туркистон деган ўлка-нинг бошлиғи эди.*

*Маҳмудхўжса Туркистоннинг ўлбошчиси эди.*

*Маҳмудхўжса ўзининг Туркистон боласи экан-лигини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у*

бизга, Туркистонга ҳар нарса эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихинда ёруғ бир чироғ эди. Маҳмудхўжасининг оти Туркистон тариҳида зийнатлиқ мумтоз ўрун олишга муносаб бир отдир”.

### **Бошқа ишлари озодлик ғоясига хизмат қилди**

**Таълим.** Беҳбутий озодликка эришишдан аввал юртни мустақил бошқара оладиган, миллий қадриятларини асраган ҳолда ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқадиган авлодни тарбиялаш зарурлигини англаб етди. Бу йўлда у ўз даврининг барча таъсирчан воситаларидан имкон доирасида фойдаланди.

Аввало, орзудаги авлодни тарбиялаш учун 1903 йилдан янги мактаблар ташкил эта бошлиди. Она тилида ўқитилидиган янгича дарсликлар яратиш ишига киришди. Самарқанд шаҳри яқинидаги Ҳалвойи ва Ражабамин қишлоқларидағи янги мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905), “Рисолаи жуғрофияи Русий” (1905), “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” (1906), “Китобат ул-атфол” (1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) китобларини ёзиб, чоп эттириди. Шу билан бирга география ва тарих фанлари учун харита тайёрлаб, босмадан чиқаради.

Яна бир муҳим масала – янги фанлардан дарс берадиган муаллимларни тарбиялаш ҳам унинг диққат марказида бўлди. “Уламо тарбияхонаси мактаб ва мадрасадир. Агарда ўшал мактаб ва мадрасада муаллим ва мударрислари олим бўлса ва шогирдлариға кўнгли илан таълим берса, ал-

батта, илм ҳосил қиласар. Агарда муаллимни(нг) ўзи, ҳозирги аксар мактабдор ва мударрислардек, камҳафсала ва ёинки кам илм бўлса, ёинки илми бўла турууб, усули таҳсилдан хабарсиз бўлса, они шогирдлари нодон қолур” (“Тужжор” газетаси, 1907 йил 29 октябрь).

Бу фикрлари билан олий маълумот берадиган мадрасалар ислоҳига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлади. “Сукут сақлаб юраверсак, беш-ён йилдан кейин янада нодонроқ бўлиб қоламиз, хор бўламиз. Шунинг учун ҳам жим юришимиз етар! Диний мадраса ва мактабларимизни ислоҳ этайлик!” (Ўша манба).

**Адабиёт.** XX аср бошларида адабларни тўғри тарбиялаб, уларнинг қўлига қалам тутқазиш, адабиёт орқали ўзликни англашга ва оқибат халқни озод бўлишга даъват этиш жадидларнинг орзуладаридан эди. Адабиётшунослар Беҳбудийни миллий драматургиямиз асосчиси деб билишларини юқорида айтдик. Бироқ унинг жадид ҳикоячилигининг йўналишини белгилашда ҳам илк машқи билан ёш адабларга намуна бўлгани, уларга мурожаат қилганига тарих гувоҳлик бермоқда. 1909 йил аввалида ёзилган мазкур ҳикоя “Оқелпоғичли чинли хотун” деб номланади. Адаб унга “Тасодиф” деган кириш сўзи ва сўнгсўз ўрнида “Интиҳо” деб номланган изоҳ ёзган. Ҳикоя асосини дунё кезаётган файласуфнинг қабристондаги ҳали тупроғи қуримаган янги қабрни оқ елпифичи билан елпиеётган жувонни учратиши ва бу нотабиий ҳаракат синоатини топишга интилиш ташкил этади.

**Матбуот.** Яна бир улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Самарқанд” газетасининг ўз давридаги аҳамияти ҳақида “Элу халқнинг кўзи-

ни очишга боис бўлди”, деб ёзганди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ноширлиги ва мұхаррирлигига чоп этилган мазкур нашр ҳақиқатан ҳам миллий матбуотимиз тарихида бетакрор ўрин эгаллади.

Бу ҳақда Садриддин Айний ёзиб қолдирган: “1908нчи йилдан ўз идорасинда бирон газета чиқармоқ фикриға тушуб, 1913нчи йил апрел ойинда бу мақсадига етишуб “Самарқанд” газетасининг бир неча рақамини чиқаришга муваффақ бўлғон”, (*Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимиҳи ҳоли // “Меҳнаткашлар товуши” газетаси, 1920 йил 8 апрель*) деб ёзади, архивдаги (*Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш*) маълумотлар ҳам бу фикрларни исботлайди. Шу ўринда ёзилган аризаларда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг имзолари сақланганлигини таъкидлаш жоиз.

“Ойина” халқни уйғотиш... учун яхшиғина хизмат этди”, деган таъриф Беҳбудийнинг шогирди Ҳожи Муин қаламига мансуб. Абдулла Авлоний эса “бу журнал “Ойина” чиққунча чиққон журналларнинг энг биринчи ва яхвиси эди”, дея баҳо берган. Журнал саҳифалари даврнинг янгича яшашга иштиёқманд, озодлик орзусидаги зиёлилари учун фикр айтиш майдонига айланади.

Хулоса шулки, Маҳмудхўжа Беҳбудийга юртни озод қиласидиган авлодни тарбиялаш мақсадида шахсий мол-мулкларини тикиб (Бахшитепадаги боғи), мактаб қуриб, дарслик ёзиб, жадид адабиётини яратиб, газета-журнал чиқарган, вақти келганда озодлик учун курашган, бу йўлда жонини қурбон қилишдан ҳам чўчимаган БҮЮК ШАҲС эди.

Аммо жорий йил (январь ойида бўлиши шарт эмас) Фитрат, Қодирийларни тарбиялаган улуғ бобомиз таваллудининг 145 йиллиги муносиб нишонланармикан?..

*Мұхтарам Эркинжон Оқбўтаевич!*

Сиз, аввало, хукумат аъзоси ҳисобланасиз. Шу боис Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик юбилейини республика миқёсида нишонлаш бўйича хукуматга таклиф киритишингизни сўраймиз.

Таклифда, биринчи навбатда, **Беҳбудий ўлимидан кейин большевиклар тортиб олган “Решетников, 7”, яъни “Самарқанд” газетаси, “Ойина” журнали таҳририяти ходимлари фаолият қўрсатган уй тарихий музейга айлантирилса.** Истиқлол давридаги кўплаб мурожаатлар Абдулла Қодирий уй-музейи каби турли баҳоналар билан ортга сурилди. У ерда алоқачиларнинг даққиёнусдан қолган бир-иккита “аҳамиятга эга бўлган” кабеллари бор эмиш, деган даъвони эшитяпмиз доимо.

Шунингдек, **Беҳбудийнинг “Падарқуш” асари сабаб ташкил этилган кун – Ўзбекистонда театр куни сифатида нишонланса.**

Тошкентда матбуот соҳасида, Самарқандда сиёсий-ижтимоий фанларга, Қаршида адабиётга ихтисослашган Беҳбудий ижодий мактаблари ташкил этилса.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги муассислигидаги “Зарафшон” газетасининг асосчиси ва биринчи муҳаррири сифатида Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидланса.

Кутубхоналардан бирига “Беҳбудия кутубхонаси” номи берилса, янги қурилаётган қўчаларга номи қўйилса... унинг хизматлари давлат миқёсида тан олинган бўларди, назаримизда.

Қолаверса, Фармон Тошев, Нусрат Раҳмат сингари Самарқанднинг жонкуяр зиёлиларидан ҳам жўяли таклифлар чиқиши, шубҳасиздир.

Эркинжон ака, агар Сизнинг ташаббусингиз билан савобли ишлар амалга ошса, Беҳбудий бомизнинг руҳлари шод бўларди, тарихий ҳақиқат тикланарди.

Қимматли вақтингизни олганим учун узр айтиб, масъулиятли фаолиятингизга Аллоҳдан мадад сўраб, ҳурмат билан

**Ҳалим САЙИД,**  
“Меҳнат шуҳрати” ордени,  
“Олтин қалам” миллий мукофоти совриндори

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 7 январь

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## БЕҲБУДИЙ ВА ҚОДИРИЙ ёхуд мен Раънони нега севаман?

(Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби,  
адабиётшунос олим Иброҳим Гафуровга мактуб)

**Ассалому алайкум, Иброҳим ака!**

“Олтин қозиқ” деб номланган китобингизда “Қодирий. Сиймо”(эссе)ни ўқиб, миямдаги тугунлар ечилгандек бўлди. Абдулла Қодирий ҳаётини, унинг асарларини ҳар ким ҳар хил англайди, ўқийди, ўзича кашф этади. Камина ҳам улар қаторида. Аммо эссе мутолаасидан кейин, Қодирийни Иброҳим Гофуров бўлиб ўқигим келди. Айтганингиздек, “Қодирий ижоди ҳақида Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Наим Каримов, Бегали Қосимов сингари олимлар тадқиқотлари, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султон каби адилларнинг адабона таҳдил ва талқинларини ўқиганда улуғ ёзувчи маҳоратининг такрорланмас қирралари ҳақида кутилмаган тасаввурлар ҳосил қиласиз, инсоний хусусиятларининг чўнг қатламларига янада чуқурроқ кириб боргандай бўламиз”.

Шундай бўлса-да, кўнгилтўлмаслик аломати бўлмиш “аммо”ни ишга солиб, дилингиздагини тўкиб солишингиз, жумладан, “Биз, янги замонларнинг кишилари учун Абдулла Қодирий таржи-маи ҳолининг жуда кўп томонлари, саҳифалари номаълум” лигидан озор чекишингиз китобхонга, хоссатан, каминага-да, юқди. Айниқса, Қодирийнинг отаси, бобоси, унинг китобга, адабиётга

мехрини, Туркистон тарихига қизиқишини тарбиялаган инсонларни бизга таништиришингиз, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори ҳазратларининг ва бошқа маърифатпарварларнинг унга таъсирини, уларнинг Қодирийга нақадар меҳр кўрсатишганини, матбуотдаги фаолиятини, адабиёт оламига кириб келиши, ёзган асарлари ҳақида ўша даврга саёҳат қилиб, чиндан яшаб, улар даврасида кўрганларингизни тасвиirlаб беришингиз бизга-да, кўприк вазифасини ўтади.

Жадид боболар, айниқса, бетакрор сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятидан бироз таниш мухлис сифатида Сизнинг тасвиirlарингизга, таҳлилларингизга, ҳуррият, миллат равнақи йўлида қайғурган зиёлиларни ўзаро меҳрли боғлашларингизга ҳавас қилдим.

Ёзганларингизни ўқиб, Қодирий асарлари, алалхусус, икки улуғ – “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари воқеалари марказида уйланиш тугуни ҳақидаги таҳлилингиздан мутаассир бўлиб, ўзимча кашф этганим – адаб армони ҳақидаги ўйимни айтгим келди.

Беҳбудийнинг 1919 йилда шаҳид бўлганлиги маълум бўлгач, Туркистоннинг фаол зиёли ёшлини у ҳақида оташин хотиралар, ашъорлар битиб нолалар чекишган. Бир қайғули марсияларки, давр матбуоти қатларида мангуга муҳрланган.

*Бу кун дунёда бир маҳшар қўпубди,  
Бу ер юзини титратма тутубуди.  
Кўк бўлса, қон-қоронғу чодини  
Бошига ўраган, ииғлаб ётибдир...*

*(Вадуд Маҳмуд)*

\* \* \*

*Амалимнинг юлдузиким, кўз тикиди  
Қора, жирканч ўлим кони ерларга.  
Савол бердим: “Йўқотганим қайда?” деб,  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга...*

*(Чўлпон)*

\* \* \*

*Сани мундин буён Турон кўролурму,  
кўролмасму?!  
Санинг мислингни Туркистон тополурму,  
тополмасму?  
...Ватан авлоди ёд этди,  
сани ҳурмат-ла шод этди,  
Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму?*

*(Садриддин Айний)*

Фитрат эса “Беҳбудий сағанасини изладим”, дея фарёд чекди. Бундайин мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин Фитрату Чўлпон, Ҳожи Муину Айнийлар орасидан Абдулла Қодирий битган бир парча бўлса-да, фикрани матбуот саҳифаларидан қидириб, тополмаганим рост... Ахир, Беҳбудий ёш адибларга йўналиш бўлсин дея “Оқ елпоғичли чинли хотун” ҳикоясини ёзгани, “Мушмирзо” образини (“Самарқанд” газетасида) яратиб ҳажвчиларга ибрат, “Муштум” журнали номланишига “туртки” бергани чин-ку, “Падаркуш” “таъсирида “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзиб юборғонимни ўзим ҳам пайқамай қолдим” – Қодирийнинг сўзлари-ку... Шундай экан, унинг

Беҳбудийни ёд этмаганидан бироз оғринганим ҳам ҳақиқатим эди...

Иброҳим ака! Ёзганларингиздан кейин Кумушнинг ўлимини йиғлаб-йиғлаб ўқиганларим, тўлғониб-тўлғониб ухломаганларим, бошқа ёш юраклар каби “ёзувчи нега уни ўлдиради” саволи исканжасида чеккан изтиробларим... Сўнг Анвар мирзони (“Мехробдан чаён”) таниб, Раъонони ундан пинҳона рашк қилиб, севишганлар тақдиридан мамнун бўлиб (майлига юртдан қочиб кетса ҳам), “ёзувчи Кумушни ҳам ўлдирмаса бўларди-ку”, дея гўдакларча ўйлаганларим... ҳамма-ҳаммаси чекинди. Сиз каби камина ҳам кутилмаганда жадид боболарнинг орасига тушиб қолди. Воқеаларни кетма-кет жойлаб улар билан ҳамнафас яшаб кўрдим, фикрларим улғайгандек, кўзларим чарақлаб очилгандек бўлди!.. Романдаги рамзлар, тимсоллар намоён бўла бошлади...

Устоз! Қодирийнинг Беҳбудийдан олган пайровлари ҳақида ёзасиз. Унга эргашган жиҳатларини кўрсатасиз. Демак, Қодирий Чўлпону Фитрат каби Беҳбудийга бағишилаб марсия битмаган эса-да, “Мехробдан чаён”даги Анвар образида уни тасвирлаган, назаримда. Бошқача айтганда, ёзувчи роман қаҳрамонини буюк Беҳбудийнинг прототипи асосида яратади. Асарнинг бош ғояси эса озодлик бўлиб қолаверади.

Рамзлар... Роман сўнгида Анвар Раъонони олиб юртдан хуфия чиқиб кетиши – Беҳбудийнинг озодликни авайлаб бағрига босиб, ташқи дунёдан паноҳ сўраши эди. Негаки, Қодирий Анвар – Беҳбудийни яхши биларди, тушунарди. Беҳбудий ҳам Анвар каби ёшлигида мирзолик қилгани тасодиф эмасдир? Беҳбудий умрининг якуни номаълум-

лигини Қодирий Самарқандга бориб аниқлашга ҳаракат қилган. Романда ҳам ёзувчи ўзи бориб Анвар тақдирини суриштирган ва қаҳрамон ҳаётининг якунини ноаниқ қолдирган. Раъно – хурриятнинг тақдири ҳақида эса ҳеч гап йўқ. Негаки, роман ёзиг тутагилган давр (1928 йил)да ҳали Мунаввар қори ва унинг сафдошлари қатағонга учрамаган, Туркистонда большевиклар “босмачилик” деб ном қўйган, аслида эса миллий озодлик ҳаракати давом этаётган, бошқача айтганда, хуррият тақдири номаълум фурсат эди. Беҳбудийнинг миллат орзусини топтаган большевикларга қаршилиги – Анварнинг хукмдор адолатсизликларига норозилиги, унинг Раъноси – озодлигига дахл қилиши...

Раъно – қатағон йилларию истиқлол даври адабиётшунослигига ҳам турли баҳсларга сабаб бўлаётган гўзал образдир. Шу ўринда университетдош дўйстим, филология фанлари доктори Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” дея номланган салмоқли тадқиқот китобида келтирилган Раъно образи борасидаги баҳсга қисқача тўхтальсак. Муаллиф бошқа бир тадқиқотчи Х.Лутфиддинованинг китобидан “Раъно бир қараганда замин фарзандидек, укаларига қарайди, уй юмушларини бажаради, отинлик қилиб қизларга сабоқ беради. Гўё реал ҳаётга боғлангандек таассурот қолдиради. Аслида эса у ҳаётда эмас, ижодкор орзусида эди”, “Хонлик замонида Раъно типидаги қиз-жуvonлар бормиди ёки йўқмиди?” каби кўплаб иқтибослар келтиради. Б.Каримов уларга жавоб тариқасида “Юқоридаги кўчирмаларнинг айримларига қўшилиш мумкин, аммо кўписида эътиrozга сабаб

бўладиган, фикрлашадиган ва баҳслашадиган жиҳатлар йўқ эмас. Баъзан рисола муаллифининг Раъно образини тасдиқлаётгани ҳам, рад қилаётгани ҳам, хайриҳоҳ ёки холис муносабати ҳам, умуман, илмий мезон сезилмай қолади. Мужмал”, деган фикр айтади.

Нега бу каби баҳслар тугамаётганини энди тушунгандекман. Раъно ўз даври қизларига ўхшамаган, Қодирий ўйлаб топган бу эзгу образ – озодлик тимсолидир. Шу маънода атоқли олим, ёзувчимиз Ойбекнинг фикрини ёдга олсак, масала анча ойдинлашади:

“Абдулла Қодирий типик жадид эди... Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади”.

Жадидлар ғояси нима эди? Минг маротаба айтилди, яна такрорлаймиз – ОЗОДЛИК эди!..

Мен сени севаман, Раъно!!!

Иброҳим ака, бу фикрларинг баҳсталаб дейишингиз мумкин... Ҳолбуки, Сиз ёзган эссе ва академик олимимиз Наим Каримовнинг “Адид абадияти” (“Ишонч” газетаси, 2019 йил 28 сентябрь)даги мақоласи холосамга далда бўлди. Ундан иқтиbos:

“Қодирий “Бахтсиз куёв” драмаси билан Беҳбудийнинг, шеърлари билан эса Фитрат, Чўлпон ва Таваллолар сафига келиб қўшилгандек бўлди. Лекин шу даврда рўй берган тарихий воқеалар – Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган 1916 йил қўзғолони, 1917 йил Февраль инқилоби, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва большевиклар томонидан тор-мор қилиниб, Кўқон шаҳрининг қонга ботирилиши, 1917 йил-

дан кейинги талотўплар уни ўзбек халқининг тарихий тақдирни түғрисида ўйлашга мажбур этди”.

Бу сўзлар изоҳга ҳожат сезмайди... Бироқ “Мехробдан чаён”да кўринган рамзу тимсолларни “Ўткан кунлар”дан ҳам қидиргим келди ва ажаб манзарага дуч келгандек бўлдим. Беҳбудий ёзган “Падаркуш” асари ўқимаган боланинг отасини ўлдириши ҳақидагина эмас, балки мол-дунё, ҳокимият васвасасида қатл этилган Мирзо Улуғбек билан боғлиқ отакушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназзули хусусидаги трагедия эканлигини Қодирий яхши биларди.

“Ўткан кунлар” ёзилган давр 1919–1920 йил дейилади манбаларда. Туркистон муҳторияти 1918 йилда қонга ботирилганидан миллатнинг барча зиёлилари қатори Қодирий ҳам изтиробда қолади. Романда Кумушбибининг ўлими бу фақатгина муҳаббатнинг эмас, балки Қодирий кўз ўнгига содир бўлган Туркистон муҳториятининг аянчли ҳалокати, телбага айланган Зайнабнинг аҳволи эса мустамлакада қолган авомнинг ҳоли эди. Шунинг учун асарни ўқиган зиёли, аввало, Кумушбиби ўлимидан қаттиқ қайғуга ботади. Ҳатто, адебнинг ўзи ҳам бу саҳнани йиғлаб-йиғлаб ёзганини яширмайди. Қаттол замонда яшаб, большевикларнинг асл мақсадини англаб етган Абдулла Қодирийдек буюк шахс ўзи яратган биргина образ тақдирни учунгина йиғлашини... бошқача тушунишни истадим. Негаки, Кумуш ўлимга маҳкум эди – суюкли Туркистон муҳторияти шаҳид бўлган эди... Қилмишини англолмай қабристонда тентираган телбанамо Зайнабнга “баттар бўл”, дея унинг тақдирига бефарқ қаролмайсиз – залолатга ботган авом-да, ахир...

Бир пайтлар “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари фонида зерикиб ўқиганим – “Обид кетмон”ни шу кунларда қайтадан мутолаа қилишим шартлигини англаб турибман. Ҳойнаҳой, муҳторият бостирилгач, большевиклар даврида бир мучал йили яшаб, маслагидан қайтмаган Мунаввар қори Абдурашидхонов асосий қаҳрамон бўлиб чиқса ҳайратланмайман. Жадид боболар ҳаётини қадам-бақадам ўргангандан яна бир жонкуяр устоз олим Сирожиддин Аҳмаднинг “Обид кетмон” асари хусусидаги янгича қарашла-ри акс этган “Мағлубиятга тенг ғалаба” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2019 йил 27 декабрь) мақоласи бунга ишора бериб турибди...

Иброҳим ака, бугун Абдулла Қодирий сиймосига давлат ва унинг биринчи раҳбари даражасида берилаётган ҳақиқий баҳодан, боболарга муносиб эътибордан суюниб турибмиз.

Мактубдан мурод юқоридаги ўйларимни тасдиқлатиш эмас. Мақсад шуки, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхоновга Чор Россияси “Охранка”си томонидан босилган, шўро “НКВД”си ва унинг давомчиси (“КГБ”) қўллаган “панисломист”, “пантуркист”, “англизпараст” тамғалари шу кунларгача олиб ташланмаганини яна бир бор таъкидлашдир. Акс ҳолда истиқлол даврида Фитрату Чўлпонлардан аввал уларнинг устозлари – шахсий мол-мулкларини тикиб, мактаб куриб, дарслик ёзиб, жадид адабиётини яратиб, газета-журнал чиқариб, озодлик учун курашадиган ёшларни, жумладан, Қодирийларни тарбиялашда жонларини қурбон қилишдан ҳам чўчимаган Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов тақдирланган бўлмасмиди?..

Январь ойида Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги... Дунёда Иккинчи жаҳон урушининг махфий архивлари давлат раҳбарлари томонидан очиқланаётган фурсатда бу икки бобомиз ва уларнинг сафдошлари ҳақидаги ўта махфий маълумотлар очилиши, айтилиши ва муносиб баҳоланиши асл ҳақиқатга бўлган хурмат нишонаси бўларди...

**Эҳтиром билан, талабангиз**

**Ҳалим САЙИД**

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 18 январь*

## 106 ЙИЛ ЎТИБ, “ПАДАРКУШ” ЯНА ТЕАТР САҲНАСИДА

Самарқандда Туркистон жадидлар ҳаракати асосчиси, атоқли жамоат арбоби, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишиланган тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, вилоят мусиқали драма театрида ижодий учрашув ва байрам томошаси ташкил этилди.

Мазкур даргоҳда 1914 йилнинг 15 январь куни ёш маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий саъй-ҳаракати билан илк бор адабнинг “Падаркуш” драмаси саҳналаштирилиб намойиш этилган ва Самарқанд вилояти драма театрига асос солинган. Бугунги намойишда саҳнага чиқиб келган Беҳбудий образи залдагиларга ўша машхур иборани яна бир карра ёдга солди: “Театр бу ойнадир, театр ибратхонадур...”

Каттақўрғон шаҳар драма театри актёrlари томонидан Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб “Падаркуш” драмасидан парчалар ижро этилди.

“Zarnews.uz” сайти,  
2020 йил 20 январь

## “БОБОМ ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАР”

Вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида жадидчилик ҳаракати етакчиларидан маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан маданий тадбир ўтказилди. Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Р.Қобилов, таниқли публицист-ёзувчи Н.Рахмат ва бошқалар иштирокидаги тадбирлар унинг ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланди.

Тадбирда маърифатпарвар бобомизнинг ҳаёт йўли, илмий-адабий мероси хусусида сўз юритилиб, яқин келажакда Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги ижод мактаби ташкил этилиши, шаҳар марказида ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилгани маълум қилинди.

– Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бобомнинг номи қайта тикланди, – дейди Шоҳруҳ Беҳбудий. – Ҳар йили унинг таваллуд топган куни арафасида вилоят Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида тадбирлар ташкил этиш анъянага айланган. Бу йилги тадбирлар ҳар йилгидан ўзгача, вилоят миқёсида ўтказилаётганилиги учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Бобом орзу қилган кунлар етиб келди. Биз бу кунларнинг қадрига етиб яшшимиз керак.

Тадбир қатнашчилари муассаса ҳовлисида ўрнатилган Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Самарқанд давлат университетида “Маҳмудхўжа Беҳбудий ва барҳаёт ғоялар” мавзусида адабий кечак ташкил этилди. Унда Беҳбудий ташаббуси билан ташкил этилган “Самарқанд” газетаси, “Ойина” журнали, яратилган дарсликлар, ноёб илмий ва бадиий асарлар халқни илм-маърифатга чорлаганлиги, унинг бой адабий мероси буғунги кунда ҳам ўсиб келаётган ёш авлод учун улкан тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Вилоят мусиқали драма театрида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

### Тўлқин СИДДИҚОВ

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 21 январь

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## БЕҲБУДИЙ ҚОЛДИРГАН МАЪНАВИЙ ҲАЗИНА

*Уни қанча ўргансак, тарғиб этсак, халқимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентга қилган Мурожаатномасида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адаб, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбунийнинг 145 йиллик таваллуд санасининг кенг нишонланишига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Қувонарлиси, юртимида буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва улар қолдирган маънавий меросни тадқиқ этиш борасида изчил ишлар олиб бориляпти. Шу маънода Президентимиз Мурожаатномасида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақидаги фикрларни тинглаб, бутун ҳаётини илм-фан ривожига, инсон маънавиятини бойитишга бағишлигар буюк маърифатпарварнинг номи янада улуғланишидан қувондим.

Бу бежиз эмас. Чунки Беҳбудий каби буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий, маънавий ва маърифий меросини чуқур ўрганиш ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтиришда муҳим омил бўлади.

Тўғри, айни кунларда Самарқандда аллома таваллуд куни муносабати билан “Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳафталиги” ўтказилмоқда. Самарқандлик ёзувчи ва шоирлар, журналист ва театршунослар, илм-фан ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жойларда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий мероси ва кейинги пайтда уни ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритмоқда.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида буюк маърифатпарвар уй-музейини ташкил этиш, шаҳарнинг марказий ҳудудларидан бирида унинг муҳташам ҳайкалини ўрнатиш режалаштирилди.

Энди бу эзгу иш янада кенг миқёсда олиб борилади. Зоро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”. Биз, ижодкорлар ҳам бу хайрли ишлардан асло четда турмаймиз.

**Нусрат РАҲМАТ,**  
*Ўзбекистонда хизмат қўрсатган*  
*журналист*

“Zarnews.uz” сайти,  
2020 йил 24 январь

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## **НАВОЙ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДА ШИРОҚ ҲАҚИДА ТЕЛЕСЕРИАЛ ҲАМДА МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ФАОЛИЯТИГА ОИД БАДИЙ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНАДИ**

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

“Үзбеккино” миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўзбек халқининг буюк сиймоларига бағишиланган фильмларни суратга олиш бўйича келишувга эришилди.

Улардан бири саҳрода шоҳ Доро бошчилиги даги форс босқинчиларининг катта қисмини донолиги ва жасорати билан енгган сак қабиласига мансуб чўпон Широқ ҳақидаги сериал ҳисобланади.

Кейинги лойиҳа таниқли маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан бири, атоқли ёзувчи, драматург Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида бадиий фильм яратишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, бу йил Ўзбекистонда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллиги кенг нишонланади.

Ушбу келишув ҳақида сўз юритар экан, “Ўзбеккино” раҳбари Фирдавс Абдухоликов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган миллий қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш муҳимлиги тўғрисидаги ташаббуси ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади.

– Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимовдан мамлакатимиз раҳбариятининг буюк

тариҳий шахслар хотирасини абадийлаштириш бўйича кўрсатмаларини амалга ошириш, шу қаторда Иккинчи жаҳон уруши пайтида Германиянинг Амерсфорт немис концлагерида асирга олинган ўзбекларнинг жасорати ва мардлиги ҳақида фильм яратишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатган ташаббуси учун миннатдормиз, – деди Фирдавс Абдухолиқов. – Мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси мутасаддилари нафақат тариҳимиздаги буюк шахслар номи билан фахрланиши, балки уларнинг номларини абадийлаштиришга ҳаракат қилиши керак. Ушбу лойиҳалар, шунингдек, кино саноати ходимларини иш билан таъминлашда, муҳими, жараёнга ёш киноижодкорларни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Улар ҳам ўз навбатида хориж киноижодкорлари билан биргаликда тариҳий фильмларни яратиш бўйича катта тажриба орттиради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақидаги фильмни Самарқандда шу йилнинг охиригача суратга олиш режалаштирилган.

Томонлар Широқ ҳақидаги телесериални суратга олишда маслаҳатчи сифатида чет эллик режиссёrlарни таклиф қилишга қарор қилишибди. Навоий вилоятида фильмни суратга олиш масаласи ҳам муҳокама қилинмоқда. Ушбу вилоят яхудида фильмда Широқнинг душманларни адаштиришига мос келадиган саҳролар бор. Шу муносабат билан “Ўзбеккино” ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ушбу лойиҳада иштирок этиш учун Навоий вилояти ҳокимлиги вакилларини таклиф қилишмоқчи.

Широқ ҳақидаги телесериалнинг сценарийси ёзувчи ва кинодраматург, 20 дан ортиқ сериал

ва бадиий фильмлар сценарийсини ёзган Назар Холиқуловга (Назар Эшонқул) тегишили. “Ўзбеккино” раҳбарияти юқоридаги фильмларнинг режиссёrlарини танлов асосида танлаб олишни ре- жалаштирумокда.

### **“Ўзбеккино” миллий агентлиги ахборот хизмати**

*“Zarnews.uz” сайти,  
2020 йил 29 январь*

## БЕҲБУДИЙГА БАХШИДА ҲИКОЯЛАР

Таниқли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нусрат Раҳматнинг “Жадид (Беҳбудийга бахшида ҳикоялар)” асари (*Тошкент шаҳри, “Noshirlik yog’dusi” нашриёти*) нашрдан чиқди.

Аллома ва адаб Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллигига бағишилаб чоп этилган мазкур роман Туркистон жадидчилик ҳаракати ва жадидларнинг маърифатпарварлик ғояси, ҳалқ онгига миллий рух, маънавиятни сингдиришдаги ҳаракати қаламга олингани билан ҳам эътиборли.

– Кўлингиздаги асар анъанавий қисса ёки роман жанрига унчалик мос келмаслигини тан олишим керак, – дейди муаллиф. – Аммо бугун Гарбнинг номдор ёзувчилари эски қолипларни бузиб, саргузаштлар, афсоналар, детективлар, публицистикага йўғрилган асарлар ёзишаётганини ҳам эътибордан четда қолдириш ўринли бўлмас. Муҳими, бу асар, ундаги ҳикоялар Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир китобхон учун қадрли. Чунки биз жадидлар ҳаётини чуқур билмаймиз, улардан ибрат олишга жазм этмаймиз. Бугунги мустақилликнинг тамал тошини жадидлар қўйганлигини ёшларга уқтирумаймиз.

Роман фақат Беҳбудий ёки жадидлар ҳақидагина эмас, маориф ва маънавият учун жонини тикканлар, тамаддуни баланд ёки ночор бўлганлар, улар орасидаги тафовутлар, зиддиятлар ҳақида ҳамдир. Асарда 1868 йилда Самарқанднинг Чор аскарлари томонидан ваҳшиёна босиб олиниши,

1917 йилда Туркистон мухториятининг хокитуроб қилинишини Нусрат Раҳмат биринчи бор бадиий ноталарда тасвирлаб берган.

Асарни ўқир экансиз, беихтиёр XX аср бошидаги ҳаёт кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу билан бирга жадидлар авлодининг бугунги ҳаёти “Номаълум одам монологи”да баланд маҳорат билан чизилади. Уларнинг тақдири сизни бефарқ қолдирмайди.

**Акрам БЎРИЕВ**

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 30 январь, 13-сон*

## “АДИБИ АВВАЛ”

**Т**арихимиз саҳифаларини варақлаган киши жаҳолат ва хурофот қурбони бўлган не-не улуғ зотларнинг жасоратли ҳаёти ва фидойи фаолиятидан хабардор бўлади.

Шулардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийдир.

Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Бахшитепа қишлоғида туғилган Маҳмудхўжа Аҳмад Яссавий сулоласидан бўлиб, отаси Беҳбудхўжа, катта боғоси Ниёзхўжа асли Самарқандда яшаб, фаолият кўрсатгани учун Ниёзхўжа “қори Ниёзхўжа Урганчи” исми билан шуҳрат қозонган. Ниёзхўжанинг ўғли Солихўжа ҳам қорилик ва имомлик билан тирикчилик қилган. Солихўжадан Беҳбудхўжа исмли ўғил ва икки қиз қолган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 6-7 ёшларида Самарқандда катта тоғалари Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида хат-саводини чиқаради. Кейин отаси Қуръонни ўргатади. 15 ёшида тоғаси муфти Одил ҳузурида илм олишга киришади. Бу ерда у араб тили грамматикаси ва замонавий фанларни ўргана бошлайди. Жумладан, “Қофия”, “Шарҳи мулло” китобларини ўқиёди. Мантиқдан “Шамсия”, ҳуқуқдан “Мухтасар ал-вақоя” ва “Хошия” китоблари, шунингдек, ҳисоб илмини ўрганади.

1989 йилда отаси вафот этгач, оилани боқишиш Маҳмудхўжанинг зиммасига тушади. Шу боис Чашмаоб қишлоғида қозилик қила бошлаган тоғаси Муҳаммад Сиддиқнинг ҳузурида мирзолик қилади, шунинг баробарида муфтиликка тегишли бўлган шариат қоидаларини ўрганади. Кейинча-

лик Кобуд қишлоғи қозиси мулла Зубайднинг ху-  
зурида мирзолик ишини давом эттиради. Бу ерда  
турли масалалар бўйича қозихонага мурожаат  
қилган камбағал, бева-бечораларнинг аҳволи би-  
лан танишади, халқнинг илму маърифатидан ўз  
ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қила олмаслигини кўриб,  
уларга ачинади ва қўлидан келган ёрдамини ая-  
майди.

1899 йилда бухоролик дўсти Ҳоди Бақо билан  
сафарга чиқади. Беҳбудийнинг мақсади, биринчи-  
дан, ҳаж қилиб, мусулмончиликни адо этиш бўлса,  
иккинчидан, тараққий этган мусулмон мамлакат-  
ларининг мактаб усуллари билан танишиш эди.  
Ҳаж сафаридан келгач, эскича мактабларни ислоҳ  
қилиш орқали “Усули жадид мактаблари”ни таш-  
кил қиласди.

Минг афсуски, бу борада икки томонлама қар-  
шиликка дуч келди. Биринчидан, Чор хукумати  
жадид мактабларининг кўпаймаслиги учун ку-  
рашса, иккинчидан, маҳаллий мутаассиб дин-  
дорлар ҳам янги усулнинг ривож топмасликлари  
учун ҳаракат бошлайдилар.

Самарқандлик Раҳматулло Раҳим “Туркистон”  
вилоят газетаси орқали “Усули жадид мактаби”-  
ни ҳақорат қиласди, унинг асосчилари Беҳбудий  
ва Шакурийларни нодонлиқда, билимсизликда  
айблайди. Аммо бундай чиқишлиар жадид мактаб-  
ларига қизиқиши сусайтира олмайди, аксинча,  
халқнинг қизиқиши янада ортиб бораверди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мактабининг ривожи  
учун қўлидан келган бор имкониятларини ишга  
солди.

Унинг номи Туркистон генерал-губернатори у  
ёқда турсин, Бухоро амири Саид Олимхон томони-

дан ҳам ғаним сифатида рўйхатга олинган. 1919 йилнинг баҳорида амир айғоқчилари уни Шахри-сабзда қўлга олиб, яширин равишда Қаршига келтиришади. Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан пинҳона қатл қилинади. Бу машъум воқеа кейинроқ, яъни бир йил ўтгач, маълум бўлди. Зиёлилар, бутун халқ мотам тутди.

“Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатидан ўша замон Туркистондаги жадидлар орасидан унга teng кела оладигани бўлмаса керак”, деб ёзган Файзулла Хўжаев.

Татар совет адабиётининг асосчиси, машхур инқилобчи адиб Олимжон Иброҳимов 1916 йилдаги “Тиллари бошқа бўлса-да, кўнгиллари бир” мақоласида туркий тилларнинг XX аср бошидаги тараққиёти ва унда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари катта экани ҳақида ёзди: “Каспий денгизи орқали чиқиб, Мовароуннаҳрга келсак, Самарқанд, Тошкент тийраларинда тўхтаб, бу халқнинг дунёсина кўз солсак, дарсликлар оламинда Истанбулли Аҳмад Мидҳатнинг “Хожа Аввал”ли, бизнинг “Муаллими Аввал”лимиз ўрнина аларнинг Хўжа Беҳбудийлари “Адиби аввал”лар ёзғонлигин, “Ойина”, “Садойи Фарғона”, “Осие”, “Тижорат”, “Хуршид”, “Садойи Туркистон” каби шул ер туфроинда ўниб, шундаги ҳаво билан суғорилиб, яшарға тиришқон матбуот ва адабиётларин кўражакмиз, булар шул Туркистон деган бир ўлканинг ҳаётиндаги хусусиятдан туғилган, шундаги эҳтиёжларга жавоб бературғон эмишлардир” (“Онг” журнали, 1916 йил, 5-сон, 87–90-бетлар).

1912 йилда ёзилиб, 1913 йилда босилган “Падаркүш” драмаси Беҳбудийга жуда катта шухрат келтиради. Асар 1914 йил 15 январда Самарқанд

ҳаваскорлари томонидан саҳнага қўйилади, 27 февралда эса Тошкентдаги машхур “Колизей”да “Турон” труппаси ўз фаолиятини шу спектакль билан бошлайди. “Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманганд, Каттакўрғон каби шаҳарларда чиққан “Падаркуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзиб юборганимни ҳам пайқамай қолдим”, деб ёзган Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан “Ўзбек адабиёти” китобида эса “Ўзбек миллий адабиёти-нинг негиз тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйиб берди”, деган эътирофга дуч келамиз.

Мустақиллик шарофати туфайли қадриятларимиз тикланяпти, қатағонга учраган шоир, ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилияпти.

1937 йилдан 1980 йилга қадар ҳалқ душмани деб келинган Маҳмудхўжа Беҳбудий номи яна тикланди. Мустақил Ўзбекистон ўз фарзандининг ўчган чироғини яна ёндириди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг уч ўғил, бир қизи, неваралари бўлган. Мен шундай маърифатпарварнинг невара келини эканимдан фахрланаман.

**Раъно ТЎРАХЎЖАЕВА,**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 27 февраль, 26-сон

## УЛУФ АЛЛОМА ШАЖАРАСИ

“Зарафшон”нинг шу йил 27 февраль 26-сонида Маҳмудхўжа Беҳбудий ижтимоий фаолияти хусусида сўз юритиб, улуф маърифатчининг уч ўғил, бир қизи, набиралари бўлганлигини айтган эдик. Ушбу мақолада сиз, азизларни маърифат фидойисининг шажараси билан таништирамиз.

Тўнгич ўғлининг исми **Маъсудхон** бўлиб, 1897 йилда туғилган. У киши бир вақтнинг ўзида ҳам эски мактабда, ҳам гимназияда таълим олган. Кейинчалик нашриёт ва рўзномаларда таржимон бўлиб фаолият кўрсатган. 1933 йилдан бошланган қатағон туфайли Маҳмудхўжа Беҳбудий “халқ душмани” деб аталганидан кейин Маъсудхон таъқибга учраб, Тожикистонга кетишга мажбур бўлади ва у ерда яширинча яшаб ижод билан шуғулланади. 1937 йилларда ўрта мактаблар учун адабиёт соҳасида иккита дарслик ва икки дарслик хрестоматиясини нашр эттиради.

Иккинчи ўғли **Мақсадхон** 1911 йилда туғилган, “усули жадид” мактабида завод чиқарган. Кейин Бокудаги икки йиллик муаллимлар тайёрлаш курсида таҳсил олган. Бироқ 1932 йилда 21 ёшида вафот этган.

Қизи **Парвинахон** (Сурайёхон ҳам дейишган) 1902 йилда туғилган. 10 ёшгача Абдуқодир Шакурийнинг “усули жадид” мактабида дастлабки илмни эгаллаган. Кейинчалик у киши асосан уйда ўтириб муаллимлардан рус ҳамда француз тилларидан сабоқ олган. Парвинахоннинг менга сўзлаб

беришича, икки қизи бўлиб, улар ёшлик чоғида-еёқ вафот этган. Ўзи эса, халқ душманининг қизи тамғаси остида бир қанча қийинчилкларни бошидан кечириб яшаган. 1987 йилда вафот этган.

Бобомизнинг учинчи ўғли **Матлубхон** 1914 йилда туғилган, 1942 йилда Иккинчи жаҳон урушига тортилган ва бедарак кетган.

Махмудхўжа Беҳбудийнинг тўнғич фарзанди Масъудхоннинг **Шавкатхон**, **Мидҳатхон**, **Нодимхон**, **Назирхон** исмли ўғиллари бўлган. Шавкатхон 1921 йилда туғилган. Олий маълумотли бу киши Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. 1990 йилда оламдан ўтган. У кишининг тўрт нафар фарзанди бўлиб уларнинг исмлари **Шоҳруҳхон**, **Фарруҳхон**, **Зарруҳхон** ва **Гулруҳхон** (иккинчи исми **Хуснияхон**)дир.

Иккинчи ўғли **Мидҳатхон** 1924 йилда туғилган. Кўп йиллар Ўзбекистон радиосида муҳаррир, таржимон, журналист ва сухандон бўлиб ишлаган. Кейинчалик Тоҷикистон Фанлар академиясида илмий ходим, тоҷик энциклопедия таҳририятида бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. Тўрт нафар фарзанднинг отаси 1999 йилда вафот этган.

**Нодимхон** 1929 йилда туғилган бўлиб, 1949 йилда Тошкентдаги шарқшунослик институтини битиргач, йўлланма билан Тоҷикистонга ишга юборилади. Кейинчалик Москвада докторантурани ўтагач, Самарқандга келиб университетнинг шарқ тиллари кафедраси мудири сифатида ишлайди ва 1995 йилда вафот этади.

**Назирхон** 1940 йилда туғилган. Бугунги кунда меҳнат фахрийси сифатида тўрт фарзанди, кўплаб набиралари ардоғида яшаб келмоқда.

Шуниси эътиборлики, Маҳмудхўжа Беҳбудий авлодларининг барчаси олий маълумотга эга бўйиб, боболари каби эл қалбига маърифат, зиё чироқларини ёқиб келишган ва келишмоқда.

Биз, олимларни курсанд қиласидан жиҳат шу бўлдики, муҳтарам Президентимиз парламентга Мурожаатномасида жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу тадбир, албатта, ёшларимизнинг Ватанга муҳаббат, қадриятларга хурмат руҳида камол топишида муҳим омил бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда юбилей баҳонасида буюк бобокалонимизнинг уй-музейи ҳамда унинг босмахонасини тиклаб, “Маърифатпарварлар уйи”га асос солинса, бунинг тарбиявий аҳамияти ва моҳияти янада ошар эди, деб ўйлайман.

**Раъно ТЎРАХЎЖАЕВА,**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 25 март, 38-сон

## БЕҲБУДИЙНИНГ РУХИ ШОД БЎЛДИ

Телевизорда пойтахтдаги Миллий боғда та-  
баррук заминимизда яшаб ўтган, нафақат  
Ўзбекистон, балки дунёвий маърифатга муносиб  
ҳисса қўшган адилар ҳайкаллари ўрнатилган  
Адилар хиёбонини кўриб тўлқинландим. Ўзбек  
адабиётининг устунлари қаторида буюк бобо-  
миз, ўзбек драматургияси асосчиси Маҳмудхўжа  
Беҳбудийнинг ҳайкали борлиги биз, авлодларга  
ғуур ва завқ бағишилади.

Давлатимиз раҳбари йил бошида парламентга  
Мурожаатида улуғ жадид Маҳмудхўжа Беҳбудий-  
нинг 145 йиллигини нишонлаш таклифини бил-  
дирган эди.

26 май куни Самарқанд вилояти ҳокими Э.Тур-  
димов иштирокида Самарқанд шаҳрида, улуғ ал-  
лома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий  
яшаб, ижод қилган хонадонда тадбир бўлиб ўтди.

Карантин талабларига қатъий риоя этган  
ҳолда ўтказилган маърифий тадбирда ёзувчи ва  
шоирлар, журналист ва театршунослар, илм-фан  
ва маданият намояндлари иштирок этди. Унда  
бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йўли,  
илмий-ижодий мероси ва кейинги пайтда уни ўр-  
ганиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида  
сўз юритилди.

– Маҳмудхўжа Беҳбудий илмий, маънавий ва  
маърифий меросини ўрганиш ёшларни ҳар то-  
монлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда,  
уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсо-

ний қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтиришда муҳим омил бўлади, – деди Э.Турдимов. – Шунинг учун бугун ушбу хонадонни Беҳбудий уй-музейи ҳамда жадидлар, қатағон бўлган маърифатпарварлар музейига айлантириш асосий вазифамиздир.

Таъкидлаш лозимки, маърифатпарвар бобомиз ўлимидан кейин “Решетников, 7” (ҳозирда Самарқанд шахри, Мир Сайд Барака кўчаси, 47-уй), яъни “Самарқанд” газетаси, “Ойина” журнали таҳририяти, “Беҳбудий” нашриёти ходимлари фаолият кўрсатган уйни большевиклар тортиб олган. Бугунги кунда бу ерда Давлат активлари ни бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти худдий бошқармаси ҳузуридаги “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси фаолият юритмоқда.

Вилоят ҳокими ушбу корхонани бошқа жойга кўчириш, бинони тарихий музейга айлантириш учун Беҳбудий китоблари, у нашр эттирган дарслар ва газеталар, бобомиз билан боғлиқ осори-атика ва экспонатлар билан бойитиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Эл-юрт маърифати йўлида жонини фидо этган бобомизга кўрсатилаётган иззат-икром учун, аввало, Шавкат Мирзиёевга, Миллий боғ бунёдкорларига, ҳайкалтарошларга, Самарқанд вилояти ҳокимлигига, барча зиёлиларга оиласиз номидан миннатдорчилик билдираман.

## Шоҳруҳ БЕҲБУДИЙ

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 27 май, 57-сон

## БЕҲБУДИЙНИНГ СҮНГГИ МАНЗИЛИ

Беҳбудий 1918 йили шўролар томонидан ваҳшийларча бостирилган Туркистон мухториятининг ғоявий асосчиларидан бири бўлиб, мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам обрў-эътибори ниҳоятда баланд эди. Бухоро ва Хива хонликларини босиб олиш учун зимдан тараддуд кўраётган большевиклар маърифат ва миллий озодлик ғояси билан яшаган Беҳбудий сингари буюк сиймолардан хавфсиради.

“ЎзАС”нинг 2008 йил 22 август сонида эълон қилинган “Беҳбудийнинг сўнгги кунлари” номли мақолада Қашқадарё вилояти архив ишлари худдий бошқармаси хазинасидан топилган маълумотлар асосида буюк маърифатпарварнинг сўнгги кунларига доир мавхумликни ойдинлаштиришга ҳаракат қилинганди. Вилоят ҳокимлиги архивидан яқинда топилган 34-жамғарма 1-рўйхатдаги 55-ишга доир қайдлар эса Беҳбудийнинг сўнгги манзилини аниқлашга доир изланишларга туртки бўлди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида юз берган ур-тўполнолар даврида миллатнинг ўзлигини англаш жараёнига оловдан қўрққандай ҳадиксираб қараган озодлик душманлари томонидан сирли равишда ўлдирилган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўнгги манзили қаердалиги кўп муаллифлар томонидан ўртага қўйилган бўлса-да, ҳануз бир тўхтамга келинмаган.

Беҳбудий мураккаб сиёсий даврда фаолият кўрсатган эди. Бир тарафдан Россиянинг вассал

тариқасида мустақил ҳукм суреб келаётган Буҳоро амирлигини бутунлай қўл остига олиш ҳаракатини кучайтириши, иккинчи ёқдан амирлик ичидан зиёлилар норозилиги ўсиб, “Ёш бухороликлар”нинг тузумни ағдаришга интилиши амирликнинг қатъий чоралар кўришига сабаб бўлганди.

Шўролар дастлаб миллатнинг таниқли зиёлилари, тараққиёт тарафдорларини турли йўллар билан ўз сафига оғдиришга эътибор қаратади. Фуқаропарварлик, тенглик каби сўзлар ўша вақтда миллатнинг бу тоифасини ишонтириб, оҳанрабодек ўзига жалб этганди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бу шиорлардан усталик билан фойдаланган шўро ҳукуматига бир қадар ишонч билан қарагани табиий. Бироқ у тез орада шўроларнинг алдовлари моҳиятини тушуниб етади. Таниқли беҳбудийшунос олим Бегали Қосимов эътироф этганидек, “миллат, миллий тараққиётни инкор этган шўролар йўли алдов ва зўравонликка асосланганини Беҳбудий биларди”. Ишонч ва орзулари поймол бўлган Беҳбудий 1918–1919 йилларда қаттиқ пушаймонликни бошдан кечиради ва бир муддат шўролар ҳукмронлиги остидаги юртдан узоқроқда бўлишни хоҳлади. Бухородан ҳам најот йўқ, амир Беҳбудийни хуш кўрмайди. Негаки, 1919 йил баҳорида “Ёш бухороликлар”нинг амирни ағдаришга доир ҳаракатлари кучая бошлаганди.

Бу пайтда амирлик шўроларнинг бостириб келиши, фитна уюштиришига қарши чегараларни мустаҳкамлай бошлаган. Асосан, Туркистон генерал-губернаторлиги қарамоғидаги мулклардан келувчи карвон ва йўловчилар қаттиқ назорат

остига олинган. Тахтиқорача довонида ҳарбий қувватни ошириш учун 18 миллион сўм сарфланган. Беҳбудийнинг 1919 йил 25 мартағи хориж сафари амирлик сарҳадларини қўриқлаш кучайган шу даврга тўғри келган.

Беҳбудий Тахтиқорача довонида қўлга олиниб, ҳамроҳларининг ҳам шахси аниқлангач, Қарши беги Тоғайбек орқали Бухорога хабар етказилади.

Шўро ҳукумати бўлажак босқин учун барча имкониятни ишга солган, маҳфий хизматни йўлга қўйганди. Унинг хуфялари нафақат амир саройи, қўшинлари, шу билан бирга, амирликка қарашли шаҳар ва қишлоқларда ҳам пайдо бўлади. Маълумот тўплаш ва шу асосда иш қўриш ГПУнинг асосий фаолияти эди. Беҳбудийнинг сафари, қўлга олиниши, ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар ҳам унинг назаридан четда эмасди.

1920 йил 2 сентябрда “инқилоб” деган сохта ниқоб билан хаспўшланган босқинчилик натижасида Бухоронинг катта ҳарбий куч билан босиб олиниши унга қарши озодлик ҳаракатини туғдирмаслиги мумкин эмасди. Шўролар ана шу миллий озодлик ҳаракатини ўзларининг ғоявий мақсадидан келиб чиқиб, “аксилинқилобий ҳаракат”, ҳаракат раҳнамоларини эса “аксилинқилобий ташкилот”, деб атаган. Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилояти архив ишлари бошқармаси хазинасидаги 172-жамғарма 2-рўйхатдаги 20-ишда 1920 йили шўро тузумига қарши “аксилинқилобий ташкилот” тузилгани, унинг шўроларга қарши фаол иш олиб боргани ҳақида ҳикоя қилинади. Бу хужжатда ватанпарварлик-норозилик ҳаракати тўғрисида ҳозиргача бирор манбада тилга олинмаган ҳайратомуз далилларга ҳам дуч келамиз.

1926 йили шўролар ана шу ҳаракат раҳбарларини қамоққа олган. Улар ҳибсга олингунга қадар арқон узун ташлаб қўйилган. Бош сиёсий бошқарманинг тергов бўлими бошлиғи Д.М.Епифанов 1926 йилнинг 20 марта шу “жиноий” иш юзасидан ёзган ўн бетлик айблов маърузасида қуидаги маълумотларни қайд этади:

“...Мафкурасига кўра, ашаддий монархистлар бўлган амирлик ҳимоячилари Мирзо Наврўз Пўлатов, Эрка амин Дўстмуродов, Муҳаммад Раҳим Абдусатторов, Абдурасулқулбек Абдусатторов, Мулла Тожиддин Салимов, Хўжаназар Инатуллаев, Ҳожи Абдуазиз мулла Боқихўжаев ва Мулла Неъмат Шодмоновлар 1919–1920 йилларда Қарши беги Тоғайбек (ҳозирги кунда Афғонистонда) ва Қарши оғолиғи Нуриддин хўжа (аксилинқилобий фаолияти учун отилган) раҳбарлигида Қарши шаҳрида аксилинқилобий ташкилот тузадилар. Ташкилот аъзолари сони етмишга етган. Мазкур ташкилот Бухоро амири таҳтдан қулагач, шўро ҳокимиятини ағдариб ташлашни ягона мақсад қилиб олади ва Афғонистонга қочган амирни қайташ ҳаракатини бошлаб юборади...

Қарши шаҳрига Қизил армиянинг олиб кирилиши (1920 йил 28 август) муносабати билан аксилинқилобий ташкилот аҳоли ўртасида қуролли қўзғолон кўтариш ҳақида тинимсиз ташвиқот олиб борган. Қуролли қўзғолон шўро ҳукуматига ва Қизил армияга қарши амалга оширилиши қўзда тутилган эди. Аксилинқилобий ташкилот аҳолининг омилигидан фойдаланиб, ўз мақсадига эришишга муваффақ бўлади.

Юқорида номлари айтилган кишилар кўнгиллиларнинг ғоявий раҳбарлари сифатида қўзғо-

лон бошида турадилар, ҳар бири алоҳида гурухни бошқариб, Қизил армияга қарши курашадилар. Мұҳаммад Раҳимбек ва Хўжаназар Инатуллаев бош бўлган қўзғолончиларнинг биринчи ҳаракати Қарши темир йўли шоҳобчасини қўпориб ташлаш бўлади. Темир йўл ашёлари талон-торож этилади, ишчилар ва темир йўл ходимлари қамоққа олинади, калтакланади, отиб ташланади. Худди шундай манзара Қарши шаҳрида ҳам вужудга келади. “Ёш бухороликлар”нинг инқилобчи арбоблари ялпи равишда қамоққа олинади, улардан бири таниқли арбоб бўлган Беҳбудий жунбишга келган собиқ амир амалдорлари томонидан оломон қилиниб, ур-калтак қилинади. Натижада ўртоқ Беҳбудий ваҳшийларча ўлдирилади”.

Д.М.Епифанов тергов бўлими бошлиғидан вилоят бош сиёсий бошқармаси бўлими бошлиғи ўринбосари даражасига кўтарилади. У қўзғолон раҳбарларини айبلاغан маърузасида Маҳмудхўжа Беҳбудий фожиасини “аксилинқилобчилар”га қарши кучли бир далил сифатида келтириб ўтган. Бу “жиной иш”ни кўриш 1926 йили бошланиб, бир-бир ярим йил давом этган. Гумон қилинган шахсларнинг ҳаммаси қаттиқ жазога тортилган.

Беҳбудий, баъзи ишораларга кўра, Қаршининг “Кўҳна Чорсу” маҳалласидаги 21-ўйда (Шариф Қозижон деган кишининг тўққиз хонали ҳовлисида) тутқунликда яшаган. Бу маҳалла шаҳар қалъасининг кунчиқар тарафида бўлиб, “Тутак дарвоза”га туташиб кетган. Шариф Қозижонга келадиган бўлсак, у жадидларга мойил киши бўлган. Шўро ҳукумати билан унинг ўртасида олдиндан алоқа йўлга қўйилган, чоғи. Сабаби 1926 йилга келиб

унинг ўша тўққиз хонали уйи вилоят судига ижарага берилади.

Қизил армиянинг 13-ўқчи корпуси қўзғолонни бир ҳафта мобайнида бостириб, ғалаёнчиларни деярли қириб ташлайди. Ўлдирилган “Ёш буҳороликлар”, уларнинг раҳбарлари, амирликдан норози бўлган қаршиликларнинг майитлари асосан “Эшони шаҳид” қабристонига дағн этилади. Овруполик темирийўлчилар жасади эса вокзал фарбидаги рус мозоротига кўмилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва ҳамроҳларининг хоки ҳам “Эшони шаҳид” қабристонига қўйилади. Айтишларича, Беҳбудий қабри “Эшони шаҳид” мақбараси яқинида бўлган. Бир неча йил давомида унинг марқади эътиборда бўлиб келган. Лекин жадидларга – озодлик курашчиларига нисбатан 30-йиллар сўнгларига келиб шўролар муносабати ўзгаргач, Беҳбудий ҳам, қабри ҳам унутилади.

Ана шу “унутиш” туфайли буюк маърифатпарвар бобомизнинг мозори бор ёки йўқлиги бугунги авлод вакиллари учун номаълум бўлиб келаётган эди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архивидан яқинда топилган 34-жамғарма 1-рўйхатдаги 55-ишга доир қайдлар эса масалага ойдинлик киритди. Мазкур жилднинг 7-саҳифасига муҳрланган сатрлар 1925 йилнинг 19 июня га тааллуқли. 1924–1925 йилларда воҳада озодлик ҳаракати кучларига (шўролар талқинида “аксилинқилобчилар”, “босмачилар”) қарши кураш кучайтирилган эди. Шу мақсадда тузилган вилоят комиссияси уларни тугатиш бўйича “зарбдор ойлик” эълон қиласиди. Комиссия мажлисининг 3-қарорига доир хужжатда Беҳбудий қабри ҳам тилга олинган.

Қарорда “зарбдор ойлик”нинг сафарбарлик аҳамиятини кучайтириш, халқни оғдириш руҳини ошириш учун Қарши шаҳрида оммавий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, биринчи бандда 1925 йил 17 апрелда “босмачилик”ка қарши кураш бўйича тунда сиёсий намойиш ўтказишга кўрсатма берилган. Қарорнинг иккинчи бандида вилоят фирмә қўмитаси маблағидан шаҳар милицияси бошлиғи Исохон Зокировга кўчаларга машъалалар ўрнатиш учун ўттиз сўм ажратиш белгиланган. Қарорнинг ўша бандини айнан келтирамиз:

“Ўртоқ Зокировга митинглар бўлиб ўтадиган қуйидаги жойларда, савдо муассасаларида милиция кучи билан ёритиш ишларини ташкиллаштириш топширилсин:

- а) Регистон майдонида,
- б) Эски қалъа ёнида (қардошлиқ мозорида),
- в) Кўрғонча маҳалласида,
- г) Беҳбудий қабри ёнида.

Ўртоқ Зокировга намойишчилар ҳаракатга келган вақтда мушақбозлик – ракеталар отишни ташкил этиш топширилсин”.

Маълум бўляптики, баъзи тахминларда айтилганидек, Беҳбудий қабри ўша пайтдаёқ текислаб юборилмаган. Шўролар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, халқ озодлик ҳаракатини тор-мор этиш учун қақшатқич кураш олиб борган 1925 йилда у мавжуд бўлган. Мустабид тузум пешволари қадим Туркистоннинг машҳур сиймоларидан бири, буюк маърифатпарварнинг қабридан ҳам тоявий мақсади йўлида фойдаланиб, унинг руҳини топтаган.

Мен шу шаҳарда яшаган фольклоршунос Чори Ҳамро, филология фанлари номзоди Абдумўмин Қаҳҳоров ва бошқа кексаларнинг бир пайтлар ўзлари пионерлик ва комсомол аъзолигига қабул қилинган тадбирлар “Эшони шаҳид” қабристонидаги Беҳбудий қабри ёнида ўтказилганини ҳикоя қилганларига қўп бор гувоҳ бўлганман. Улар бу ҳақда бизга сўзлаган олтмишинчи-етмишинчи йиллар шўро ҳокимииятининг энг гуллаган даври эди. Бу ҳақда масала кўтариш ёхуд уни матбуотда ёзиб чиқишининг мавриди эмасди. Мазкур қабристонга кираверишда катта йўлак, йўлакнинг икки тарафида ҳовуз ва қудук бўлган. Дарвозадан эллик қадам ичкарида “Эшони шаҳид” мақбараси, унинг қуи этагига яқин жойда Беҳбудийнинг қабри бўлган. Қабр устига айвон ҳам тикланган.

Шу ўринда мазкур қабристон ҳақида бир-икки оғиз сўз: нақл этилишича, “Эшони шаҳид” – “Кўкгумбаз” масжидининг имоми Абдуллатиф ан-Насафий 1737 йили Нодиршоҳ Афшорнинг ўғли Ризоқулихонга қарши жангда ҳалок бўлган. Босқинчиларга қарши қурашда ҳалок бўлган ватанпарварлар шаҳарнинг кунчиқар тарафида, яъни ўша жанг бўлиб ўтган жойда дафн этилган. Шаҳид бўлганларнинг қабрлари катта мозоротни ташкил этган.

Элу юртда обрў-эътибори юқори бўлгани боис Беҳбудийнинг хоки иззат-хурмат билан “Эшони шаҳид” мақбараси ёнига қўйилади. Шаҳарни қайта эгаллаган шўролар 1936 йилгача буюк сиймонинг сўнгги манзилини “қизил қадамжо”га айлантирган. 1926–1936 йилларда шаҳар ҳам Беҳбудий номи билан аталган.

Ўз мафкурасини мустабидлик аршинига муводиқлаштиришга устаси фаранг бўлган большевиклар ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгач, Беҳбудий обрўсидан фойдаланиш сиёсатини ўзгартиради. 1937 йилги қатағонлар даврида тириклар билан бирга марҳумлар ҳам инкор этилади. Шаҳар номи ўзгартирилади. Беҳбудийнинг номи пинҳона тарьқиб остига олинади. Буюк зотнинг қабри эътибордан қолади, бу жойда энди тантаналар ўтмайди, қабр айвони бузилиб кетади. Кейинчалик айвон лоши остида қабр кўмилиб, фақат шимолий қисми кўриниб турадиган ҳолга келади.

Икки йил муқаддам мазкур қабристонни яхши биладиган Faffor Давлатов билан Беҳбудий хоки қўйилган, деб келинаётган мазкур жойда дуойи фотиҳа қилган эдик. Вилоят ҳокимлиги архивидан яқинда топилган қайдномада Беҳбудий қабри-нинг тилга олингани туфайли буюк сиймонинг сўнгги манзили тўғрисида муайян хulosага келсак бўлади, деб ўйлайман. Демоқчимизки, Беҳбудийнинг қабри “Эшони шаҳид” қабристонидадир. Айни чоғда 1926–1936 йилларнинг матбуот нашрлари ҳамда архив хужжатхоналаридан бу борада янада аниқроқ маълумотларни излаш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳам давом этади.

Истиқлол шарофати билан юртимиз озодлиги йўлида шаҳид бўлган қатағон қурбонлари хотирасини азиз ва мўътабар билаётганлигимиз бизни шунга зиммадор этади.

**Поён РАВШАНОВ**

“Zarnews.uz” сайти,  
2020 йил 4 июнь

## “АДАБИЁТИ ЖАДИДАИ МУСТАҚБАЛАМИЗГА... ЁДКОРИ ХАЙР”

*Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудига 145 йил тўлди*

Бугунги дориламон кунларда “Адабиёт яшаса – миллат яшар” деган фикр кўпчиликнинг тилига тушиб, дилига жо бўлиб, ихлосманд китобхонлар сафини кенгайтирмоқда. XX аср бошларида эса ёш адибларни муносиб тарбиялаб, уларнинг қўлидаги қаламни чархлаш, адабий асарлар яратиб, улар орқали ўзликни англашга ва оқибат халқни маърифат, маърифат воситасида эса ҳурриятга чорлаш жадидларнинг эзгу орзузи эди.

Адабиётшунослар томонидан жадид боболар карvonбошиси, миллат озодлиги йўлида жонини қурбон қилган арбоб, ҳуррият қўйида ноширу муҳаррир, оддий муаллимликдан-да қайтмаган, беназир адаб Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Падарқуш” асари билан жадид драматургияси асосчиси сифатида қабул қилинди. Мазкур драма ва унинг саҳнага қўйилиши, одамлар онига таъсири, унинг тарихий аҳамияти борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди, мазмун-моҳияти очиб берилди.

“Ҳикоят ва ёинки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб (*таъсирланиб* – **Х.С.**), лаззат олинадур. Аммо теётрға маҳсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири

эшиткандан зиёдадур”. (*Маҳмудхўжа Беҳбудий. “Теётп наdur”// “Ойина” журнали, 1914 йил, 29-сон*).

Мутахассислар Беҳбудийнинг бу фикридан, одатда, драматургиянинг аҳамиятини тушунтиришда фойдаланадилар. Бироқ иқтибосдаги “таъсири эшиткандан зиёда”лиги сабаб биринчи гап доим иккинчи планда қолиб кетади. Биринчи гапни эътибор билан ўқиймиз: “Ҳикоят ва ёинки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодиса баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб, лаззат олинадур”. Яъни, ҳикоянинг ўзига хослиги шундаки, уни ўқигандана инсон таъсиранади, лаззат олади.

Фикримизча, ўзбек ҳикоячилиги йўналишини белгилашда ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий илк машқи билан ёш адилларга намуна бўлгани, уларга мурожаат қилгани юқорида келтирилган иқтибосдаги ҳикоят изоҳи каби иккинчи планда қолиб кетганига тарих гувоҳлик бермоқда.

Беҳбудийнинг мазкур ҳикояси “Оқ елпоғичли чинли хотун” деб номланади. Адид унга “Тасодиф” деган кириш сўзи ва сўнгсўз ўрнида “Интиҳо” деб номланган изоҳ ёзган. Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти билан шуғулланниб, унинг мақолаларидан озодликка эришиш ғояларини, аниқроғи, жиддий сиёсий даъвату ҳаракатларни аниқлаб, таъқиб ва таҳқирларга қарамасдан курашгани, ҳаётининг аянчли якунидан қайғуга тушиб юрган кезларимизда эски газета тахламларидан (ТВГ, 1909 йил, 12-сон) шу ажаб асарга, бизнинг наздимизда, Беҳбудийга хос бўлмаган фаолиятга дуч келиб, ҳайратда қолгандик. Ўшанда адабиёт таратадиган нурафшон рух, ато этадиган бетакрор лаззатни туйганмиз. Асарни сиз билан бирга яна бир бор ўқигимиз келди.

Ҳикоя воқеа гувоҳи – ёзувчини таништиришдан бошланади.

*“Сунгий мамлакати аҳолисидан Чунғичин ном зот бир адаб бор эди. Бу олами фаноға инонмас ва ҳар замон андин пирвоз ва риҳлат этмоққа толиблик қўлидин келмас эди. Они учун, жонини овунтирмоқ учун хаёлилар фикр ва бефикрға хотир эткувчи ишларға ружсуз этмоқ-ла ўзига тасалли берарди. Вафотидан сўнгра дунёни некбаҳт ва маҳсудларидан ҳисобланди”.*

Шу бир хатбошида муаллиф файласуф-қаҳрамоннинг дунёқарashi, таъбир жоиз бўлса, тириклика муносабати, яшашдан мақсадини тасвирламоқда. Яъни “олами фаноға инонмас” ва шу билан бирга уни ташлаб ҳам кета олмас, лекин бу дунё синоатларини тафаккур қилиб, “ўзига тасалли берарди”. Билмаганларини ўрганиб, шундай мавқе-га эришдики, вафотидан кейин бахтиёр ва ҳавас қилса арзийдиган инсонлар қаторида тарихда қолди.

Асарнинг иккинчи хатбошисида Чунғичин Хитой бўйлаб саёҳатларидан бирида дуч келган манзара тасвирига эътибор беринг.

*“Ҳаво тоғининг этакларинда кезар экан, бирдан ўзини мозористонда қўрди. Оҳ, мозористон – минг-минг номунтазам тепачалар садо ва ни-додин холи маҳсус замини маъволар. У тепалар остинда чор ва ночор инсонлар ётарлар эди. Уфқи жадид сари тамоман муштағил (банд – ҳикоя матнида учрайдиган қавс ичидаги изоҳлар мақола муаллифиники) қабрларни қўрар-қўрмаз сайёҳ шу фикрға ботди. Афсус, бутун тириклик ҳаёт йўлини(нг) охир келиб етган жойи будур. Бу иқоматга мавт (ўлим) ва манзилга хомушона (жим) бир*

кирилдими яна қайтмоқ мумкин йўқ. Боқ хотимаи ҳаёт на ўлди? Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаёт, ки шуълаи шамс ила мунаввар, ҳавои соф ила иҳотадур. Чин файласуфи бу фикрларға сирона қабрға-да юрар экан, либоси мотам киймиш ёш бир хотунға рост келди. Бу хотун янгидан тепаланган бир қабр каноринда ўлтурууб, қўлинда елтоғичи лукурни елтийур ва ҳам доимий елтийур”.

Қабристон тасвирлари, тириклик ва охират фалсафаси билан бошланган воқеалар кетма-кетлиги файласуфни ва табиийки, ўқувчини кутилмаган ҳолат, ажабланарли манзарага дуч қиласди. Янги қабрни елтиётган жувон! Тириклигидаги ўша яқинига яхшилик қила олмаган ёки жуда яхши кўрган кишиси – мархумга ором баҳш этмоқдами? Эҳтиром кўрсатмоқдами? Йўғ-э, бунчаликмасдир? Бу каби саволлар ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундаса-да, ҳикоя давомини ўқишга шоштиради...

“Бу қадар ажис бир ҳаракат сабабини англамоқ шавқина тушуб, сайёҳ ёш бонуға одоб-ла салом берди.

– Хоним, о, бу мозорға ётган кимдур, на учун шу туфроқни муттасил елпимак заҳматиға гирифтурсиз, сўрамоғим мумкинму? Мани файласуфим ҳар иш сабабини билмоқчи, аммо сизнинг бу амалингиз асло иҳота тафаккуримға кирмайдур, – деди.

Бечора хотун елтоғични елинмоқда муттасил ло-йан қатъи давом этарди. Хотун қизарди, бўзарди, бошини олдингга энкди. Файласуф бехуда ерға саволини тақрор айтди. Мотамкаш хотундан жасавоб эшилмади ва асло қулоқ бермай жонининг бор қуввати-ла елтоғични ҳаракатга келтурууб турар эди”.

Ҳар бир воқеа моҳиятини англашга иштиёқ-манд файласуф саволлари ва жавоб ўрнида мотамдаги жувон ҳаракатлари тасвири жумбоқнинг ечимини излашга талпинтиради ўқувчини...

*“Чунғичин у маҳалдин мутаассуфона айрилди. Хотуннинг иллат ва сабаб ҳаракатини билмай орзусидин ҳамда шиддатлик орзусидин ўзини сахлаб билмоқ эди. Шабпаррак қаноти каби мутавалли ҳаракатланиб турмиш еллоғичга ҳар замон дўнуб энг чуқур ва мутаҳаййирона бир фикр ила боқиб бечора файласуф асло бир шай англамайур эди. Аснои таҳаййурда муқобилинда бир аъжуза чиқиб файласуфни бир қабр канориға имлаб, шу сўзларни сўйлади: “Эшиитдимки, хонумдин савол сўрдингиз, аммо жавоб ололмадингиз. Ман орзунгизни дафъ этарман. Аммо муқобили умид айларманки, сиз ҳам манга бир неча тул берсангизки, бориб умрумни узун бўлиши учун доуохонлардин бир тумори сеҳрангиз олайин”. Чунғичин киссасидин оқча чиқарди ва аъжуза хотун ҳам бу можарони сўйлади...”*

Тиланчи сўзлашидан аввал диққатингизни бошқа жиҳатга қаратмоқчимиз. Биринчиси, ҳикоянинг аввалида шундай фикр бор эди: “Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаёт, ки шуълаи шамс ила мунаvvар, ҳавои соф ила иҳотадур”. Бир қарашда агар матндан шу икки гапни чиқариб ташласангиз ҳикоя мазмуни мутлақо ўзгармайди. Қайта ўқиб кўринг, бу гапларсиз матн силлиқлашгандек кўринади. Унда бу жумлалар нега матнга киритилган?.. Фикримизча, бунинг тарихи бор. Мазкур ҳикоя 1909 йил аввалида ёзилган. Бундан бир неча ой илгари, аниқроғи, 1908 йилнинг 30 ноябрида “Туркистон вилояти-

нинг газети”да Беҳбудийнинг “Таърих ва жуғрофия” сарлавҳали мақоласи чоп этилади. Машълумки, “ТВГ” Туркистон генерал-губернаторига қарашли бўлиб, унинг асосий мақсади оқпошшо сиёсатини юритиш борасида маҳаллий ҳокиму қозиларга мўлжалланган. Беҳбудий атай ўзбек зиёлиларигина тушуниши мумкин бўлган мураккаб тилда ёзган ушбу мақоласи моҳиятини тилимиз ва динимизни яхши билган маккор миссионер, газета муҳаррири Н.Остроумов ҳам англамай қолади. Катта шов-шувга сабаб бўлган бу публицистик асарни Чор “Охранка”си рус тилига таржима қилдиради (Ўзбекистон Марказий давлат архиви, ф. 46, 1-тавсиф, 942-иш). Тахдиллар шуни кўрсатдики, ҳукмрон мустамлакачи вакиллари муаллифдан тавба тариқасида изоҳ ёзиши талаб қиласан. Қисқаси, Беҳбудий миллат таназзули ҳақида сўз айтиб тазиикقا учрайди. “Охранка”нинг “панисломист”лар рўйхатига киритилади. Икки ҳафта ўтгач, яна шу газетада унинг изоҳга ҳожати бўлмаган мақоласига ўзи “Тавзех” (изоҳ) ёзади. Тўғрироғи, “тавба” ёзишга маҳкум қилинади. Шунда у адабиётга эътибор бериш кераклиги, бадиий асар қатига озодлик ғояларини сингдириш зарурлигиниenglаб етади. Ҳуррият истаган, лекин бу ниятини очиқ айтиб, балога қолган муаллифнинг ночорлик исканжасидаги тушкун кайфиятини ҳисобга олсангиз, бу ҳикоянинг юқорида ажратиб кўрсатилган “бегона гапи”дан ўзгача хулосалар чиқаришингиз табиий. Бироқ сиз учун ҳозир тиланчи хотин сўзламоқчи бўлган “можаро” қизиқроқ эканлигини сезиб турибмиз...

“Қабр каноринда кўрганингиз шу хотун Луисмлик хонимдур. Узун бир беморликдин ўлмиш

Тоъзу номинда бир адабни(нг) беваси ва у қабр ўлган эрининг қабридур. Эр ва хотун яки дигарини шиддатлик бир ишқ ва муҳаббат ила севарларди. Ҳатто, охирги нафасинда Тоъзу хотунидин айрилмоқ кулфатидин шикоят этар, гўзал бу хотинини ҳануз баҳор ҳаёт ва ҳуснини ситоратлик замонда ташлаб кетмоқ дарди фикриға сўзан урадди. Лекин на чора, муқтазий қадарга тобеъ бўлди, бошқа илож ўйқ.

Беморлик ҳолида Лу хоним хаста Тоъунинг бошидан ҳеч айрилмас, эридин сўнгра дунёга тирик қолмасликни ва болин ҳаётға иштирокидек қарорға, мамотға ҳам шерик бўлушкини аҳд ила баён айлади. Лекин Тоъзу мунга жавобан: “Зинҳор, хоним, буйла аҳд ва ямин айтмангиз”, дер эди. Хотун: “Агарда сиздин сўнгра чирклиқ балосига гирифтор бўлуб, қўзларингиз юмулганидан сўнгра шу зиёни офтобни кўрмоқға мажбур бўлсам, яхши билинг, ки бошқа бировнинг хотуни бўлмоқға асло рўйи ризо кўрсатмайман”, деб жавобини берди.

Тоъзу: “Хоним бону, зинҳор бу фикрдан воз кечинг”, дерди.

Тоъзу хоним: “Эй Тоъзу, қўйингиз, асру (ортик) айтмангиз, бори беш санағача уйланмасликка аҳд этойин”.

Лекин бу сафар дея Тоъзу: “Бону, бундай аҳд этманг, фақат мозорим устидаки туфроқ қуригунча қадар мани унумасликка аҳд этсангиз кифоя...”

Сиртдан қарагандя ҳикояни шу жойида тугатиш ҳам мумкин эди. “Ўлсанг, мен ҳам бу ҳаётни тарк этаман”, дея онт ичган ёш жувоннинг бесабрлигидан мутаассир бўлиб тугатардик ҳикояхонликни. Унда Беҳбудий таърифидаги ҳикояни ўқигандаги таъсирланиш билан бирга келадиган

лаззатланиш қаёнда қолади? Бу ҳисни ҳикоя давомидаги тасвиридан оласиз.

*“Лу хоним муни учун маҳкам аҳд этди. Тоъу иккинчи очмаслик учун кўзини юмди. Бону қадаридин девона каби бўлди. Хумор ва хитойи кўзларидин думуъ (кўз ёшли) оташин шашқатор жорий, хумои (иситма, касаллик) шадид маҳдумлари каби ўзини шаш жиҳата этарди бедард-бедаво.*

*Дунё одати узра ҳар шай кечар. Бу сил ғамум ва барои ҳужумда кечди-кетди. Оҳ-нолалар кечмас, фақат келмасун – Тоъунинг вафотидин уч кун сўнгра Лу хонимнинг кўзи бир маъқул сифатга кирди. Шуйлаки эрини шогирдларидин бир жавон (ёш ийгит) таъзиятга келди. Қадрдон шогирдни оҳ ва оҳ ила қабул этди. Бу жавон ниҳоят музайян (безанган) бир чехра соҳиби эди. Аснои муколамада бир оз Тоъудин ва қўброқ бонудин баҳс этди. Беканинг латофати андомидин, гўзаллигидин ва зиёдаси-ла хушлаганидин баён этди. Хоним ҳам андин мамнун ва рози қолди. Жавон шогирд яна келишини ваъда ила видоъ этди.*

*Бир видоъи умидворий...*

Тириклиқ, ўлим, жувоннинг девонасифат аҳволи ва уч кун ўтгач (мотам муддати) шогирднинг, балки ҳаётнинг ширинлиги тасвиридан сиз ҳам лаззат олдингиз. Тоъунинг “мозорим устида-ки туфроқ қуригунча” мени унутма деганию “бир видоъи умидворий...” қабрни елпиётган жувон ниятини англатса-да, ҳикояни Беҳбудий бошқа бир кульминация билан яқунлайди. Ҳикоянинг давомини ўқинг-да, охирги гапга эътибор бе-ринг:

*“Содик ул-ваъда Лу хоним у ваъдаларға интизоран, кўрганингиз, қабр устиға келди. Кунларни*

*елтоғич шамоли-ла эри қабрининг туфроғини қурутуб аҳд этмоқға вақғ этар...”*

Кампир ҳикояни битирар-битирмас файласу-фингиз шу фикрға ботди. Умр қисқа, ёшлик ширин, ёш хотун ва эрларни завқ ҳаволарға учирар. Ҳар ҳолда Лу хоним солиҳа бир хотун әмишики, аҳдини паймол этмак истамаз”.

Гўзал ҳикоя! Шарқона якун. Унга ўзингиз ҳам баҳо бера бошладингиз...

Беҳбудийни идеалист дегувчилар ушбу асар орқали одамзоднинг реал ҳаётдаги эҳтиёжлари ёритилганлигини англагандирлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаётда прагматик бўлган. Бунинг исботини ушбу ҳикоя остидаги “Интиҳо” деб аталган сўнгсўзда (балки мурожаатдир) кўриш мумкин. “Интиҳо”да Беҳбудий ҳикояни шеърга айлантириш учун шоир Сайрийга мурожаат қилган бўла-са-да, унда жадид адабиёти йўналиши қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз фикрини билдиради.

*“Эй қори, ҳикоянинг ҳосили мундин иборатдур. Адабиёти жадидаи мустақбала (келажак замон) мизға рақамидин ёдкори хайр илтифотиға етса, хўжанди шоир муҳтарам Сайрий афандиға бир тухфадур. Мутолаасиға танзил буюрсалар, шоядки, риштаи назма чекилса, бизу сиздин бир хотираи мустақбала қолурди”.*

Беҳбудий ҳикояга ёзган “Тасодиф” деб номланган кириш сўзида ўғли Масъудхўжа билан турли дарсликлар ва бошқа бадиий адабиётлар мутолаа қилаётганда ушбу воқеага дуч келганини айтади. Атоқли адабиётшунос олим Бегали Қосимов ана шу фикрларга асосан “Беҳбудий асли хитой адабиётидан олинган ушбу ҳикояни ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлади”,

деб ёзади. Шундан бўлса керак, асар жадид ҳикоя-чилигига асосий ўринда тилга олинмайди. Ҳолбуки, хорижий эллар, элатларни тасвирлаш усулидан жадидлар кўп бора фойдаланишган. Масалан, Фитратнинг “Сайёҳи ҳинди” асари фикримизга далил бўла олади.

Мутолаамизга хулоса тариқасида айтишимиз мумкинки, фикримизча, Беҳбудийнинг “Оқ ел-поғичли чинли хотун” ҳикояси жадид ҳикоячилигининг бошланишидир.

**Ҳалим САИДОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 6 июнь, 60–61-сон*

## БЕШ ЮЛДУЗДАЙ СЕРҚИРРА ИНСОН

Эътибор берганмисиз: кейинги пайтларда биз, ижодкорлар қардошлиқ, халқлар дўстлиги, байналмилалчилик ҳақида жуда кам қалам тебратадиган бўлдик. Авлод-аждодларимиз, миллатимизни улуғлашга келганда эса анча сўзамолмиз. Ваҳоланки, миллатимиз, оиласизни ўзимиз эмас, ўзгалар таърифласа, ярашиқ бўлур эди. Боболаримиз биздан кўра байналмилалроқ бўлишган: улар жаҳон бозорларида туркий, форсий, арабийда эркин гаплашишган.

Зеро, у замонларда “миллат”, деган тушунчанинг ўзи бўлмаган.

Миллий ғурур – нормал ҳолат, аммо у миллий маҳдудликка айланса ва олди олинмаса, хунрезликлар содир бўлишига кўп бор гувоҳ бўлдик. Ваҳоланки, бизнинг жами тоат-ибодатларимиз инсоннинг бир томчи қонига арзимайди.

Бизнинг авлод икки аср ва икки тузумнинг гувоҳи бўлди. Аммо ҳар қандай вақт ва тузум чорчўбасида ҳам инсон инсоннинг меҳр-муҳаббатига муҳтоҷ бўлиб яшашига; ҳар қандай миллатчилик, маҳаллийчилик, ирқчилик ожизлик аломати эканлигига; киши ақлли бўлиб боргани сари одамларнинг бу хислатларини кўпроқ илғаши, қадрлашига; ҳамма нарсага ақли етадиган киши ҳамма нарсани кечиришига қодир эканлигига; адолат, эзгулик, яхшиликнинг боқийлигига иймон келтирдим.

Қалам соҳибига ҳеч қайси тузум ва замонда осон бўлмаган. Бугунги кунда ҳам журналистлар-

нинг қамоққа олинаётганлиги, оловли нуқталарда у ёки бу томоннинг ўқига нишон бўлаётганлиги менинг ҳам юрагимни яралайди, албатта.

Маълумингизки, сўнгги йилларда журналистикамизнинг тамал тошини қўйган, “Самарқанд” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасининг ташкilotчиси ва биринчи муҳаррири Маҳмудхўжа Беҳбудийга бағишлаб китоб ёздим ва асар бу йил нашрдан чиқди. У кишининг ҳаётини ўрганиш жараёнида шу ҳақиқатга гувоҳ бўлдимки, Беҳбудий ҳазратлари инсонни фақат зиёгагина эмас, Худога ҳам яқинлаштирадиган, том маънодаги назаркарда киши бўлган. Худди беш юлдуздай бағоят серқирра бу довюрак инсоннинг сиёсий қарашлари илк бор “Зарафшон” газетасида эълон қилинди. Жумладан, тақсирнинг Россия императори олдига қўйган талабларини ўқисангиз, у киши мустақиллигимизнинг илк яловбардорларидан бири эканлигига тағин бир бор ишонч ҳосил қиласиз:

- \* Туркистон халқи ҳар ҳукуқда русийлар ила баробар бўлмоқ (бўлмоғи керак);
- \* Государский думага Туркистондан вакил олмоқ;
- \* Россия ўрта ва олий мактаблариға Туркистон мусулмонларидан кирмоқ учун тадбир жорий қилмоқ ва анда дини ислом ва адабиёти маҳалия муаллимлари тайин қилмоқ;
- \* Забт бўлган авқофларни (бойликларни) қайтармоқ (керак);
- \* Зироат, саноат ва тижорат мактаблари очилиб, мусулмонларға қулай тариқинда вазъи программи ва ўзга шунга ўхшаш диний ва замоний ва мулкий эҳтиёжлар ... илиа ёзмоқ (керак);

\* Идораи руҳония ва шуъбаларининг таҳрироти ҳукумат маҳкамалари илан русча ва аҳоли, қуззот ҳам вўлостной управителлар илан ўзбекча бўлса (бўлиши) керак.

У кишидан кейинги юз йиллар давомида Москвага ҳеч ким бундай талаб билан чиқмади ва чиқолмасди ҳам.

**Нусрат РАҲМАТ,**  
*Ўзбекистонда хизмат қўрсатган*  
*журналист*

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 6 июнь, 63-сон*

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## **БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ИЛК СТИПЕНДИЯ**

Талабалигимида университетнинг турли йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун номдор стипендиялар мавжуд эди. Яхши ўқийдиган, фаол талабаларни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, янам юқорироқ марраларни забт этиши учун ташкил этилган бундай стипендиялар талабалар учун ўзига хос мотивация вазифасини ўтайди. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультети қошида ташкил этилган журналистика бўлимнинг биз каби талабалари ўша пайтлар номдор стипендия учун ҳаракатларимиз бесамар кетарди. Сабаби, бўлғуси филолог мутахассислар учун Алишер Навоий номидаги стипендия ташкил қилинган бўлиб, асосий даъвогарлар ҳам ушбу факультетда таҳсил олаётган талабалар эди. Наинки, биз, бир бўлим талабалари, ҳатто ўша пайтлар Ўзбекистон Миллий университетидаги журналистика факультети, кейинчалик пойтахтдаги Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари ҳам фақатгина Президент стипендианти бўлиш имконига эга эди, холос.

Ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаларининг ютуқ ва муваффақиятларини кузатиб турибмиз. Аммо уларнинг иқтидорли талабалари учун бундай имконият йўқ эди. Ваҳоланки, турли йўналишларда таҳсил олаётган талабалар учун Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Беруний, Алишер На-

вой номидаги ва бошқа стипендиялар ташкил этилган.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз соҳа ходимларига йўллаган табригида айнан шу масала тилга олинди. Эндиликда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талabalari учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги стипендия таъсис этилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий нафақат Самарқанд, балки мамлакатимиз миёсида журналистикага тамал тоши қўйган маърифатпарвар боболаримиздан биридир. “Зарафшон” газетаси тарихи ҳам бевосита Беҳбудий номи билан боғлангани учун ушбу янгилик биз, соҳа эгаларини яна бир карра кувонтирди.

**Гулруҳ МўМИНОВА,**  
“Йилнинг энг фаол журналисти”  
республика танлови ғолиби

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 30 июнь, 71-сон

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА МАОРИФ

Жадидчилик ҳаракатининг сарвари Маҳмудхўжа Беҳбудий замон ва макон хошиш-иродаси ва талаби билан маънавият саҳнасига чиққан ва ўчмас из қолдирган сиймодир. У ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракатларида фаол қатнашган йирик намояндаси, янги замон ўзбек адабиётининг асосчилариданdir.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида дунёга келган. Отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли туркистонлик, она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, 1880 йилларда Самарқандга келишган.

Ўтган аср бошларида замонавий мактаб ғояларини тарғиб қилиш, кенг омма олдига олиб чиқиш анчайин мушкул замонда Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари жадидларимиз ўз ҳисобларидан мактаблар очди. Ёш авлодни саводли қилиш, ҳақ-хуқуқларини билиш, дунё ҳамжамияти саҳнасига олиб чиқиш йўлида хизмат қилди.

Айтишларича, кўҳна Самарқанднинг Намозгоҳ жомеъ масжиди атрофида Маҳмудхўжа Беҳбудий аждодларига қарашли кенг ва обод боғ бўлган. Катта худуддаги олмазор ва токзорга, албатта, Самарқанднинг иқлими ижобий таъсир кўрсатган. Боғдан келган даромадни Маҳмудхўжа самарқандлик болалар учун дарсликлар олиш, янги мактаб қурилиши ва зарур жиҳозлар

билин таъминлаш учун сарф қилган. “Усули жадид”, “Усули савтия” номлари билан шухрат топган мактаблар учун адабиёт, жуғрофия, ислом тарихи каби дарсликлар ёзган.

Мактабларда шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Замон талабига мос равища Туркистон мусулмонларининг шаъну шарафини ҳимоя қилдилар. Ўша таҳликали замонда Маҳмудхўжа Беҳбудий ёзади: “Янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўқилатурғон мактабларни маънан тафтиш этиш, андаги нуқсонларни баён этмоқ танқиддир. Тааруз (хужум) ва душманлик эмас, агарда шахсиятга тўқунмаса...”

Тарихдан маълумки, босқинчи томон маълум бир ҳудудни босиб олиш, ҳукмронлик қилиш, бойлигини талаш учун аввал шу ҳудуддаги илмли, миллий тараққиётни ўйлайдиган кишиларни йўқ қилган. XX аср охирларида, хусусан, 1868 йилда Самарқандга ҳам ҳужум қилган рус қўмондонларининг асосий мақсадлари маҳаллий халқни талашдан иборат бўлган. Бунинг учун эса халқнинг тилини, тарихини, динини йўқотишга ҳаракат қилинган. Сохта ваъдалар, сохта пуллар, сохта амаллар орқали халқни алдаб ўз ҳудудлари ни кенгайтиришган. Маҳаллий халқ замонавий ва мустаҳкам қуролланган рус қўшинларига қарши кетмон, белкурак, шу билан бирга мустаҳкам ирода, ғанимларга қарши буюк нафрат билан курашга отланишган. Бундай тўқнашувнинг оқибатини олдиндан сеза олган Маҳмудхўжа Беҳбудий “мактабларда ўқитуладирғон китоблар”ни маънан тафтиш қилди.

Минглаб йиллардан бери ўз турмуш тарзи, маданияти, миллий-урф одатларига эга бўлган халқни “маданийлаштириш” учун янги “туземний” мактаблар очилди. Бошқача таҳсил олишни хоҳловчи ўқувчилар онгига янги усуслаги диний ва дунёвий билимлар сингдирила бошланди. Мактаб ва ўқувчилар тақдирни келажакда “некбахтлик” ва “гўзал амаллар” ваъда берадиган миссионерлар қўлига топширилди.

“Бу мактабларга зоҳиран мусулмон муаллими тайин етиб, анга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулга ҳеч муқтадир киши муаллимлик қилмас эди. Дигар тарафдан хуфия приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоғга ва бақадриимкон амрини зоих ва ўзини ҳайвон қилмоқча фармойиш қиласидилар”, деб куйиниб ёзади Махмудхўжа Беҳбудий.

XX аср охирида бир ҳисори қўйнинг нархи 20-30 сўм, бир кийимлик “ипаклик атлас аълолари” 2 сўмдан 30 сўмгача бўлганини ҳисобга олсан, муаллимларга берилаётган ойлик тайнилари маълум бўлади.

Россия Муваққат хукуматининг Туркистон комиссари Куропаткиннинг сўзларига кўра, ўлкани қўлдан бермаслик, табиий ва моддий бойликлари тўла хукмрон бўлиш учун бор куч-файратлари ишга солинди. Мустамлакачилар аҳолини 50 йил маърифатдан четда сақлаб келди. Халқ орасида турли ифво тарқатиб, ўзаро бирдамликни бузди. Халқнинг бирлашишига, иттифоқ бўлишига тўсқинлик қилди.

Аср бошида Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида янги мактаблар ташкил топди. Ибрат,

Мунаввар қори, Авлоний, Сўғизода, Саидризо Ализода номлари тилга туша бошлади.

Беҳбудий 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоғида домла Сиддиқий, Ражабамин қишлоғида устоз Шакурий билан ҳамкорликда мактаблар ташкил қиласди. Янги мактаблар учун дунёвий дарслеклар тузишга киришади. 1904 йилда “Рисолай асбои савод”, 1905 йилда “Рисолай жуғрофияи умроний”, “Рисолай жуғрофияи Русий”, 1908 йилда “Китобат-ут атфол”, “Амалиёти ислом”, 1909 йилда “Тарихи Ислом” каби китоблари пайдо бўлади.

1903 йилда Ҳалвойи қишлоғида қурилган мактаб биноси ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Шакурий мактабини эса Беҳбудий 1908 йилда Самарқанддаги ўз ҳовлисиги кўчириб келган.

“Самарқандий Мулло Абдуқодир шаҳардан уч чақирим ташқаридаги ўз ҳовлисида усули жадид мактаби очган эдики, болаларнинг шаҳардан бориб келиши кўп мушкуллиги учун ман, роқими хуруф Маҳмудхўжа муфти жаноб баланд даражалик Самарқанд губернатори ва полицмейстерини олиб бориб, кўрсатиб ва шаҳарга ўз ҳовлимга кўчуриб келдим”, деб ёзади Беҳбудий.

Бу ҳақда ўлкадаги илк “Самарқанд” газетасининг иккинчи сонида мақола чоп этилгандан кейин самарқандлик бойлар Мулло Муҳаммад Раҳимбой, Мулло Жўрабой ва бошқалар маблағ ила қўшиш қиласдилар. Кимдир ақча, кимдир жома...

Маълумки, 1899–1900 йилларда Беҳбудий буоролик зиёли Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. Байтуллога Кавказ, Истанбул, Миср давлатларини зиёрат қилиб боради. Бу сафар ҳижрий

сананинг 1318 йилида бошланган бўлиб, саккиз ой давом этади.

Саёҳат давомида “Қасди сафар” асарларини ёзиб, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иктисодий, маданий ва албатта мактаб ҳаётини ўрганди. Ислоҳ қилиб, янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди.

Айниқса, Европада бошланган ва Россияда давом этган жадидчилик ҳаракатини ўрганиш, Туркистонда ҳам янги йўналишдаги мактаб, маориф, маданиятни тарғиб қилиш мақсадида Исломилбек Гаспирали ишини давом эттиради. 1903–1906 йилларда Москва, Санкт-Петербург, Нижний Новгород, Уфа, Қозон шаҳарларида бўлиб, турмуш ва маданият муаммоларига бағишиланган қурултойда иштирок этади, нутқ сўзлайди.

Ростовда мусулмонларнинг мактаблари фаолиятини ўрганади. Бизда ҳам мактаб фаолиятини такомиллаштириш борасида мақолалар ёzáди. “Мунтазам равишда расадхона, кимёхона, ташрих ва жарроҳи ва ҳикмат хоналари бордур”. Англаш мумкинки, мактабларда диний таълим билан биргалиқда дунёвий илм ҳам берилишига катта эътибор қаратилган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг сафдошлари мамлакат аҳолисини ўқимишли қилиш, ҳақларини таниш, боболардан мерос муқаддас тупроқ душман кўлида топталмаслигини хоҳлади, мард ўғлонлар, дилбар қизлар кўзларида маъюс нигоҳни кўришни истамади. Афсуски, ана шу ҳидояткорона фикрлари ва сўзлари учун хукumatга ёқмади.

1919 йилнинг 25 марта Беҳбудий Қарши чўлларида қўлга олинади. Доимий курашлардан

иборат ҳаёти даҳшатли якун топаётганини сезган Беҳбудий васият ёзади: “Сизларга васият қила-ман. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимлар-нинг бошини силангизлар!”

**Дилафуз РАҲМАТОВА**

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 4 июль, 73-74-сон

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ГЕОГРАФ БЎЛМАГАН, АММО ЎЗИДАН ҚИММАТЛИ ГЕОГРАФИК МЕРОС ҚОЛДИРГАН

Кўпчилик Маҳмудхўжаси Беҳбудийни буюк маърифатпарвар, Туркистондаги жадидчилик ҳаракати йўлбошлиаридан бири, янги мактаб ғояси яратувчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургияси асосчиси, театр саҳналаштирувчиси, биринчи ношир сифатида билади. Лекин Беҳбудийнинг география фанига атаб ёзган буюк илмий мероси ҳам бор. Мазкур мақолада маърифатпарварнинг биззача етиб келган географик мероси ҳақида тўхтамоқчимиз.

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

●

Маҳмудхўжаси Беҳбудий “Рисолаи жуғрофияи Русий” (Россия географияси, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (Аҳоли географиясига кириш, 1905), “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” (Қисқача умумий география, 1906) каби асарларида ўзининг географик қарашларини баён этган. Жумладан, “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” асарининг кириш қисмида ўша давр тарғибот-ташвиқотларини инобатга олган ҳолда асарнинг ижмол (хулоса ва муҳтасар) тафсилотларини туркча, арабий, форсча ва рус тилларидаги луғатлардан тўласинча фойдаланиб, газета, журнал, атлас, харита, глобус ва ер шари ҳақидағи маълумотлар ҳамда рақамли ҳисоботларидан фойдаланилганлигини қайд этади. Унда “Отияга (куйида) – баён бўлган фан ва илм тўғрисида биз ҳануз комил эмас, навқадаммиз”, дейди. Шунинг-

дек “...яна жуғрофияи олам ва аҳволи замон бу олами рўзғорни инқилоби ва улуши асрия фунуна замонияни тараққийси или ҳар он тағёр топадур”, деб камтарлик билан, хокисорона географик олам тўғрисидаги тушунча ва унинг тамойиллари ўзгариб боришини китобхонга етказиб беради.

Беҳбудий “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” асарида “География” атамасига изоҳ бериб: “Жуғрофия” деган сўзнинг маъноси, юонон лугати араби-яча таърифи арз маъносига, яъни ер ва туфроқни баён қиласурғон илмни айтадур”, дейди. Беҳбудий таърифига кўра, география ер шари ва унинг тузилиши (яъни, тупроғи) нимадан иборат эканлигини ўрганувчи фандир. Бугунги кунда “География” сўзи (грекча “гео” – ер ва “графо” – ёзаман, тасвирлаб ёзаман) бирлик сонда ишлатилганлигидан бу сўз биргина фаннинг номини англатар экан, деб тушуниш мумкин. Ҳақиқатда эса бу сўз табиий ва ижтимоий фанларнинг маълум гуруҳини билдиради. Бундан табиий фанлар ер шари юзасидаги табиий ҳодисаларни ўрганса, ижтимоий фанлар турли мамлакатларда кишилик жамиятининг хўжалик фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий: “Жуғрофия илмини неча навъ ҳолда ва баёнлари бўладур. Анга қараб ушбу илмға тейишли баён ва фанлар бир неча исм или аталадур”, дейди. Жумладан, ер шакли (гавда, ҳажм)дан осмон или ер орасидаги хосияти ва осмондаги нимарсалар или инобатни ва ҳаракатидан баён қиласурғон илмни “Жуғрофияи риёзий”, ернинг хосияти, туфроқ паст ва баландлиги, ҳар хил гиёҳ ва конлари, тоғ, дарё, кўл, мижоз ва ҳавосидан қиласурғон илмни “Жуғрофияи табиий” аталадур. Ер юзидаги катта ҳодисалар или уруғ,

хукуматдорлик, хулоса ва бошқа илмни ушбу илмға баён қилиб, жуғрофия калимасини охирiga қўшилишиға тааълуқ илм ва фанни оти қўшиладур”, дейди ва “Жуғрофияи тарихий”, “Жуғрофияи сиёсий”, “Жуғрофияи умроний” ва бошқаларни мисол келтиради.

Уумман, жуғрофия қачон пайдо бўлган? Махмудхўжа Беҳбудий ўз асарларида жуғрофия фанинг пайдо бўлиши ва ривожланишига доир бир қанча маълумотларни келтириб ўтади. Жумладан, унинг ёзишича: “Тарих ва жуғрофия китоблари ёзилибдурки, жуғрофия илми илк маротаба Миср мамлакатига ҳазрат Мусодан илгари фиръавнлар замонида бошланиб, ер, туфроқ, денгизлар борасиға баёнотлар ёзилиб харита – картаға ўхшаш “планлар” ихтиро бўлингандилиги маълум бўладур. Чин мамлакатига ҳам ушбу илм сироят қилиб йу деган подшо Хитой мамлакати хариталарини чиний косалар устига нақш қилдирибдур. Сўнгра ушбу илм юонон ҳалқиға сифат қилиб, алар заминиға ривож топибдур”.

Беҳбудий Арасту, Страбон, Клавдий Птоломей каби олимлар ишларини таҳлил қилиб, уларнинг географик қарашларини ўрганиб чиқади. Жумладан, у: “Искандари Кабир милоддан 350 сана илгари тириклиқ қиласи эди. Ани устоди Арасту ҳоким бу очилган мактаблар тўғрисиға баённомаю китоблар ёзиз, жуғрофия илмига ривож берди. Ушбу ҳоким милоддан 384 сана илгари таваллуд бўлиб эди. Сўнгра Истррабўн (Страбон – қадимги юонон географи ва тарихчиси, 17 китобдан иборат “География” асарининг муаллифи), Батлимус (Птоломей – қадимги юонон мунахжими) деган юонний олимлар жуғрофия ва ҳайъат илмлари тўғрисида

яхши китоблар тасниф қилиб, бу илмларга кўп ривож берубдиirlар. Осмон тўққиздур ва ер атрофиға айланадур, деган киши ушбулар ва низоми маҳдуд эгасидур”, деб ёзади.

Бундан ташқари, Беҳбудий “Хорун ар-Рашид замони 198 санаи ҳижрияға ва андан сўнгра мадрасаларга юноний уламолардан вақтинча мударрис тайинлаб, мусулмон уламолари юнонийча ўқуб сўнгра барча улуши ақлияни юнонияни таҳқиқға бошладилар. Ўшал замонда жуғрофияга тааълуқ “даража ҳисоби”ға амалиёт-ўлчов қилдилар...” деб хулоса қиласи ва жуғрофия, ҳайъат, риёзий, тиб, ҳикмат, кимё, ҳисоб, илми табоқат ул-арзи (ер қатламлари илми)ни мисол келтиради. Жумладан, у 290 тарихи ҳижриятга Абулқосим Абдуллоҳни таърифлаб, “Китоб ал-масолик ва-л-жуғрофия тўғрисида”ги китоби Франса ва Гирмания тилларига таржима бўлганнур”, деб улуғлайди.

У “Мунтаҳаби жуғрофия умумий” асарида буюк географик кашfiётлар даврини таърифланган. Жумладан, “Аввалги замонларга оти эшитилмаган Амриқа (Америка), Пулинизия (Полинезия), Орази Кутбий (Ернинг қутблари) ва минглар ила жазираларни топиб, ҳозирги барча мамлакат ва жазира (орол) ва денгизларни масофати (ўлчови) ила ҳаммаға билинмағи боис бўлдилар. Дунё илми бирдан ривож топди. 898 санаи ҳижрияға фарангি тоифасидан Христофор Колумб деган илми риёзийга доно ва денгиз сафарига моҳир боруб, Амриқа ерларини топди. Ўнланчи аср ҳижрияға Русия одамларидан Ермак деган киши ҳозирги Сибир мамлакатини кашф қилиб, Русия ҳукуматига қўшди. 1741 санаи мелодияға Беринг,

Черикоф деган кемачи капутанлар Шимолий Америкага боруб, Саника деган жазирани топиб, Янги Архангил деган шаҳарни бино қилиб, Беринг бўғозини топдилар. Хулоса, уч-тўрт асрдан бери йилдан-йилга илгари билинмаган ва эшитилмаган жазира мамлакат ва қутблар тарафидаги ерларни аҳволи фарангий-Оврупо уламойи жуғрофийон ва сайёҳларнинг ғайрати илим ёйинки илм аҳлига билинди”, деб Америка ва унга туташ худудларнинг кашф қилинганлигини айтади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз асарларида ўша даврда Европа мамлакатларида география жамиятлари тузилганлиги, унинг аъзолари ва географиянинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичларини ифодалайди. Бундан ташқари, бутун дунёда “География жамияти” ташкилоти тузилганлиги, унинг аъзолари сони ниҳоятда кўп эканлигини, ҳар бир жамият аъзолари географик янгиликларни етказиб туришини изоҳлади.

Беҳбудий “Жуғрофия ўқимоқни нафъи” асарида айнан географ бўлмаса-да география фанини ўқимоқнинг фойдасини, география ва унинг илмларини кўп ва хўп улуғлади. Бу борада “одам боласини қанча илми зиёда бўлса, дунё, тарих, жуғрофия илмидан хабари бўлса, шунча яхшидур. Бу илм одамға бутун дунёни ва кўп нимарсаларни билдирадур. Дунё одамларини дин ва мазҳаби, тириклик ва рафтори, тараққий ё таназзул сабаби, яхши ва ёмонликлари, мамлакатларни тинч ва осойиш ё зулм ва жаврға турғони, хулоса бутун аҳволи дунёни, подшоларни қуввати, давлати, одамларни одати, ер юзини аҳволини билдира-турғон ушбу илмдур”, деб одамларни географияни ўқишига даъват этади.

Бундан ташқари, ер юзида одамларнинг жуғрофия илмига қизиқиши, фақат туркистонийлар бу илмдан бебаҳра эканидан афсусланиб, сувда сузувчи пароход, поездлар, самолёт орқали узоқ йўлларнинг яқин бўлгани ва бошқа янги географик кашфиётлар бўлаётганини айтиб ўтади.

Беҳбудий табиатдаги циклли ва ритмик ҳодисаларни, яъни ернинг ўз ўқи ва қуёш атрофидаги ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган географик ҳодисаларни қуийдагича таърифлайди: “Ёйинки ерни ўртаси хатти истивора (қиём, туш вақти), кеча ва кундуз доим баробар бўлган сувратга, бизни Туркистонға на учун гоҳ узун ва қисқа бўлуб, куннимиз 9 или 15 соат орасиға юрадур? Ҳар қанча ерни(нг) шимол ё жанубидаги чет (кутб)ларига қараб борилса, кун ва ётун улайдур. Қутблар тарафиға бир-икки, ҳатто, 6 ойгача кун ботмайдур. Петурбург шаҳрига қиш олти соат, ёз 19 соат кундуз бўлиб турадур (бу ерда М.Беҳбудий қутб куни ва тунини назарда тутган – муал.), сабаби нима деб, бир киши сўраса ёйинки бир ой кун ботмайдурғон жойға мусурмонни ибодатлари ва амри наҳийни қандай баржой келтуруладур? Ёйинки на учун кеча ва кундузни(нг) фарқи ер или осмончадур? Ҳар шаҳарни(нг) тул ва ғуруби (кун чиқиши ва унинг ботиши назарда тутилмоқда – муал.) ва учун олдин ва кейиндор деб сўралса, бизлар, хусусан, уламомиз на жавоб берармиз? Билмаймиз, ёйинки “ундай бўлмаса керак”дан бошқа жавоб айттолмасак керак. Бу саволларга жуғрофия ўқимагунча жавоб бериб бўлмайдур ва жуғрофия илми жавоб берадур”. Шу холосаси билан Беҳбудий географияни билишнинг афзалликлари нимада эканини айтиб ўтади.

Буюк маърифатпарвар ер айланганда нега устидагиларининг йиқилмаслигини “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” асарида турли табиий географик ҳодисаларга боғлаб ифода этади. Ер ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа қараб айланишими ва сутка деб аталадиган давр давомида бир марта айланниб чиқишини таъкидлайди.

Атроф жиҳоти аслия (асл томонлар), харита, план. Маҳмудхўжа Беҳбудий географик асарларида бу борада ҳам дадил фикрлар беради: “Кутб шимолий юлдизи, яъни Темур қозиқ тарафи “шимол” жиҳади ҳисобланадур. Ани ўнг тарафимизга олиб, кунботишга қараганда, юзимиз “ғарб”, орқамиз “шарқ”, чап қўлимиз “жануб” тарафлариға бўладур. Қибланома (компас) деган асбоб шимол тарафини кўрсатадурки, андан иқлим ва мавзенга қараб қибла тарафи тахмин қилинадур”.

Беҳбудий горизонт томонларини изоҳлар экан, уларни “жиҳоти аслия” деб атайди. Унинг айтишича, “харита ёки планга қараганда бирор одамни(нг) кўзини юқориси шимол, қуи тарафи жануб, ўнги шарқ ва сўли ғарбдур”. Бундан ташқари, у горизонтнинг оралиқ томонларини ҳам ўзгача эътироф этади: “Бу тўрт жиҳати аслия аролалариға яна тўрт жиҳоти фаръийя (иккинчи даражали) борки, тўрт жиҳотни(нг) кунжи ҳукмиғадур. Шарқи-шимолий, ғарби-шимолий, шарқи-жанубий, ғарби-жанубий деб аталадур”.

У дунё карталарини тузиш, уларнинг пайдо бўлиши ва ясалиши тўғрисида ўз илмий қарашларини ифода этиб: “Бизни(нг) фикр ақлимизга сифмайдурғон ер юзи шаклини бир тахта қоғоз устига нақш қилибдурлар, деган ҳолға ушбу катта дунёни қандай бир тарроҳ (тархини чизувчи),

аққос (акс эттирувчи, фотограф), планчи юруб неча муддатга нақшасини (тасвирини) олди, деган савол келадур. Бир аққос, бир планчи эмас, минг-минг устозлар, сайёҳлар, муҳандислар дунё юзига аввалдан, хусусан, беш юз йилдан бери пайдар-пай, доим юруб, ўлчаб, ёзиб оҳиста-оҳиста ҳозирги мартабасиға жўғрофия илмини ва дунё нақшасини келтурдилар”, дейди.

Ундан ташқари, Маҳмудхўжа Беҳбудий дунё океани, материк, қитъалар, орол ва яримороллар карталарининг яратилиши ва ундаги ўлчов ишлари, яъни масштаб ҳақида қуидагича ёзади: “Аммо катта бир қитъа ёйинки бир ботмон ерни(нг) бир тахта қоғоз устиға планини кўрсатмоқ тариқаси тузурки, масалан, бир ерни(нг) узунлиги 60 сажин, эни 40 сажин экан. Ушбу тул ва арз масофаларини бир варақ қоғоз устига 60 сажин ўрнига 60 нуқта масофатини кўрсатган ила фаҳмламоғи “тарсим” (расм) қилинмоғи мумкиндур. Ҳар бир план, харита устиға бир неча сифр ва рақамлар борки, “миқёс” (масштаб) аталадурки, ўшал харитадаги мамлакатни асл вусъатидан ушбу харита қанча маротаба кичикилигини билдирадур. Чунончи, бир жойни турли юз чақирим экан, қоғоз устиға бир вертўқ хат узунлиги бор ва харита охириға “бир вертўқ юз чақиридур”, деган ишора ва миқёс бордур. Яна муфассал харита, планлар бордурки, тоғларини баландлиги, тошларини хосияти, ҳайъати, нахрларини(нг) чуқурлиги, балиғларини(нг) камаригача кўрсатадур”, деб тоғ ва текисликларнинг баландлиги, тоғ тош қатламларининг хусусияти, океан ва дengизларнинг чуқурлиги, чўқмалар тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилишини айтиб ўтади.

Мақоламиз бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий-нинг географ олим эмаслигини таъкидлаб ўтган эдик. Лекин биз, Самарқанд давлат университети олимларининг маърифатпарвар ёзиб қолдирган илмий меросини ўрганишимиз ва таҳлил қилишимиз жараёнида унинг географик қарашлари нечоғлик кенг ва серқирра бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Қолаверса, ушбу мақоламизда Беҳбудий-нинг географик меросининг бир қисминигина таҳлил қилдик, холос. Чунончи, мутафаккирнинг ёзиб қолдирган асарларини ўқиган киши ўнлаб илмий рисола ва монографиялар ёзиши муқаррар.

**Субҳон АББОСОВ,**  
*география фанлари доктори, профессор*

**Бахтиёр МЕЛИЕВ,**  
*география фанлари номзоди, доцент*

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 29 август, 95–96-сон;  
тўлиқ матни – “Zarnews.uz” сайти,  
2020 йил 16 август*

## ТЕАТРДА МАЪРИФАТПАРВАР АЖДОДИМИЗ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида маърифатпарвар жадид Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фаолияти, ижоди ва саҳналаштирган асарлари тарихи акс этган музей ташкил этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган онлайн конференцияда бу йил мамлакатимизда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланаётгани халқимиз ва давлатимизнинг буюк маърифатпарвар бобомиз маънавий меросини ўрганиш, кенг тарғиб этишга хизмат қилиши таъкидланди.

– Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси билан театримизга тамал тоши қўйилганидан фахрланамиз, – дейди театр рассоми Баҳром Сафоев. – Қайси вилоятга бормайлик, Самарқанд театри, ижодий муҳити, албатта, бобомиз номи билан бирга эътироф этилади. Қувонарлиси, театримизнинг ёш режиссёри Мурод Турдиев томонидан “Дебют” фестивали учун 1914 йилда саҳналаштирилган “Падаркуш” драмаси эндилиқда қайта намойиш этилмоқда. Тўғри, ушбу асар республикамизнинг аксарият театрларида талқин этилган, аммо ёш режиссёр мазкур спектаклда Беҳбудий образини ҳам саҳнага олиб чиқмоқда.

Театр биносида ташкил этилган мазкур музейдан мутафаккир ҳаёти акс этган суратлар, халқни маърифатли қилишга чорлаган мақолалари, те-

атр саҳнасида қўйилган “Падаркуш” драмасидан фотолавҳалар, ушбу спектаклда фойдаланилган либослар ва эскизлар ўрин олган.

Тадбирда театр жамоаси томонидан Маҳмуд-хўжа Беҳбудий ҳёти, унинг сирли ўлими, халқимизни маърифатли қилиш йўлида олиб борган ишлари ҳақидаги қисқа метражли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

\* \* \*

Президентимизнинг 2020 йил 30 сентябрда қабул қилинган фармонига кўра, халқимизнинг озодлиги ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган улуғ маърифатпарварлар қаторида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА**

*“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 1 октябрь, 110-сон*

## БОБОЛАРИМИЗ ХИЗМАТИ ҚАДР ТОПДИ

Үқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонига кўра, маърифатпарвар жадидчилик ҳаракати намояндалари қаторида бобом – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти – “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганини эшишиб, кўзимга ёш келди. Бутун умрини, ҳаётини маърифатга, маорифга бағишлиаган шундай буюк инсон шажараси давомчиси эканимдан қалбимда жуда катта фаҳр, ифтихор туйдим. Бир мен эмас, бутун қариндош-уруғларимиз, Беҳбудий авлодларининг бу қувончли хабардан бошимиз кўкка етди, бир-биrimизни табриклидик. Дўсту ёрларимиз ҳам қўнгироқ қилиб, самимий дил изҳорларини билдиришди.

Бу йил буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудига 145 йил тўлди. Президентимизнинг алоҳида эътиборлари билан ушбу сана кенг нишонланмоқда. Тошкентда янги очилган Адиблар хиёбонида бобомиз ҳайкали ўрнатилгани, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талabalари учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги стипендия таъсис этилгани, Самарқанд шаҳрида уй-музей очилаётгани ва қўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани улуғ аллома, жадидчилик ҳаракатининг етук намояндаси хотирасига бўлган юксак эҳтиром намунасидир.

Бобомиз ҳаётини маърифатга бағишлиади, бир умр шу мақсад билан яшади. Халқни турли маърака-маросимлардан воз кечиб, фарзандларини

ўқитишига чорлади. Уларга тил ўргатиш, замонавий илмлардан сабоқ беришни эртанги ёруғ келажак билан боғлади. Газета-журнал нашр этиб, халқни уйғонишга чорлади. Театр ибратхонадир, деган дъяват билан илмсизлик қандай оқибатларга олиб келишини “Падаркуш”да кўрсатиб берди.

Афусски, ўша даврнинг ўнлаб ҳурфиксари, жадидлар қатори бобомиз ҳам тузум қурбони бўлди. Аммо у кишининг асарлари, мақолалари ҳамма давр ва замонларда ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмай, халқни маърифатга бошлаб келмоқда. Айниқса, бугун мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясига, илмга жуда катта эътибор қаратилаётган бир пайтда Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурасидхонов, Абдурауф Фитрат, Ибрат сингари маърифатпарварларнинг қарашлари, улар илгари сурган ғоялар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб бунга яна бир бор амин бўлдим. Президентимиз мамлакатимизнинг эртаси, тараққиёти таълим тизимига боғлиқлигини алоҳида қайд этиб, бу борада мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, ўқитувчи ва мураббийлар, ота-оналар олдида турган вазифаларни санаб ўтди. Энди ҳамма гап ҳар бир киши бу вазифаларни ҳис қилиб, амалга оширишга интилишида деб ўйлайман. Шундай йўл тутсак, бундан жадид боболаримизнинг ҳам руҳи шод бўлгай.

**Шоҳруҳ БЕҲБУДИЙ,**  
*Махмудхўжа Беҳбудийнинг эвараси*

“Зарафшон” газетаси,  
2020 йил 3 октябрь, 111-сон

# I

## БЕХБУДИЙ ДЕЙДИКИ...

\*\*\*

“Марвда аҳоли аксария ила рус, арман ва эрон табъалари дур. Атроф халқи туркман бўлуб, шаҳарий бўлғонлари йўқ. ... Йўл устиндаги туркманларни бошиндаги узунлиги уч ярим қариш, эни экки қаришдан зиёда телпагидан башқа кўргу ери йўқ, фақат ҳануз белида аксария ила ханжари бордур. Аммо алар ханжар ўрнига қалам тутиш замони келганини билмайдурлар”.

(“Қасди сафар”)

\*\*\*

“Ер – қум. Бир тараф ўтсиз тоғ, беш-үн тева, бир-екки эски олачиқ ҳар ерда оз-оз кўринур. Бу қазоқларга лозим эдики, ўзлариға яқин шаҳарлар атрофинда йифилиб турғун бўлинсалар, валлоҳ, бу кетишни охири йўқ бўлмоқдир. Муҳтарам қазоқ талабалари, қазоқ уламо ва зиёлилари муни талқин этсалар керакдур”.

(“Қасди сафар”)

\* \* \*

“Боку ...хийла вусъат топиб, иморатлари беш-олти табақағача юксалибдур... Боку Русиянинг ободонлик жиҳатидан бешинчи шаҳри бўлиб, аммо мусулмон давлатлигининг қўплиги илиа Русияда иккинчи шаҳардур. Чунончи, мунда юз милийўн сўмлик мулку сармояға доро (эга) бир неча мусулмонлар бўлуб, милийўн соҳиби мусулмонлар яна ортуқроқ... бўлуб шаҳарнинг аксари мулки мусулмонлар қўлидадур. Оллоҳ зиёда этсун! Бул шаҳарнинг еридан нафт (нефть; барча изоҳлар бизники – Н.Р.), бошқа тил или, олтун чиқур. Бу кун меҳнаткаш бир кишининг еридан нафт чиқса, эртаға милийўнчи оға бўлур... “Мўътабар садо” ва “Иқбол” жаридалари идоралари ҳамда муриди муҳтарамлари Ҳошимбек Вазируф или Содикийни зиёрат этдим. Идораларининг аҳволи зоҳирияси ни ниҳоятда танг ва машаққатда кўрдум... Бечора мудир ва муҳаррирларнинг бири қоронғу ертўлада, дигари (бошқаси) тор ва иссиф бир дўконда мураттблари (ходимлари) илиа умр ўтказурлар эканким, манга кўб таъсир этди”.

(“Қасди сафар”)

\* \* \*

“Илоҳо, у азиз ва фаол бандаларинг ҳурматиға бизга басират эт. Эшитар қулоқ, англар ақл бер... Эй Оллоҳи азиму шон! Бумагар сенинг ғазабингмидур? Афу эт, биз – инсонларни; ҳидоят эт! Ер юзинда сулҳ ва салоҳи умуми ато айла, ин-

сонларға инсоният бер. Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм. Яшасун адолат ва ҳаққоният! Омин...”

(“Қасди сафар”)



“... мунинг (*Кавказ – Н.Р.*) олти юз чақирими комилан мусулмон ерлари ҳам ниҳоятда манбит (*кўқаламзор*) ва аъло ерлардурким, арпадан шо-лиғача экилган ва аксарияти баҳорикори. Дараҳтлари у қадар кўпки, Самарқанднинг Қарадарахту Миёнколи анга нисбатан ҳечдур. Ҳалқи бизнинг пирсиён, лазги, доғистоний деган ҳалқлар бўлуб, яна дохилан чечен, қумуқ ва бошқа исмлар ила аталур. Биз, туркистонийлар топганимизни тўй, ўлук ва кўпкариға сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжолига сарф этмоқ, бир-биравларини ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайндан бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлиға ва умрларини Сибириё чўллариға сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар”.

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

(“Қасди сафар”)



“Астағфурилло, субҳаноллоҳ. Бизни қила-дурғон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна – бу икки бало шундоқ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутулиб бўлмайдур. Шаҳар-

ларда ўртаҳол, яъни ўтурапға хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмагандан минг сўм... Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўра-ки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яхудий ё бир армани ажнабийға сотиб, тўй ва таъзия қарзини берар... Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру заруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳавлиларини пулға қизиқиб, яхудийларға сотгани учун маҳаллада оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди”.

“...яхудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб қўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлсақ, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъни аъзам, пайғамбари акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар! Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун худо ва расулни сўзига ва ўзимизни нафъимизға амал қилмаймиз? Биз девонами?”

(“Бизни кемиргувчи иллатлар”)



\*\*\*

“Бу маъдан сувларға (*Красновский – Н.Р.*) ҳар навъ касаллар келур. Қартайган, бир мушт ила охиратга кўчадурғон мўйсафид бойлар, боши қалтирайдурғон чоллар, ҳолсиз генераллар, бин-

ниси(бурни)дан тутсанг, жони чиқадурғон сил ва қонсизлар, кўп ўқугон, мияси ачиган талабалар ва муаллимлар...”

(“Қасди сафар”)



“Бу шаҳарда (*Ростов – Н.Р.*) беш мингдан зиёд мусулмон бўлуб, мунинг 300 қадари туркиялик мусулмонлар, аммо ўзларининг мактаблари йўқ. Мунда Туркия давлатининг кўнсулхонаси ва имоми бордур. Тасодифан имом афанди ила мулоқот этдук. Ерли мусулмонлардан фақат 20 қадар оиланинг мулки бўлуб, башқаси тамоман ижоранишин эмишлар. Мусулмонлар экки маҳалла бўлуб, бири ижора олинган ўша уйда намоз қилур. Дигарининг янги солинган масжиди бор. Аммо биз мусулмонларни на дин ва на дунёга аҳамият бермаганимиз учун шувоқсиз ва усти томадурғон ҳолида қолиб, бир тарафида намоз қилурлар...”

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

(“Қасди сафар”)



“Оҳ, биз мусулмонлар на учун Куръондан, санъат ва ғайратдан узоқ кетдук? Остимиздаги парахўднинг тўли (*узунлиги*) 150 газ зиёда, ичи-даги ёлғуз ҳайвон нотик (*одам*) 300дан зиёда. Фалла ва бошқа юки ҳам бор. Бу жонсиз ҳайвон биздек жонли ҳайвонларнинг асари санъатидур.

З-синфдагининг аксари мусулмон бўлуб, фақру заруратдан оёқ остида ва ҳожатхоналар ҳамсоялигида ўлтуруб ва анда ётарлар”.

(“Қасди сафар”)



\* \* \*

“Биз туркистонийларға туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удобо тилидур... Туркистоннинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларинда форсий сўйлайдурғон бир неча шаҳар ва қишлоқлар бордур. Бухоро ҳукуматининг тили форсийдур... Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. Бизға лозимки, ўз нафъимиз учун русча билайлук, ҳукумат мактабларинда ўқуилук. Давлат мансаблариға кирайлук. Ватанимизға ва ўз динимизға хидмат этайлук...”

(“Икки эмас, тўрт тил керак”)



\* \* \*

“Сизларға васият қиласман. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар!

Ўртадан нифоқни кўтарингиз!

Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!”

(“Васиятнома”)

## II

# БЕҲБУДИЙ ДЕЙДИКИ...

**“Қасди сафар”дан**



\* \* \*

### **Туркия**

“Андра (Ҳозирги Адирне; изоҳлар бизники – Н.Р.) Истанбулни, бошқа тил ила айтганда, Туркия давлатининг дарвоза ва устунидир... Истанбул ила Андра ароси қитор (поезд) ила ўн соатлик йўл бўлуб Австриё насоралари темир йўлнинг соҳиби... Бечора мусулмонлар беш юз йилдан бери Оврупода ўлтуруб, Оврупо одати, либоси ва ямон ишларини одат қилиб, аммо илм, ҳунаридан керагича ҳисса олмабурлар. Бул ҳар ерда шундайдур. Бу кунгача бир чақирим темир йўли бино қилмоқға бутун мусулмонларнинг илм ва иқтидори йўқдур, аммо папирус, ичкулик ва бузуқлик тарафига бор кучимиз ила аъло ҳолда тирмашармиз”.

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ



\* \* \*

“Баъзи ҳожиларимизни киссаларига оқчалари бўлуб, сарф этмасликлари ва ялғондан, биз мискин деб ҳаммол ила ва бир икки ғуруш расм оладурғон, карантин ва банд (port)лар маъмурлари ила урушиб юргонлари боиси таъсиф (афсуссланарли)дур...”



\* \* \*

### **Ливия**

“Бир-икки кичик туннел ва тош куфруклар остидан ўтуб, икки тарафи боғчалик ерлардан кечармиз. Ҳамма ток, зайдун, анор, хурмо, анжир, патак анжир боғчалари дур. Экинжойларға ҳар уч газға бир тут ниҳоли ўтқарилубдур. Ҳар йили бир-икки дафъа тутларни шохи урулуб, ипак курти ёки ҳайвонотга берилар экан. Боғлар темир йўлға у қадар яқинки, меваларини оташ ароба устидан узмоқ мумкиндур... Оташ ароба доимо баланд тоғларга эгри-бугри йўллардан чиқар. Бутун Жабали Лубнон (*Тоғли Ливия*) қишлоқ ва қасабалари хуш ҳаводур. ...Миср тарафиндан бойлар келиб, ёзни мунда ўткаарлар...”



\* \* \*

### **Дамашқ**

“Инсон ўзини бир олам ҳунар, бир дунё санъат ичинда кўруб, аввалги мусулмонларнинг дин йўлинда этғон сайъи ва қилғон ихлосларининг ҳамда ҳунар ва нафис санъатда этган тараққийларининг ўйловиға ғарқ бўлуб, кўз тинар ва ҳеч нимарса кўрмас даражага келур. Ё раббий! Мусулмонлар ва у баъдавий араблар бу қадарми аҳли санъат бўлди-лар? Бир сўз ила тамом этайин. Роқими хуруф (*камина*) ҳинд, эрон ва Испаниё жомеъларидан бошқа ислом оламининг барча жомеълари зиёратиға мушарраф бўлдум, аммо жомеъ Уммавиядек зийнатлик ва осори нағислик бир жомеъ кўрмадим”.



\* \* \*

## Байрут

“Англис ширкати шаҳарға таҳвил маъ (қубур) ила сув келтурган, яъни сақоси (ускуначиси) – английс. Ва Байрут лимон – парахуд ҳавзини франсуз ширкати бино этгандур. Темир йўл ва қўша хатлик трамвай немис ва белжикники. Фақат мамлакатни исми усмонлиға тобеъдур. Ажнабийларнинг минглаб талабалик ҳар нав дорулфунуни ва неча юзлаб талабалик ҳар нав мактаби 50 дан зиёда бўлуб, мунтазам расадхона, кимёхона, ташриҳ ва жарроҳи ва ҳикматхоналари бордур”.

\* \* \*

## Қуддус

“Ёфа шаҳриғача 20 соатлик йўл учун 13 сўмға биринчи даражадан жой олдим. Парахўдда мисрий, шомий, истамбулий кибор мусулмонларда бир хейле бор. Иттифоқо, уч кишилик бир ўйча (қамара)ға бир ўзим кириб, аъло бир уйқуга толдим. Таом вақти ходим ўйғотди. Катта солунга чиқдик; катта стол, бирига парахўд маъмурлари, иккисига овруполик ҳамула (ўйловчи)лар, бириға кешти (кема)дағи мусулмонлар ва ҳар кимни уйи ва каравот рақами табақи олдиға ёзилгандур. Ходим нўмирамизни кўрсатди, ҳамхоналар саломлашиб ўлтурдик.

Хон (стол)имиз устида ҳар нав мускиротларда (спиртли ичимликлар) бордур. Таомлар биринкетин келдики, шундан иборатдур: макарон кабоб пиёз, кабоб танўри, бир навъ шўрбо, кабоб,

картошка, балиғсардника, пеннир (*пишлoқ*), янғоқ, мева, қаҳва, конфет, печени. Ҳар ким буғўзи-гача тўлдурди. Аммо шишадаги мускиротдан на ул бойбаччалар ва на ул оврупомижоз бўлган араб ва турклар бир қатра бўлсун ичмади. Дедим: “На учун ичмайсизлар?” Дедиларки: “Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Оллоҳ азим-шон ҳазратлари Куръони Ка-римда афандимиз воситалари илан наҳий этибдур-ки, 1300 сана сўнгра оврупойилар бу ҳабис (*қабих*) ларнинг зарарини билиб, ўзларини сақламоқда-лар... ...бизнинг мактабларда мунинг зараридан баҳс этарларки, инсоннинг ичкиси келмайдур. Деди-ларки, Туркистону Бухоро қандайдур?” Мажбуран тўғрисини сўйладим... Дедилар: “Астағфирилло!”



\* \* \*

“...мачит ал-Ақсо муборакға кириб, ҳар шайдан аввал икки ракъат намоз ўқуб, мундай муқаддас ва мўътабар мақомларға бандани еткургони учун Оллоҳи зулжалолға ташаккур ва арзи ниёз ва убу-дият этдим”.

У киши мачитнинг салобати ва ҳуснидан беҳад лаззат топади: “Эй ўтмиш муқаддас мусулмонлар! Эй бонийлар! Эй фотийлар! Оллоҳ сизларни нихоясиз раҳматларға ғарқ этсунки, замонангизда бу қадар лоҳутий асарлар ва муқаддас буқъалар (*ибодатхона*) бунёд этибсиз, чин мусулмонлар, ҳақиқий инсонлар сизларсиз! Сизнинг изингиздан кетмоққа жаҳолатимиз монеъ бўлди.

Илоҳо! Бу азиз ва фаол бандаларинг ҳурматига бизға басират эт. Эшитар қулок, англар ақл бер! Оҳ у эзгулар қандай эканлар? Биз на ҳолдамиз?

Эй, Оллоҳи азимуш-шон! Бу магар сенинг ғазабингмидур? Афу эт, биз инсонларни, ҳидоят эт! Ер юзинда сулҳ ва салоҳи умумий ато айла. Инсонларға инсоният бер! Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм, яшасун адолат ва ҳаққоният. Омин...”

\*\*\*

“Мундан чиқиб онинг яқинидаги рус калисоға кирдукки, мунда ҳам тарихий тош ва тасвирлар кўб бўлуб, бир неча ўйдан иборатдурки, бир рус хотун шайхи бизларға кўрсатиб баён этди. Калисонинг олдинда тошкандлик ёш аттор бор эканки, ҳожи ва заввор (*сайёҳ*)лар оладурғон нимарсалар сотадур. Қўлиға бир неча нусха “Ойна” ва “Туркистон харитаси”ни бердим. Аҳли завод экан. Тошканд шахрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпуб, кўзиға суртди... Хусусан, ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиратға маълум бўлур. Ҳақиқатан, ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасға ва ўлгунча айрилмасға керақдур. Ўғли бор эмиш, Куддусдаги русча ва арабча мактабға бериб, мактабни тамом қилдирмоқға ва сўнгра русча дорулфунунға юбормоқиға машварат (*маслаҳат*) берилди”.

### III

## БЕХБУДИЙ ДЕЙДИКИ...

**1907 йилда Россия давлат думасига йўлланган  
лойиҳа ва мактублардан**



“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕХБУДИСИ

“Миллатимизни истеъдодсиз ва идораи дохилия ва афтономияни ижро ва ҳифзига қодир эмас, зан этувчилар, албатта, хато эдарлар.

Оврупойи Русия мусулмонларидан зиёдароқ афтономияни Туркистонга берилмоғи лозимдур”.



“Давлат думаси учун Туркистонни(нг) адади нуфуси исломиясига (муслюмонар сони)га мутносиб вакил сайлансун”.



“Қазо (қозиёт; изоҳлар бизники – Н.Р.) доираларинда ёзилатурғон барча ҳужжат ва ҳукм ва тазкира ва дафтарларни туркйча ёзилуб, даъво ва ҳужжат суммалари номутаноҳи ўлур (тушунарли бўлсин)”.



\* \* \*

“Туркистонға дунёни(нг) ҳар тарафинда мусулмоннинг ер олмоққа ҳаққи бўлсун ва инчунин, дунёға туркистонликлар-да шерик ўлсунлар”.



\* \* \*

“Туркистон ҳалқи талаб қилмагунча Туркистонга муҳожир юборилмасун”.



\* \* \*

“Туркистон шаҳарлари дохилиндаги (*ихтиёридаги*) ерлар янги низом вазъи бўлгунча, хоҳ меваққат ва абадий бўлсун, ғайrimусулмонға берилмасун”.



\* \* \*

“Умумўрта ва олий мактабларға мусулмонлардан комиссия тайинлансун. Рус ҳарфи мусулмон миллатига жабрий (*мажбурий*) бўлмасун”.



\* \* \*

## **1908 йилда Тошкентга император топшириғи билан келган граф паленга тақдим этилган талабномадан**

“Государский думага Туркистандан вакил олмок;

Туркистан халқи ҳар ҳуқуқда русийлар ила баробар бўлмоқ;

Русия ўрта ва олий мактаблариға Туркистан мусулмонларидан кирмоқ учун тадбир жорий қилмоқ ва анда дини ислом ва адабиёти маҳалия муаллимлари тайин қилмоқ;

Забт бўлган авқофларни (*бойликларни*) қайтармоқ;

Зироат, саноат ва тижорат мактаблари очилиб, мусулмонларға қулай тариқинда вазъи программи ва ўзга шунга ўхшашиб диний ва замоний ва мулкий эҳтиёжлар ... ила ёзмоқ.

Идораи руҳония ва шуъбаларининг таҳрироти ҳукумат маҳкамалари илан русча ва аҳоли, куззот ҳам вўлостной управителлар илан ўзбекча бўлса керак”.

### **Дума вакиллари хусусида**



\* \* \*

“Сайланадурғон вакилимизни(нг) илмий фикри, дониши, ғайрати, ҳиммати, жонсипорлиги, муслим ва ғайримуслимни аҳвол ва майшатидан воқифлиги, дин ва дунёдан боҳабарлиги бобиға фикр ва таҳқиқ этмоқ лозимдир. Нима учун ва

кимлар беш йиллик сайланадур, шоядки, вакилимизни биргина раъй, талаб ё мудофааси қабул ва Миллат мажлисиға маъқул бўлинса, ақал маротиб ўн йилғача бизға нафи тегадур. Худо сақласун, нодон бўлса ё хушёқмас бўлса, андан келатурғон зарар ҳам ўн йилғача бизни абгор қиласа керак".



\*\*\*

"Эй азизларим ҳам ҳамватаңлар! Ожизона арз қилурманки, шу хизматларни бажо келтиратурғон кишиларни вакил сайламоқ керак, олими дин ва дунё кишини ахтармоқ лозим, агарда Туркистондин олими дин ва дунё киши топилмаса, бир олими дин ва дунё кишини жуфт-жуфт этиб сайламоқ керақдур... Камина роқими ҳуруф Самарқанд областидаги ҳамватаңларимга холисанлиллоҳ маслаҳат бериб, ўз билишимни арз қиларманки, Самарқанд шаҳрини биринчи қитъа қозиси Мулло Мирзо Ниёз Муҳаммадни, бир неча йиллар муфтилик, бўлустностойлик, истарший оқсоқоллик қилиб ва беш-олти йилдан бери ҳаммадан беҳроқ қозилик қилиб турубдур ва бизни шаҳар ва уезд ҳалқини диний майшатини... била-дур. Иккинчисиға, Самарқандий дўхтур Абдураҳмон Фарҳодуғни сайласа ҳам бўладурки, форсий, туркий хат саводи бор..."

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ



\*\*\*

"Биринчи думаға биздан вакил борган йўқ. Иккинчига борди ва аммо оз. Туркистонни беш обла-

стига ўн милиёнға яқин мусулмон ва етмиш минг қадар насоро бордур. Бу икки тоифани ҳар биридан 6 нафардан вакил талаб қилиниб эрди. Ҳануз бизни дард ва талабимизни баён қилмасдан, илгари иккинчи дума вакилларининг фуқаро нафъи ва ҳукумат зарариға бўлгани учун ва баъзи вакилларни фикри балки дин ва ҳукуматни бузмоқчи бўлгани учун қолдилар. Учинчи дума учун сайлов қоидаси эълон қилинди. Биз, туркистонликлар ва Сибир халқларини учинчи думаға вакил юбормоқдан вақтингча маҳрум қилинибдур. Ҳолбуки, биз юборган вакиллардан ҳукуматнинг аксига сўзлагани йўқ. Ва Туркистон вакилларидан ёлғуз Самарқанд вакили Тошфўлод Халилов ер солиги ни озаймоғи хусусида биргина мартаба сўйлаб эрди”.



“Эй Туркистон мусулмонлари, биродарлар, ибрат назари ила боқинг, ҳолимиз надур? Бу кун бу ишда саъй қилмасак, эртага дин ва майшатимизға (тирикчилигимизга) зарар келур, сўнгра иложсиз қолурмиз. Депутат юборайлук, подшохимиз одил ва меҳрибондур. Ўн миллиён халқ тарафидан ҳукумати ҳумоюн боргоҳларига борган депутатларни ноумид ва қуруқ, албатта, жўнатмайдурлар... Ва илло, бул турушимиз ила йўқ бўлармиз...”

## IV

# БЕҲБУДИЙ ДЕЙДИКИ...

**Самарқандда усули жадид мактабининг  
имтиҳони хусусида**



\* \* \*

“Самарқандий муаллим Мулло Абдуқодир қори Абдушакур ўғлини Самарқанд боғотига барпо этган мактабига баланд даражалик Самарқанд обlastини военний губернатори жанобларини таклиф қилганим ва ул жанобни бориб кўруб, маъқул қилиб шаҳарга киргузмакка берган рухсатлари ва мактабни молия ва тартиби ушбу газетни 2 номерида ёзилиб эрди... Бойларимиздан жаноб Мулло Муҳаммад Раҳимбой ва Кобул бўлустнойи мирзо Назирқул ҳожи Мавлонбой, Мулло Эшонқул, Мулло Шамсиддин маҳзум, Мулло Ҳасанбой, Мулло Жўрабой ва бошқалари бештўрт сўмдан ва баъзилари жома (*тўн*)... бахшиш қилдилар”.

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

### Ибрат ҳақида



\* \* \*

“Холо ойинаи жаҳон статистикларига боқилса, вусъатча (худуд) Бухорони тўртдан бири, нуфусға (*аҳоли сони*) тақрибан баробар Сербия мамлакатини икки миллиён халқи учун олтмишдан зиёда газета нашр бўладур. Инчунин, икки ярим милли-

ён юноний грекларни икки юздан зиёда газетаси бордур. Уч миллиёнга яқин Хива, Бухорони бир адад газетаси йўқдур. Тўқуз миллиён Ўрта Осиё мусулмонларини бир газетаси, (тағин) бир газета чиқармоққа салоҳияти, истеъодиди йўқдур!

Ҳайҳот! Ибрат лозим!”

## Партиялар ҳақида



“Учинчи “социал-демократически иштирокиуни омиюн” маъишати муштарака (большевиклар) фирмасидурки, бул ҳам дохилан икки фирмага бўлинур. Бири социал-демократ иштирокиун, дигари (бошқаси) “социал-революционер инқилобијон”дир. Буларни бошлуча муроди ҳозирги барча закун, мулкият қонунларини бутун бузуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасиға муштарак (тақсимлаб) қилиб, анинг манфаатини бутун халойиқ ўртасида мусовий (тақсим) этмоқчидур. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё молини роҳатидан ҳаммани баробар фойдаланатуриб, масъуд ва роҳат умр ўтказмоғига ва ҳар ким ўз истиқболидан амин бўлмоғига закун ва қоида жорий қилмоқчидурлар. Буларнинг программини жорий бўлмоғига ҳозирги асримиз мустаид (тайёр) эмас. Балки неча асрларга таваққуфи (муддати) бордур. Дунёға нелар бўлмади? Ким билур, балки замони келиб, буларнинг программи қонуний жорий бўлса, ҳамма минқули ал-вужуҳ баробар бўлуб, сир китоблариға ёзилған Жобулға, Жобулса (афсонавий шаҳарлар) ва тартиб маъишати ер юзиға бал-

ки жорий бўлар. Ҳар ҳолда бу партиянинг муроди мумкин лаяқъа ёинки хаёлидай кўрунуб, бу тоифага қўшулмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарликдур”.

### Мактаб, мадраса тўғрисида



“Туркистонга нисбатан Бухоро маъдани илмдур. Туркистон мударрислари аксария ила Бухорда хатми улум этадурлар. Бухоро тили форсий ва аксари уламоси Бухоро ва Самарқанд ва кўҳистон форсийлари дуркни. Мадрасаларда форсий дарс берадурлар ва талабаси турк, татар, қирғиз, туркман, форсий, на бўлса бўлсин, форсий таълим берар, Фарғона, Сирдарё ва Маворой баҳри Ҳазар ва туркмени шарқий Хива, Афғонистон ва Туркистон вилоят ва мамлакатларини талабалари қаю тилға бўлса бўлсинлар ва Бухоро дарсларини форсча айтарлар”.



“Самарқандий Мулло Абдуқодир шаҳардан уч чақирим ташқаридаги ўз ҳовлисида усули жадид мактаби очиб эдики, болаларни шаҳардан бориб келиши кўп мушкуллиги учун ман роқими хуруф (муаллиф) Маҳмудхўжа муфти жаноб баланд дарожалик Самарқанд губернатори ва полицмейстери ни олиб бориб, кўрсатиб ва шаҳарга ўз ҳовлимга кўчуруб, мактабни очдурмоқ учун рухсат олиб шаҳарга киргизиб эрдимки, икки йил бўладур”.



\* \* \*

“Самарқанд тараққийпарварлари шаҳримиза қироатхонаи исломия очиб, бандани китобхона асҳоби раис сайлаб эдилар. Буда аъдомиз назариға ноқобил узв бизим учун катта қусур ўлан (ноқобиллар ўзларича айб қўйиб) ҳоло кутубхонада Қуръони каримни қўймаюр эмиш, деган сўзни узун бир тил раста ва бозорларда сўйладилар. Ҳолбуки, кутубхонада бир неча марта ба Куръон ҳадя этганро ҳуруф ва дафтарила сабитдур (Ўзим тухфа этганим дафтарга қайд этилган)”.  
●



\* \* \*

“Русский туземний мактабларға ўқиганлар зиёли тугул, хаёлий ҳам ҳисобланмайдурлар. Алар фақат чаласавод кишилардур”.



\* \* \*

“Ҳар кимға маълумдурки, бизнинг Туркистон мусулмонларини юзни 99и илмсиздир. Қишлоқ ва сахроларни аҳволи мундин ҳам ёмонроқ, мингдан бири эҳтимолки олими масонли шаръия бўлса. Ҳолбуки, буларнинг ҳаммасига илм фарз эди ва буларнинг аксарул аксари тўрт-беш, ҳатто ўн санаалар илиа умрини мактабга ўткариб эди, аксари ҳар кун масжидга кетар. Бовужуд шул на учун аҳоли бу қадар илмсиз? Бу даражада жоҳил ва бу даражада ахлоқсиздир? Албатта, бунинг сабаби аларға яхши таълим бермаслик ва аларға лозим ва муҳим ишлардин баён қилмаслиkdir”.



\* \* \*

“Императури аъзам ҳазратлари сувратларини уламои динимиз осарлар (илиб қўярлар), биз усули жадид муаллимини мактабга қўймаганимиз ажабдир. Биза қолса, илми ҳайъат мужтаҳидлари уламои давр Мирзо Улуғбек жанобларидек, Амир Темурдек рижоли тарихийни (*тарихий шахсларнинг*) сувратларини ҳам қўйуб, буюк зотларнинг таржимаи ҳолидан қиёфат ва маишати (*қиёфаси ва ҳаёти*)дан ҳам дарс ибрат олурлар (олган бўйлардик)».

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕХБУДИЙСИ



\* \* \*

“Мисрдан, Шом ва Арабистондан ва Эрондан Россия мактаблариға талаба келганда, Бухородан на учун талаба келмайдур? Бунинг сабаби, бухорийларни(нг) гафлати ва замондан хабарсизлиги деюрлар”.



\* \* \*

“Бухорони ўрта миллати учун авомча сўйланки, турклар, эронийлар, туркистонийлар, қазоний ва оренбургий ва кавказийлар ҳам чунончи русча ўқусалар кофир бўлмадилар. Бухорийлар ҳам русча ўқуган или кофир бўлмайдурлар”.

## Миллат ҳақида



\* \* \*

“Бошқа миллатларға қаралса күрилурки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлур.

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕХБУДИСИ



\* \* \*

“Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозориға кетур. Муни Оврупо даллоллари келиб, оз баҳога сотатурғон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қиласурғон бизда бир одам йўқ”.



\* \* \*

“Қисқа қиласурғон, бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфуннулар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақғ “истепенсиялар” тайин қиласар. Бошқа миллат миллиёнерлари мактаби ила “истепенсия”-ла идора қиласурғон газет ва мажалласи-ла бино қиласурғон жамияти хайрияси ила фахр қиласур”.



“Бир карра диққат қилиб, маҳалла, кўй ва қишлоқ халқларига қаралсун. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз, мусулмонликка илм лозим, амал лозим. Ўқумоқ керак! Нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза эса бир нафар саводлик йўқ?”



“Бошқа миллатларнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммоллиқда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобе, бизнинг уламо билъакс авомга тобедир. Бунинг охири ҳаробдур. Йигирма, ўттиз сана (йил) яна ёмонроқ бўлур. Мусулмонлик илм ва адаб ила қоим, миллат ахлоқ, фазл ва хунар ила боқий қолур”.



“Бонк, фирма фойдахўрни. Табиий, буларға пулларни бермоқ (*қайтармоқ*) керак. Боғ ва хона ва уй ичиндаги асбобни сотиб бермоқ керак. Бечора келин ва куёвни кўрпа ва либосиғача сотилур, қорахатга берилур. Нимбойлар (*ўрта бойлар*) синар, тирикликинча бўлмаса, ўлганда синар, аҳли ва аёли дарбадар бўлар. Ай, бу нима? Тўғриси, бир наъв девоналилк эмасму? Субҳоноллоҳ, қарз қилиб, халқقا ош бермоқ ақлсизлик эмасму?”



\* \* \*

“Тўй ва маъракага сарф қилинадурғон ақчани жамламоқ ва ё қўлга киргизмоқ учун ҳаракат этардук... Тўй, маърака қилинсун, аммо ҳозирги-дек исроф этмасдин қилинсун ва мумкин қадар-ча кичик қилинсун ва ортиқча пул ила болаларни мусулмоний ва русий яхши ўқитулсун”.



\* \* \*

“Субҳаноллоҳ, бу на ҳол! Бу йигирманчи аср-дур, ваҳшний тоифаларғача замона илм ва ҳунари-нинг қадрини билдилар. Замона илм ва ҳунарига қўл урдилар. Эй биз туркистоний ва бухорийлар на учун бу ҳолдамиз? Дунёда турмоқни хоҳласанг, замона илм ҳунариға мактаб ва дорулфунунига майл этмоғимиз керак. Чунки бунисиз замона одами бўлмайди”.



\* \* \*

“Кўз олдимиздадур ва қўрармиз бир немис, бир яхудий ва бир поляқ икки қўли байнисига (*бурнида*) бизнинг мамлакатга келур. Бир-икки йил ўтар-ўтмас қараймизки, ўн минглаб, юз минглаб ақча топар ва бизга хўжайин келур. Бунинг сабаби ва ҳикмати надур? Сабаби, илми замонани билмоғидур. Беш тийин сармояси йўқ, даллоллик илиа очилган контурхоналарни ҳар ким билур. Эй булар қандай фойда ва нима иш қилурлар? Буларнинг қиласурғон иши шулки, бизнинг пахта, мавиз,

мева, дона, тери, жун ва эски нимарсаларимизни ...Оврупо ва Амриқо...га сотиб фойда этарлар".

\*\*\*

"Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касаба ва ағний (бойлар)! Эй ғайратли ёшлар! Ниғоқ ва бир-бирига душманликни ташлангиз! Худо ҳаққи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда (1917) қорнини тўйғизолмайдурғон етим ва бевалар ҳаққи, бир-бирингиз ила иттиғоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ ҳудонинг нафига, дин ва миллат йўлиға хизмат этингиз! Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нағсоният ва ғурур эмас".

\*\*\*

"Муҳтарам ёшлар! Замон сизникуидур, қарилар замони ўткан. Сиз киромга бобасират (эҳтиромга сазовор) бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас... балки бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз".

\*\*\*

"Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур! Ҳар бир миллат ва мамлакат ҳақини ўзининг ҳуқуқи диния сиёсиятини ҳаракат ва иттиғоқ ила бошқалардан олади...

Биз истаймизки, Туркистон мусулмонлари бундаги русий, яхудий ва бошқалар қўшилган ҳолда ўз бошлариға Россиянинг бир парчаси ҳисобланадурғон Туркистон ҳукумати таъсис этсак, ўзимизнинг мажлис муборравотимиз (*парламентимиз*) бўлсин”.



\* \* \*

“Бир солдат Дизахда бир неча киши очликдан ўлганини ва шаҳар халқининг сарбоз (*аскар*)хоналарга нон гадойлика келиб, бир қўллари ила чўкунуб, иккинчи қўллари ила солдатлардан нон тилаганликларини юраги ёниб, самимий суратда баён этди. Анинг ушбу сўзи маним бутун томиримга таъсир этиб, ҳолатимни ўзгартириди ва тоқатим қолмади. Оҳ, бу на бадбаҳтлиқдур!” (1917)



\* \* \*

“Эски ҳукумат зоҳирان бизни маданий қилмоқ учун “русский туземний” исминда бизнинг учун мактаблар очиб, ўз фаҳмларича, бизни дунё ва охиратда некбахт (*бахтили*), яъни насорат (*христиан*) қиласурғон миссионерларға топширдилар, Бу мактабларға зоҳиран мусулмон муаллими тайин этиб, анга 15 сўмдан 25 сўмгача вазифа берардилар. Албатта, бу пулга ҳеч муқтадир киши муаллимлик қилмас эрди. Дигар тарафдан хуфия приказлар ила бу мактаблардаги мусулмон болаларини оз таълим бермоқға ва бақадриимкон амрини зоиҳ ва ўзини ҳайвон қилмоққа фармойиш қиласурғон миссионерларға топширдилар”.

## “Ҳақ олинур...”

\*\*\*

“27 ноябрда (1917) Ҳўқандда Туркистон мухторияти умумий мусулмон сиездидаги эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлиши учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!.. Туркистоннинг ҳар тарафидан 300 қадар киши мунда бор эди. Яъни ваколат или юбориб эдиларким, бунинг катта бир қисми уламо ва машойих эдилар. Рус, яхудий ва арманлардан ҳам вакиллар бор эди. Биргина киши бўлсун, бу мухториятга ҳеч бир фирмадан муҳолифат этмади. Эътиroz ва протест деган сўз асло бўлмади... Оқшомгача бутун Ҳўқанд кўчаларидан, мактаб ва мадрасалардан такбир овозлари чиқар эди. Зиҳи саодат!”

“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ

\*\*\*

“Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллиёнлик бир қувват оламға келурки, мунга ер титрайди. Агар сўзумни фаҳмлатолган бўлсам, ўзимни баҳтли ҳисоблардим”.

\*\*\*

“Азиз (қозоқ) қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон демак туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоги,

қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмани, татари – ҳаммаси түрк муғул болалари ҳамда жаҳонгир Чингизхон ва Темурнинг авлоди ёки оға-инисидурлар... Бовурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва, сиз билингки, “Ҳақ олинур, берилмас!” Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб гайрат ила олурлар, албатта, бошқалар тарафидан берилмас! Бошқаларнинг қўлидан келса бермаслар”.



\*\*\*

“18 июлда (1918) Тошкентга кирдим. Йўлда вагонға одам кўплиги учун ўтуруб бордик. Анда бориб, Ниёзуф билан бирга ҳозирги Туркистон ҳукуматининг раиси Тоболин афанди ҳузуриға кирдик. Ва ушбу тубандаги масалалар тўғрисинда сўйлашдук.

1. Фалла; 2. Аскар олиш; 3. Тазминоти (*таъминоти*) ҳарбия; 4. Ер ва сув масаласи.

Ҳозирги ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонларининг нафи нуқтаи назаридан юқоридаги масалалар хусусинда эътидод ва осон йўлларини кўрсатиб таклиф этдим ва ўзимни 25 йил халқ ишига аралашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб, дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тирикчилигига ҳосил этган тажрибам юзасидан хulosса ва холисан ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номиға бир хейли таклифотда бўлдим (*таклифлар киритдим*). Туркистоннинг ҳозирги дохилий (*ички*) ва хорижий душманлари аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳия ва эъ-

тиқодини ва майшиясига (*тирикчилигига*) бироз бўлса ҳам аҳамият бермак ва риоя қилмоқ кераклигини билдиридим.

Тоболин афанди бу сўзларға аҳамият бергандек бўлиб кўрунди. Ниёзуф билан Жўрабоев афандилар ҳам ҳозир эдилар ва маним сўзларимни таҳийи (*маъқул*) этдилар. Юқоридаги масалалар тўғрисида таклифларимнинг хulosаси шул эди.

Бул тўғринда (*ғалла*) маним таклифим шул бўлдики, бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уездан ғалла чиқарилмасун ва омборларнинг ғалла олиши манъ қилинсун. Такса (*қатъий баҳо*) асло бўлмасун, фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасидан берсунларки, бу ҳам аввал дафтар бўлуб, сўнгра берилсун.

Аскар масаласидурки, бу ҳар нарсадин муҳим ва умумий бўлиши лозим. Аммо мусулмонлар ҳамон шунга ўрганмаган ва ҳам дохилий (*ички*) фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб... ёмон ҳодисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиласманки, то халқ ўрганиб, бироз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, халқнинг аҳволига (*қаралса*) эди.

Ҳозирги ҳукуматнинг раиси Тоболин афанди билан музокарамиз икки дафъа (*марта*) бўлуб, бир соатдан зиёд чўзилди. Тоболин афанди юқоридаги масалаларнинг муҳимларини ёзиб олиб, яхши ваъдалар берди... Маним юқоридаги таклифим бутун Туркистон учун қабул қилинди ва ўз фикримча, туркистонлик ватандошларимнинг буни жон ва дилдан қабул... (*этишлари лозим*)”.



\* \* \*

“Каминани Самарқанд маориф комиссарлиги-га Самарқанд мусулмон шўроси сайлаб эди. Баёни узр (*рад*) этдим. Қабул қилинмади. Бир неча вақт қўлимдан келгунча ишладим. Мактаблар тўғрисинда баъзи лойиҳалар ёзиб ташладим. Охири безгак ва оёқ оғриғи ҳам йилнинг қийматчилиги важҳидан рўзгор ва деҳқончилик ишларимнинг қўблиги ва бир неча сабаблардан комиссарликдан истеъфо бердим”.

### Маънавият хусусида



\* \* \*

“Тиётр нимадур? Жавобиға: тиётр ибратномадур. Тиётр вазъхонадур. Тиётр таъзири адабиядур. Тиётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда қўзликлар қўриб, кар ва қулоқсизлар эшитиб асарланар. Аччиқ бўлса ҳам (у) ҳақиқатни сўзлар”.



\* \* \*

“Сўзни(нг) қисқаси, тиётрхоналар масҳарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур... Бизни(нг) Туркистон ва Бухорода миллий тиётрдан асар йўқ эди. Муҳаррири ожиз “Падаркүш”ни ёздики, ўткан феврал ойинда Самарқанд, Хўқанд, Бухоро ва Тошканд ва Каттақўрғон шаҳарларинда мил-

лат нафи учун кўнгуллилар саҳнага қўюб, тўртбеш минг сўмни тўрт-беш кечада жамлаб, мактаблар фойдасиға бердилар”.



“Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танқид, яъни сараламоқдир. Саррофлар ақчани, тужжорлар матони саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва майшатга тааллуқли нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила “танқид” аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўқулатурғон китобларни маънан тафтиш этиш, андаги нуқсонларни баён этмоқ танқиддур. Таарруз (*хужсум*) ва душманлик эмас, агарда шахсиятга тўқунмаса...”

### Тил масаласи тўғрисида



“Азбаски араб ва форс маданияти, илм ва ҳунари турклардан зиёда ва ғолиб ва қадим ва ҳам туркларға ғолибан, маънан аскарияти моддатан ҳукмфармо (*хукмдор*) эди. Қозоқ шевасида келганда, энг содда туркий ва саҳройи, яъни ибтидий тилни кўрармиз. У тил илиа илмий ва ижтимоий ва фаний китоблар ёзиб еткуруб бўлмайдур...”



\* \* \*

“Фарғонанинг Хўқанд ва бошқа шаҳарларида ҳам форсий ривожда бўлуб, уламо ва машойихни форсийга майли кўбдур... Хўқанд хони Умархон жанобларининг “Девони Умархон”иға форсий абётлар иншод қилингониға қараганда, қадимдан бери Фарғонада форсий тилнинг жорийлиги маълум бўлур...

“Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлук”, бу кўб енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур... Келар замон учун ҳозирланайлук, ўткан замон учун эмас.

Она тили, она тили... Бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзилаберса, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиётада ёзилгани Қаршида англашилмайдур”.



\* \* \*

“Ойина” муҳаррири тарафиндан 19 адад “Шўро”да ёзилган сўзларнинг мазмуни шул эди: фикри ожизимча, туркистонийларнинг сарт аталиши сабаби маълум йўқдур. Бу исм шимол ҳалқи, яъни қозоқ ва татар қардошларимиз тарафиндан Туркистоннинг шаҳар ҳалқига берилган исмдур”.



\* \* \*

“Вамбери жаноблари ёзадурки, “Сартларни Бухоро ва Хўқандда тожик атайдурлар. Инчунин, жаноб Лазарь Будаговнинг, Шайх Сулаймон Бухорий

жанобларининг лўғатларидан маълум бўлурки, “сарт”лар аҳли форс ва тожик эронийлардан иборат бўлса, ҳолбуки, эронийлар форс ва тожикдурлар”.



\* \* \*

“Самарқанд вилоятининг расмий таҳрир нуфусиға 1894 санада шул тариқа қайд бўлинган: ўзбеклар 39 000, тожиклар 200 000, қозоқлар 210 000, араблар 30 000, афонлар 2 000, оврупоилар 18 000, яхудийлар 4 000, жўги чангоналар 2 500... (қани сартлар?)”



\* \* \*

“Азиз биродарлар! Ҳазрати Али афандимиз буюрадурларким: “Эй мусулмонлар! Болаларингизға келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худо таоло халқ этди, сизни замонангиздан бошқа, яъни келар замон учун”. Юқоридаги сўз шундай бир қийбатбаҳо ва пурмаъно ва кераклик сўздурки, ёлғуз анинг ила биз, мусулмонлар, омил бўлсак (*риоя қилсан*) эдик, бутун дунё ва охиратимиз обод бўлур эди”.

**Тўпловчи: Нусрат РАҲМАТ**

## МУНДАРИЖА

Эзгулик қадр топади .....	6
Беҳбудий кутубхонасида китобхонга қанд чой берилган .....	9
Маърифат яловбардори .....	11
“Самарқанд”нинг илк муҳаррири эди .....	14
Туронзаминнинг икки даҳоси.....	16
Маҳмудхўжа Беҳбудий ким бўлган? Биз уни муносиб қадрлаяпмизми? .....	21
Беҳбудий ва Қодирий ёхуд мен Раъонони нега севаман? .....	38
106 йил ўтиб, “Падаркүш” яна театр саҳнасида ....	47
“Бобом орзу қилган кунлар” .....	48
Беҳбудий қолдирган маънавий хазина .....	50
Навоий ва Самарқанд вилоятларида Широқ ҳақида телесериал ҳамда Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятига оид бадиий фильм суратга олинади .....	52
Беҳбудийга баҳшида ҳикоялар.....	55
“Адиби аввал” .....	57
Улуғ аллома шажараси .....	61
Беҳбудийнинг руҳи шод бўлди .....	64
Беҳбудийнинг сўнгги манзили.....	66
“Адабиёти жадидаи мустақбаламизга... Ёдкори хайр”.....	75
Беш ўлдуздай серқирра инсон .....	85
Бўлғуси журналистлар учун илк стипендия.....	88
Маҳмудхўжа Беҳбудий ва маориф.....	90
Маҳмудхўжа Беҳбудий географ бўлмаган, аммо ўзидан қимматли географик мерос қолдирган .....	96
Театрда маърифатпарвар аждодимиз музейи очилди .....	105
Боболаримиз хизмати қадр топди .....	107

I. Беҳбудий дейдики.....	109
II. Беҳбудий дейдики.....	115
III. Беҳбудий дейдики.....	120
IV. Беҳбудий дейдики.....	125

*Публицистик нашр*

## **“ЗАРАФШОН”НИНГ БЕҲБУДИЙСИ**

*Мақолалар*

Мұхаррір *Отабек Мұхаммадиев*  
Бадий мұхаррір *Ақбарали Мамасолиев*  
Мусаҳхіқ *Ғиёсiddин Ўнаров*  
Саҳифаловчи *Комронбек Ҳамзаев*

**“SAHHOF” нашиёти**  
100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 25-6-42  
 : +99899 111-94-62  
 : +99894 659-94-62

Чоп этишга 2020 йил 22 ноябрда рухсат этилди.  
Бичими 84\*108  $\frac{1}{32}$ . “Cambria” гарнитураси.  
Офсет босма усулида чоп этилди. Шартли босма табоби 7,56.  
Адади 500 нусха. Буюртма № 3

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.